

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 811.111'367.633
811.512.133'367.633

САЙФУЛЛАЕВ АНВАР ИСЛАМОВИЧ

**ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИЛАРНИНГ НОМИНАТИВ-
СИНТАГМАТИК ВА ТИПОЛОГИК СТРУКТУРАВИЙ МАҚОМИ
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
филология фанлари доктори,
профессор Шухрат Сирожиддинов

Тошкент – 2019 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I боб. ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	12
1.1. Предлог ва кўмакчининг умумий лисоний мақоми.....	12
1.2. Предлог ва кўмакчининг сўз туркумлари тизимидаги мавқеи	34
1.3. Предлог ва кўмакчини моделлаштириш имкониятлари	52
Боб бўйича хулосалар	66
II боб. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИЛАР СЕМАНТИКАСИНинГ ХУСУСИЯТЛАРИ	70
2.1. Предлог ва кўмакчининг категориал маъноси ҳақида	70
2.1.1. Предлогнинг категориал маъноси	76
2.1.2. Кўмакчининг категориал маъноси	81
2.2. Предлог ва кўмакчи маъноларининг модификацион хусусиятлари	90
2.2.1. Предлог маъноларининг нутқий модификацияси	90
2.2.2. Кўмакчи маъноларининг нутқий модификацияси	98
Боб бўйича хулосалар.....	110
III боб. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИНИНГ КОНТЕКСТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ	112
3.1. Предлог ва кўмакчининг матн ҳосил қилиш хусусиятлари	112
3.1.1. Предлогнинг контекстуал хусусиятлари	112
3.1.2. Кўмакчининг матн ҳосил қилиш хусусиятлари	118
3.2. Предлогли ва кўмакчили қурилмаларни таржимада берилиши	125
3.2.1. Предлогли қурилмаларни таржима қилиш масаласи	125
3.2.2. Кўмакчили қурилмаларни таржима қилиш масаласи	131
Боб бўйича хулоса	136
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	139
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	142

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг структур-функционал босқичида асосий эътибор тилни тизимли ўрганишга қаратилган. Инглиз тили предлоғлари ва ўзбек тили кўмакчиларини функционал семантик жиҳатдан таҳлил доирасига тортиш ва уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш бугунги кун учун долзарб масалалардан бири сифатида илмий-амалий аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўзбек тилини жаҳон тиллари, хусусан инглиз тили билан қиёсий ўрганиш она тилимизнинг жаҳон тилшунослигида илмий эътиборга молик манба сифатида жозибадорлигини оширади. Хорижий тилларни ўрганиш, ўзбек тилининг мавқеини жаҳоннинг энг ривожланган тиллари даражасига кўтариш муҳим масала сифатида кун тартибига кўтарилган паллада типологик таҳлилларда алоҳида ўрин тутадиган бошқа грамматик ҳодисалар қаторида инглиз тили предлоғлари ва ўзбек тили кўмакчиларининг номинатив-синтагматик мавқеи ҳамда типологик структур мақомини аниқлаш долзарбдир.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда матн лингвистикаси, таржимашунослик ва луғатлар тадқиқоти замонавий андозалар асосида такомиллашмоқда. Жумладан, инглиз тили предлоғлари ва ўзбек тили кўмакчиларини семантик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш; уларнинг матндаги номинатив-синтагматик мавқеи ва типологик структур мақомини белгилаш ҳамда функционал-семантик чоғиштириш; семантик, структуравий ва типологик жиҳатдан турли тизимли тилларда тилнинг индивидуаллиги ва тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш каби устувор йўналишларда тадқиқотларга эҳтиёж туғилмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида ўзбек миллий моделига мос келувчи таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг замонавий талаблар даражасидаги асосий

тамойиллари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Чет тилларни ўрганишга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди. Истиқлол йилларида тилимизнинг барча сатҳлари ва уларга оид birlikларни ҳар тарафлама ўрганиш ҳамда тавсифлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, тилимизнинг грамматик қурилишини, ўзбек тилининг ўзига хос табиатини аниқлашда, хусусан, ёрдамчи сўз туркумларини тавсифлашда муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш» алоҳида таъкидланган. Бу борада инглиз тили предлоглари ва ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг лисоний мавқеи ва нутқий воқеланиш хусусиятларини янги методологик тамойил ва замонавий мезонлар асосида очиб бериш муҳим аҳамият касб этади¹.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон фармони, 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2124-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ 4947-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.39.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тили предлоғларини ўрганиш масаласи ўтган асрнинг 60-70 йилларидан буён тилшунослар диққатини ўзига тортиб келмоқда. Унга оид фикрларни хорижлик тилшунос олимлар Б.Н.Аксененко, Л.С.Бархударов, Г.Н.Воронцова, Б.А.Ильиш, И.К.Иртенъева, Т.М.Новицкая, Н.Д.Кунин, А.И.Смирницкий, Б.С.Хаймович, Б.И.Роговская, В.Н.Ярцева, D.C.Bennet, T.Givon, R.Huddleston, P.Roberts, A.Herskovits ва бошқалар тадқиқотларида кўрамиз. Мавзуни ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларда предлоғлар семантикасини интралингвистик аспектда тадқиқ қилишга йўналтирилган ишлар, жумладан, предлоғ маъносининг полисемияланиши, метафоризацияланиши, грамматикализацияланишидаги иштирокига бағишланган ишларни кўришимиз мумкин².

В.И.Пекар ва А.Б.Чернышев предлоғлар семантикасини когнитив нуқтаи назардан таҳлил этишга, моделлаштиришга ҳаракат қилганлар³.

2 Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – Москва: Изд-во лит-ры на иностр. языках, 1959. – 440 с.; Воронцова Г. Н. Очерки по грамматике английского языка. – Москва, 1960. – 397 с.; Хаймович Б.С., Роговская Б.И. Теоретическая грамматика английского языка. – Москва: Высшая школа, 1967. – 298 с.; Иртенъева Н.Ф. Теоретическая грамматика английского языка. Синтаксис. – Москва: Высшая школа, 1969. – 144 с.; Бархударов Л.С. Язык и перевод. – Москва, 1975. – С. 18; Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – Москва: Наука, 1981. – 110 с.; Кунин А.В. Внутренняя форма фразеологических единиц / Слово в грамматике и языке. – Москва: 1984. – 312 с.; Huddleston R. An introduction to English transformational syntax. – London: Longman, 1996. – 276 p.; Bennet D.C. Spatial and Temporal Uses of English Preposition. – London, 2005. – 344p; Ильиш Б.А. Значение предлогов в современном английском языке, 2008. – 172 с.; Roberts P. English Syntax: A Programmed Instruction to Transformational Grammar. – New York: Harcourt, Brace and World, 2008. – 524 p.; Givon T. Syntax and Semantics: Discourse and Syntax. – New York: Academic Press, 2009. – 416 p.; Аксененко Б.Н. Exercises in English Prepositions. – СПб.: СПбГУ, 2012. – 166 p.; Новицкая Т.М. Неологизация в лексике английского языка. – Воронеж: ВГУ, 2012. – 207 с.

³ Чернышев А.Б. Когнитивное моделирование семантики пространственных и временных непроектируемых предлогов с общим значением «движение к конечному объекту»: дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2010. – 197 с.; Пекар В.И. Семантика предлогов вертикальной соположенности в когнитивном аспекте (на

З.М.Степанова маконий концептларнинг лингвомаданий хусусияти шаклланишида предлогнинг ролини аниқлаш⁴, Р.Э.Киямов эса *after* ва *before* предлогли конструкцияларнинг лексик ва синтактик таҳлили доирасида тадқиқот олиб боришган⁵.

Туркий тиллар морфологиясининг ўзига хос хусусиятларига эга эканлигидан келиб чиқиб рус туркийшунослари томонидан ўзбек тили кўмакчиларининг чуқур ва кенг моҳиятга эгаллиги эътироф этилган. Айниқса, кўмакчиларнинг келиши билан қўлланишни тақозо этиши ва ассоциатив муносабат талқини бунга мисолдир. Шунингдек, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, Ж.Мураталиев, М.И.Хаджилаев ва бошқалар кўмакчиларнинг бошқарувчилик хусусиятига, келишикларга нисбатан грамматик маънони кучлироқ ифодалай олиш имкониятига эгаллиги, шунингдек, уларнинг «оралиқ учинчи»лик моҳиятини алоҳида таъкидлаганлар⁶. Тилшунос Р.Расулов кўмакчи табиатида бошқа мустақил ва ёрдамчи сўз туркумининг моҳияти диффуз ҳолатда кўзга ташланса ҳам, контекст ва синтагматик қурилма уларнинг асл лисоний мақомини аниқлашда дистрибутив омил бўлишини таъкидлайди⁷.

Ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларни тилшунос А.Пардаев кўмакчиларни диахрон ва синхрон таҳлил қилиб, ҳодиса тарихи бўйича бажарилган тадқиқотларни умумлаштиришга эришган⁸.

материале английских предлогов *above* и *over* и русского предлога *над*): дисс. ... канд. филол. наук. –Уфа, 2000. –176 с.

⁴ Степанова З.М. Роль предлогов в формировании лингвокультурологических особенностей пространственных концептов: дисс. ... канд. филол. наук. –Ульяновск, 2006. – 207 с.

⁵ Киямов Р.Э. Лексический и синтаксический анализ конструкций с предлогами *after* и *before* в современном английском языке: дисс. ... канд. филол. наук. –Одесса, 1983. – 126 с.

⁶ Кононов А.Н. Послелог в современном узбекском литературном языке. – Ташкент, 1951. – 392 с.; Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. 11. Фонетика и морфология, ч. 1. – Москва, 1952. – 486 с.; Мураталиев Ж.М. Послелог в киргизском языке. – Фрунзе, 1958. – 110 с.; Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. – Москва, 1962. – 156 с.; Хаджилаев М.И. Послелог и послеложно-именные слова в карачаево-балкарском языке. – Нальчик, 1962. – С. 21.

⁷ Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 5.

⁸ Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси Филол. фан. докторлик дис. ... – Тошкент: 2017. – 232 б.

Тил бирлигининг семантик хусусияти унинг грамматик сатҳдаги ўрни ва нутқдаги вазифасини белгилайди. Шу сабабдан ҳар бир сўз семантик-функционал жиҳатдан ўзига хос ва бошқа лексик birlikлардан фарқланади. Бу фарқларни аниқлаш учун инглиз тили предлоглари ҳамда ўзбек тили соф ва функционал кўмакчиларини семантик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш, матндаги номинатив-синтагматик мавқеи, типологик структур мақомини белгилаш, уларни функционал-семантик чоғиштириш тадқиқот вазифалари сифатида белгиланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2012-1.-32. Филология ва таржимонлик йўналишларида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун «Таржима назарияси ва амалиёти» фанидан дарслик ва ўқув-услубий комплекс яратиш мавзусидаги инновацион илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги замон инглиз тилидаги предлоглар тизими ва ўзбек тили кўмакчиларининг типологик хусусиятлари, доимий қўлланиш меъёрини кўрсатувчи семантик ва контекстуал тавсифини беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз тилида предлогнинг семантик-функционал имконияти кенгайтишини асослаш;

предлогнинг кўмакчига нисбатан типологик ўзига хослигини ва аксинча, кўмакчининг предлогга нисбатан типологик ўзига хослигини аниқлаш;

предлог ва кўмакчининг типологик умумийликларини кўрсатиш;

инглиз тилидаги предлогнинг категориал моҳиятини очиш;

ўзбек тилидаги кўмакчининг лисоний мақомини тавсифлаш;

инглиз тили предлоглари тизимида модификацион қонуниятни далиллаш;

ўзбек тили кўмакчилари қўлланишида тежам қонуни воқеланишини тавсифлаш;

предлог ва кўмакчининг матн ташкил этиш имкониятини баҳолаш;

предлог ва кўмакчига хос контекстуал ўзгарувчанлик фарқларни кўрсатиш;

инглиз тилидаги предлогли конструкцияни ўзбек тилида беришнинг контекстуал асосларини кўрсатиш;

ўзбек тилидаги кўмакчили конструкцияларни инглиз тилида беришнинг контекстуал хусусиятларини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари белгиланган.

Тадқиқот предмети сифатида инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларининг номинатив-синтагматик, структур-типологик мақоми ҳамда ўзаро таржимада бериш муаммолари танланган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, баён, дистрибутив, семантик-стилистик изоҳ, лексик-семантик (мантиқий-семантик), статистик методлар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз тили предлоглари тизими ва ўзбек тили кўмакчилари орасида структур жиҳатдан типологик ўхшашлик ва фарқли томонлари асосланган;

предлог ва кўмакчиларнинг лисоний мақоми, лисоний қиймати, сўз туркумлари тизимидаги ўрни, уларни лингвистик моделлаштириш асослари ва синтактик хусусиятлари аниқланган;

предлог ва кўмакчилар семантик жиҳатдан номуस्ताқил сўзлар сирасидан ўрин олиши, морфологик жиҳатдан ўзгармас сўзлар қаторида бўлиши,

кўмакчилар эса синтактик жиҳатдан келишиклар билан бир парадигматик тизимга кириши далилланган;

предлог ва кўмакчиларнинг матн ҳосил қилиш имконияти, якка ва таркибли предлогларнинг контекстуал хусусияти ҳамда матний ўзгарувчанлиги асослаб берилган;

предлогли ва кўмакчили қурилмаларни таржима қилишдаги муаммолар мавжудлиги асосланган ва уларнинг ечимига доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз филологияси факультети магистратура ва бакалаврият йўналишлари талабаларига инглиз тили грамматикаси, таржима назарияси ва амалиёти курслари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминоти яратилган;

филология ва таржимонлик йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган «Таржима назарияси ва амалиёти» дарслигида предлог ва кўмакчили қурилмаларнинг таржимада берилиши муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалий тавсиялар берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фактик тил материали ва мутасадди ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган луғатлар, полиграфик ҳамда электрон нашр маҳсулотларидан олинганлиги ва натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда предлог ва кўмакчиларни номинатив-синтагматик ва структур-типологик таҳлил қилишнинг комплекс методикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади; тадқиқот натижалари инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларини лингвотипологик жиҳатдан

ўрганиш бўйича изланиш олиб боровчилар учун муҳим маълумотлар беради ва келгусидаги тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида тўпланган материаллар инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари семантик майдонининг сўз туркумларига муносабатини аниқлаш имконини беради. Амалий жиҳати эса тадқиқот натижаларидан инглиз тили грамматикаси, қиёсий типология, таржима назарияси ва амалиёти бўйича назарий ҳамда амалий ўқув-услубий қўлланмалар яратиш тизимининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида предлог ва кўмакчиларнинг номинатив-синтагматик ҳамда типологик хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

ўзбек тили кўмакчиларининг семантик ва функционал вазифалари хусусидаги назарий ва амалий умумлашмаларидан ФА-Ф1-Г041-рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври таракқиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги (2012-2016) фундаментал лойиҳаси доирасида «Ижтимоий-сиёсий терминларнинг қисқача изоҳли луғати»ни яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 89-03-1753-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар тегишли луғавий бирликларнинг изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларини амалиётда қўллашга доир назарий фикрлардан ИОТ-2012-1.-32 Филология ва таржимонлик йўналишларида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун «Таржима назарияси ва амалиёти» фанидан дарслик ва ўқув-услубий комплекс яратиш мавзусидаги (2012-2013) инновацион илмий-тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 89-03-1754-сон маълумотномаси).

Натижада таржиманинг грамматик муаммолари бўлимида предлог ва кўмакчиларнинг контекстдаги вазифалари, уларни таржимада беришдаги ўзига хос муаммоларни ёритишга хизмат қилган;

инглиз тили предлогларининг контекстдаги вазифаларига оид диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар ва амалий таклифлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканали томонидан эфирга узатиладиган «Имтиҳон» интеллектуал кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» давлат унитар корхонасининг 2018 йил 10 майдаги 01-15/278-сон маълумотномаси). Натижада предлогларнинг контекстдаги вазифаларига доир янги ёндашувлар интеллектуал туркум кўрсатув материалларини тайёрлаш жараёнида асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 4 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, 1 та мақола хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ПРЕДЛОГ ВА

КЎМАКЧИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Предлог ва кўмакчининг умумий лисоний мақоми

Маълумки, тилнинг ижтимоий вазифалари алоқа, хабар ва таъсир этишдан иборат. Бу вазифалар эса тил бирликлари воситасида амалга оширилади. Тилнинг оғзаки ёки ёзма шакли орқали ифодаланадиган ҳар бир бирлик ана шу вазифаларнинг воқеланишига бўйсундирилган. Дунёдаги тиллар ана шу вазифалардан келиб чиқиб, у қайси тил оиласига мансуб бўлишидан қатъий назар, ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар тил сатҳининг ҳамма бирликларига бирдай тааллуқли.

Уларни лингвистик жиҳатдан таҳлил доирасига тортиш тил бирликларининг умумий лисоний мақоми, функционал хусусиятларини аниқлаш, тиллар ўртасидаги боғлиқликларни таҳлил қилиш имконини беради. Шу боис тиллар орасидаги алоқаларни ўрганишда қиёсий йўналишда кузатишлар олиб бориш тилшуносликда доимо долзарблик мавқеини сақлаб келмоқда.

Ҳозирги инглиз тили генетик жиҳатдан Ҳинд-Европа тиллар оиласининг ғарбий герман тиллар гуруҳига киради. Бошқа флектив герман тилларидаги каби инглиз тилида ҳам предлоглар тизими ривожланган.

Тилшунослик назариясида предлог муаммоси буйича икки қараш мавжуд. Баъзи олимлар [99,122; 104,85] предлогларда лексик маъно борлигини рад этишади ва уларнинг вазифаси соф грамматик маъноларни ифодлаш билан чегараланган деб ҳисоблашади. Инглиз тилшунослар орасида предлогларнинг семантик мазмуни мавжудлигини рад этадиган олимлар сони кўп эмас [15,184; 55,165; 60,71].

Бошқа бир қатор рус тилшунослари [27,128; 86,212; 80,168] аксинча, предлоглар лексик ёки лексик-грамматик маънога эга деб ҳисоблашади. Тилшунослар орасида предлогларнинг муайян лексик маънога эга деб

ҳисоблайдиган олимлар сони кўпчиликни ташкил этади [14,146; 36,228; 54, 186; 75,144; 80,168].

Ҳозирги жаҳон тилшунослигида предлогларнинг маъноларини тадқиқ қилиш турли ёндашувларни қўллаш билан амалга оширилмоқда. Бу ёндашувларни икки асосий йўналишда олиб борилиши кузатилмоқда: 1) анъанавий тилшунослик йўналишида фақатгина соф лисоний муносабатлар ҳамда қонуниятларга асосланган ҳолда (геометрик [124,196; 138,376; 140, 388], типологик [132,334; 136,176; 138,332; 155,228], функционал [131,346; 153,472; 102,22], синтагматик [7,128; 50,198; 76,166; 143,208], парадигматик [70,177; 116-117,334,276; 136,176] ёндашувлар); 2) когнитив йўналишда, бунда тил соҳибларининг атрофидаги дунё ҳақидаги тушунчаси ҳисобга олинган [60,68; 137,322; 141,288].

Биз ҳам предлог ҳамда кўмакчилар семантик мазмун ифодалаб келади, яъни семантик маънога эга деб ҳисоблаймиз. Мазкур қарашимиз инглиз тилидаги предлоглар ва ўзбек тилидаги кўмакчилар бир биридан ўзининг хос семантик белгилари билан фарқланишига асосланган. Шунингдек, предлоглар ва кўмакчилар киришадиган грамматик муносабатлар аслида предметлар ўртасидаги ҳамда объектив борлиқ ҳодиса ва жараёнлари ўртасидаги реал муносабат ва алоқаларнинг лисоний ифодаланишидан бошқа нарса эмас [86,336]. Шунинг учун, мазкур тадқиқотга асос сифатида предлогга қуйидагича таъриф келтирсак бўлади: “Предлог – бир предметнинг бошқа предмет, ҳодиса ва ҳолатга бўлган муносабатининг категориал маъноси билан характерланадиган сўз туркумидир”.

Ҳозирги инглиз тилида предлогларнинг ишлатилиши учта асосий соҳага тегишлидир, буларга мантиқий, фазовий ва темпорал соҳалар киради. Фазовий муносабатларни ифодаловчи предлоглар инглиз тилида мавҳум тушунчаларни ифодаловчи мантиқий соҳа предлоглари ҳамда темпорал

муносабатларни ифодловчи предлоглар ўртасидаги оралик ўринни эгаллайди.

Фазовий предлоглар (яъни мазмунида предметларнинг фазодаги ўрини ифодаловчи) асосан кўп маънолидир, чунки айнан битта предлог барча учала соҳага оид муносабатларни ифодайверади. Масалан, *in* предлоги реал борлиқ объектларининг бир бирига нисбатан фазодаги ўрни, мантикий тушунчавий ва темпорал маъноларни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан: *in addition* (мантикий маъно: қўшимча қилиб айтганда, шунингдек), *in the room* (фазовий маъно: хона ичида), *in two weeks* (темпорал маъно: икки ҳафта ичида).

Фазовий муносабатларни ифодаловчи предлоглар муайян функционал-семантик тизимни ташкил этиб предметнинг фазода эгаллаш мумкин бўлган барча ўрниларни акс эта олади, яъни *юқорида*, *пастда*, *рўпарада* ва бошқ.

Кўриб турганимиздек, предлог замонавий тилшуносликда тадқиқотнинг марказий объектларидан биридир. Б.Н. Аксененко таклиф қилган таъриф бўйича предлог от ёки унинг синтактик аниқловчиси олдидан келадиган ёрдамчи сўз сифатида ўрганилади [8,145]. Камдан-кам ҳолларда предлог аниқловчидан кейин келиши мумкин. Аниқловчи эса ўз ўрнида предлогни феъл, от, сифат ёки равиш сўз туркумлари билан боғлаб келади.

Кейинчалик предлогнинг релятивлик маъноси аниқланди ва бу маъноси уни бошқа мустақил сўз туркумларидан фарқлайдиган белгисига айланди. Мазкур белиги бу сўз туркумининг ички ўзига хослигини тақозо этади. А.С. Чикобаванинг фикрича, предлогнинг бу каби маънолари “грамматик маънолар билан тубдан янги муносабатда бўлади [98,51-72].

Предлоглар туркий тиллар, жумладан ўзбек тили учун ҳам хос эмас. Чунки мазкур мавзу бўйича фикр юритилган дастлабки тадқиқотларда “сўнгқўмакчи” атамаси қўлланилган бўлиб, “олдқўмакчи” атамаси рус тилшунослигидан андаза олиш асосида яратилган бўлиб, кейинги давр

маҳсулидир. Бугунги кунда “кўмакчи” атамасининг қўлланилиши қатъийлашган. “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да берилишича,” *Кўмакчилар*. От ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби муносабатларни билдирувчи ёрдамчи сўзлар: *билан, учун, сингари, сайин, қадар* ва б.” [115,47-53] ҳисобланади. Дарслик ва қўлланмаларда кўмакчиларга берилган таърифлар деярли бир-биридан фарқ қилмайди. ”Кўмакчилар ўз бошича бирор маъно англатмай, от ёки отлашган сўзларга бирикиб, гап бўлақларининг бир-бирига бўлган муносабатларини ифодаловчи ёрдамчи сўзлардир. Уларнинг баъзилари айрим келишиклар билан биргаликда, баъзилари келишиксиз ёки баъзилари бирор келишик вазифасида қўлланишлари мумкин» [66,122]. Тарихий нуқтаи назаридан олиб қаралганда “Морфологик жиҳатдан ўзгармайдиган, от, отлашган сўз, олмошлардан кейин келиб, уларнинг маълум бир келишикда келишини талаб қиладиган сўзлар кўмакчилар гуруҳини ташкил этади. Кўмакчилар тарихан мустақил лексик маънога эга бўлган сўзлардан ажралиб чиққан. Баъзан мустақил сўзлар ўз маъносида ишлатилишидан ташқари асрлар давомида аста-секин ўз лексик маъносини йўқотиб, кўмакчилашиб қолган. Улар гапнинг мустақил бўлаги бўлиб кела олмайди. Улар ўзаро фазо, пайт, сабаб, мақсад, ҳолат, биргалик, ўхшатиш кабиларни англатиш билан боғлиқ бўлган маъноларни фақат бошқарилувчи сўз маъноси билан биргаликда ифодаляйдилар” [113,82]. Кейинги йилларда яратилган тадқиқотларда кўмакчилар соф кўмакчилар ва функционал кўмакчиларга ажратиб таҳлил этилмоқда.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг лисоний мақоми предлоглар каби диахроник ва синхроник аспектда қаралиши натижасида очилади. Маълумки, номуустақил сўзларнинг барчаси, бошқа тилларда бўлгани каби, ўзбек тилида ҳам, мустақил сўзлар сифатида амал қилган. Жумладан, кўмакчилар ҳам, “тарихан мустақил сўзлар ҳисобланиб, ўз лексик маъноларига эга бўлган,

аммо даврлар ўтиши билан бу лексик маъноларни йўқотиб, уларнинг маълум қисми ўзгармас бўлиб, ҳеч қандай грамматик шаклларни қабул қилмайдиган ҳолга келиб қолган, ўзидан олдин келган сўзлар билан биргаликда восита, мақсад, сабаб, вақт, макон, объект, ўхшатиш, пайт, масофа, йўналиш сингари грамматик маъноларни ифода этадиган ва ёрдамчи восита саналадиган тил бирликларидир” [73,158]. Бугунги кунда уларнинг маънолари ўзларига асос бўлган лексик маъноларнинг “кичрайган”, мавҳумлашган кўринишлари сифатида сўзлараро тобелик муносабатларини ифодалашга хосланган. Тан олиш керакки, парадигматик ва тизимли ёндашув изчиллиги, зарур бўлса, кўмакчиларни келишиклар билан бир тизимда қарашга асос бўлади. Зеро, келишиклар ва кўмакчилар шаклан фарқланса-да (улардан бир гуруҳи морфемалар ва бошқаси лексема шаклидаги бирликлар), маъно, вазифа ва ассоциатив умумийлик уларни бир парадигмада қарашни тақозо қилади. Шу боис тилшуносликда кўмакчиларга ҳар хил ёндашувлар, турлича нуқтаи назарлар, ранг-баранг методологик асосларга таяниш уларнинг умумий моҳиятини очишда яқдиллик бўлмаётганлиги ва унинг муқаррарлигини келтириб чиқараётганлиги туркийшуносликда ҳам кўзга ташланади. Туркийшуносликда ҳам кўмакчилар бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган.

Қозоқ тили кўмакчилари бўйича кузатиш олиб борган В.Исенғалиева бу бирлик моҳиятини кенгроқ тушунтиришга уриниб, талқинларда кўмакчилар моҳиятининг келишиклар моҳиятидан фарқланишига урғу беради: “предмет ва ҳодисалар орасидаги муносабат ҳақидаги фикрни кенгроқ ифодаловчи ёрдамчи сўзлар туркуми” [46,85] сифатида баҳолайди. Айрим олимлар эса келишик ва кўмакчиларга тизимий муносабатда бўлмагани ҳолда, уларнинг тобеловчи морфемаларга муносабатига урғу беришмай, умумий жиҳатларини таъкидлаш билан чекланадилар: “кўмакчилар – ёрдамчилар категорияси бўлиб, от ёки от билан феъл орасидаги ҳар хил синтактик муносабатни ифодалаш учун хизмат қилувчи туркум” [38,29]. Тилшуносликда

кўмакчиларни европа тиллари талқинларига таянган ҳолда тақлидий муносабат асосида баҳолаш ҳоллари ҳам учраб туради. Хусусан, “Татарская грамматика кавказского наречия” асари муаллифи Т.Макаров кўмакчиларни “послеположения” (“предлог” атамасига аналогик асосда номлаш билан) атамаси билан номлаб ўрганар экан қуйидагиларни таъкидлайди: “послеположения (сўнг ҳолатли)лар предметларнинг ҳар хил муносабатини кўрсатади. Татар тилидаги предлоглар отлардан кейин қўйилади, шу сабаб ҳам *сўнг ҳолатлилар* деб аталади”. Бунда кўмакчининг жойлашув хусусияти номга асос қилиб олинади. Бизнингча, ўзбек тилидаги *кўмакчи* мазкур атамага нисбатан масала моҳиятига кўпроқ дахлдорлиги билан эътиборга молик. Татар тилидаги кўмакчиларни махсус ўрганган тилшунос А.Магомедов тилларнинг типологик фарқларидан келиб чиққан ҳолда кўмакчиларнинг туркий тиллардаги лисоний мақомини белгилашга ҳаракат қилади [59,24].

Қайд этилган бу хусусиятлар инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари доирасида ҳам кузатилади. Тилшуносликда предлоглар ва кўмакчилар маълум даражада тадқиқ этилган. Аммо уларда инглиз тилидаги предлоглар ва ўзбек тилидаги кўмакчилар қиёслаб ўрганилмаганлиги боис биз асосий эътиборимизни масаланинг ана шу жиҳатига қаратамиз.

Предлогдаги лексик ва грамматик маъно ўртасидаги фарқни аниқлаш мушкул. Баъзан лексик маънонинг грамматик маънога айланиши алоҳида ҳолатларда аниқ бўлса-да, гоҳида сезилмайди. Буни фақат уларни қиёслагандагина англаш мумкин. Масалан, *I am going to my brother* – *акамларникига бормоқчиман* жумласида лексик маъно яққол кўзга ташланса, *the house of my brother* – *акамнинг уйи* жумласида грамматик маъно бўртиб туради. Шу сабабли кўплаб бошқа предлоглар ҳам ўзбек тилидаги каби асосий келишиклар вазифасини бажаради, дейишга асос бор.

Предлог – гапга предлогли қурилмаларни киритувчи воситадир. Предлогли қурилмадаги энг типик компонент от билан ҳосил қилинади. Предлог бу ўринда отни бошқа структура билан боғлаш вазифасини бажаради. Масалан, инглиз тилидаги кўплаб предлоглар агглютинатив тиллардаги келишик қўшимчалари бажарадиган вазифада келади (*of phrase* кабилар ўзбек тилидаги қаратқич келишигига мос келади). Инглиз тилида *on* (-да, устида), *under* (-да, остида), *in front of* (олдида), *at* (-да, ёнида), *in* (-да, ичида), *above* (юқорида), *over* (устида), *between* (орасида), *near* (яқинида), *behind* (орқасида), *beyond* (йироқда), *round* (атрофида), *by* (яқинида), *after* (орқасида), *beneath* (пастда) предлоглари бевосита предмет ёки шахсни маълум маконда жойлашиш маъноси билан, *from* (-дан), *to* (-га), *out of* (ташқарига), *into* (ичкарига), *down* (пастга), *along* (бўйлаб), *across* (орқали), *up* (юқорига), *against* (-га, устига), *through* (орқали), *off* (-дан), *towards* (-га, қараб) предлоглари ҳаракатнинг йўналиши маъноси боғлиқ бўлса, *at* (-да), *in* (-да), *on* (-да), *for* (мобайнида), *by* (-гача), *to* (-... кам), *till* (-гача), *about* (тахминан), *within* (ичида), *before* (олдин) кабилар эса замон, вақт маъносини ифодалашда қўлланилади. Ана шу жиҳатлар инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари орасида функционал ўхшашлик мавжудлигидан далолат беради. Инглиз тилида энг кўп қўлланиладиган предлоглар шаклини ўзгартирмайдиган предлоглардир: *about, after, around, as, at, by, down, for, from, in, into, like, of, off, on, round, since, than, to towards, with, without* ва ҳ.

Қуйидагилар эса, эркин типдаги бирикмалар ҳисобланади: *at the back of- ортидан, орқасидан / in the middle of-ўртасида, орасида*. Мураккаб ва эркин бирикма орасидаги фарқ даража кўрсаткичи билан боғлиқ. Бир томондан кўплаб қўшма предлоглар шакли ёки ифодалайдиган маъноси орқали содда предлоглар билан параллел қўлланилади. Қиёсланг:

<i>as well as</i>	<i>besides</i>	<i>on top of</i>	<i>over</i>
<i>by means of</i>	<i>with</i>	<i>opposite to</i>	<i>opposite</i>

<i>in addition to</i>	<i>besides</i>	<i>prior to</i>	<i>before</i>
<i>in front of</i>	<i>before</i>	<i>subsequence to</i>	<i>after</i>
<i>in spite of</i>	<i>despite</i>	<i>with regard to</i>	<i>regarding</i>
<i>on to, up to</i>	<i>into</i>		

Бошқа томондан, тўрт сўзли эркин бирикмаларни бирмунча ўзгартириб қўллаш ва уларнинг маъносини осонгина тушуниш мумкин:

<i>across</i>	<i>the front</i>	<i>of the green</i>
<i>against</i>	<i>back</i>	<i>of the neck</i>
<i>at</i>	<i>the back</i>	<i>of the stage</i>
<i>at</i>	<i>the centre</i>	<i>of the system</i>
<i>in</i>	<i>the back</i>	<i>of the vehicle</i>
<i>in</i>	<i>the side</i>	<i>of the neck</i>
<i>on</i>	<i>the far side</i>	<i>of the track</i>
<i>outside</i>	<i>the front</i>	<i>of the house</i>
<i>to</i>	<i>the front</i>	<i>of the court</i>
<i>through</i>	<i>the middle</i>	<i>of the nesting terns</i>

Предлогли бирикма таркибининг ўзгарувчанлиги даража кўрсаткичига боғлиқ бўлганлиги сабабли эркин ва кўп сўзли бирикмалар ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаш имконияти йўқ.

Қўшма (мураккаб таркибли) предлог, одатда, қўшалок макон муносабатини ифодалаш эҳтиёжи туфайли ҳосил бўлади. Аниқроғи, бундай муносабатларни макон-ҳаракат муносабати дейиш мумкин. (*from below, inside, underneath, upon*; ўзбек тилидаги: «пастдан», «ичидан», «ортидан» равишларига ўхшаш).

Сифатдошли предлоглар эргаш гапларнинг икки бора сиқиклашуви натижасида вужудга келган бўлиши мумкин. Бунинг натижасида уларнинг кесимлари сифатдошга, қолган қисмлари предлогга айланган. Булар сон жиҳатидан энг кам ва тарихан энг янги гуруҳ бўлиб, ёппасига мавҳум маъно

– мазмунли предлоглардан ташкил топади: улардан 9 таси ўзбек тилидаги “-дан ташқари”, “-дан бошқа”, “истисно” маъносида, 6 таси (“нисбатан”, “бир қадар”, “бирмунча”, “деярли”, “тўғрисида, хусусида”, “тааллуқли”, “тегишли” маъноларида, 3 таси замон муносабатини ифодалашда қўлланади.


Кўп таркибли предлоглар турлича предлогли сўз бирикмаларидан ташкил топиб, уларнинг мустақил маъноли қисми (от) муайян миқдорда предметлик маъносини йўқотади.

Ифодалайдиган маъно анча аниқ (*by the way of- айтганча*) айрим ҳолларда эса анча ноаниқ (*by virtue of, in spite of –га қарамасдан*) таркибли предлог маълум даражада асосий предлоглар тизимидан ясаладиган усткурмалар бўлиб, жуда кам қисми сўзлашув нутқида кенг қўлланади.

Соф, ясама, аниқ, мавҳум, лексик ва грамматик маънолар бир предлог доирасида бир-бирлари билан қоришиб кетади, биридан иккинчиси ҳосил бўлади. Биргина предлогнинг семантик кўлами жуда катта бўлиши мумкин (*in, to, for, at, on, from* предлоглари шу жумладан) ва бундай предлогнинг алоҳида маъноси энг аниқ ва энг мавҳум шаклларда ва турли даражада аниқликка эга бўлади.

Инглиз тилидаги предлог от маъноларини фарқловчи вазифани бажарадиган келишиқ қўшимчалари йўқолиши билан улар ўрнида қўлланила бошлайди. Бунда у предметнинг кимгадир тегишлилигини (кам ҳолларда эгалликни), воситалиликни, иш-ҳаракатнинг йўналиши ва ҳақозо муносабатларни ифодалай бошлайди. Шунингдек, улар семантикасидаги грамматик маъно тобеловчи характерга эга (*of, by, with, to, for* ва қисман учраган *through, in, at, about, on* предлоглари шулар жумласидан).

Тилда турли сўз туркумларининг предлогга айланиш ҳодисаси ҳам кузатилади. Кўплаб график жиҳатдан бир хил ифодаланувчи сўзлар предлог, боғловчи, равиш, баъзан ҳатто феъл ёки сифат вазифасига эга бўлиши мумкин. Буни қуйидаги жадвалда кўрамиз:



As: 1. This was the beginning of his life **as** a cultivator (Предлог). 2. **As** they watched, a flash of fire appeared (Боғловчи).

Before: 1. It's long **before** that (Предлог). 2. He sort of skidded **before** he got there(Боғловчи). 3. Whatever he did **before** at home I'm not sure (Рағиш).

Following: 1. **Following** heavy rain the meeting is in danger (Предлог). 2. He said someone was **following** him (Феъл).

Opposite: 1. She sat **opposite** him (Предлог). 2. She saw him coming in the **opposite** direction (Сифат).

Outside: 1. It's sitting **outside** your house (Предлог). 2. He's gone **outside** (Рағиш). 3. You can open the **outside** window (Сифат).

Бу ўринда *as* сингари предлог ва рағиш ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш жуда мушкул. Агар улар ҳозирги замон сифатдоши олдидан келса, масала янада мураккаблашади:

By doing such a mass balance at the level of the individual process steps, the greatest 'leaks' in the process leading to environmental pollution become visible. (academ.)- Бундай жараёнларда индивидуал даражадаги масса мувозанатини сақлаб, атроф-муҳит ифлосланишига олиб келадиган жараёнда энг катта "оқиш" пайдо бўлади. (Академ.)

He said Noriega had called two or three times since turning himself over to U.S. forces. (news)- У Нориега икки ёки уч марта АҚШ ҳарбий кучларига юборилганини айтди. (Янгиликлар)

Предлоглар ҳам, боғловчи ҳам ҳозирги замон сифатдошли қурилмалари олдидан қўлланишлари мумкин; *by* аниқ предлог вазифасида келса, *while* – аниқ боғловчи вазифасида келади. Аммо, *since*, *before* ва *after* сингари шакллар бир пайтнинг ўзида предлог, равиш, боғловчи бўлиб келиши мумкинки, бу уларнинг вазифасини аниқлашни қийинлаштиради. Инфинитив олдидан келадиган *to* кўмакчиси ва *to* предлоги орасидаги фарқ, умуман олганда, аниқ. Масалан, *to* предлог вазифасида келишига эътибор берайлик:

“Oh, how good you are to me!” Yes, I am, she told herself, though she stoutly denied it to his face. (fict.) - "Оҳ, сиз менга қанчалар яхши экансиз!" Ҳа, мен у билан гаплашдим. (Ёз.)

We shall look forward to seeing your report (news) - Ҳисоботингизни кўришни умид қиламиз.

To кўмакчи вазифасида келишини кузатамиз:

He really needs to get it sorted out this year. (conv.) - У, албатта, бу йил ажратиши керак. (суҳбат)

But most shoppers were delighted to see him. (news) - Аммо кўпчилик харидорлар уни кўришдан мамнун эдилар. (Янгиликлар)

Бу ўринда предлогдан кейин от категориясига оид жумла, *to* кўмакчисидан кейин инфинитив келишига эътибор қаратамиз.

Агар феъл ёки сифатдан кейин тўлдирувчи вазифасидаги предлогли қурилма ёки инфинитив келса, улар орасидаги фарқ кўзга янада яққол ташланади.

To предлоги:

It is most kind of you to consent to seeing me at such short notice. (fict.)- Кўн нарсаларни эътиборга олиши керак. (Ёзма.)

Қиёсланг: *It is most kind of you to consent to it.*- Сизнинг кўпчилигингиз бунга розилик билдирасиз.

She was accustomed to hanging up her coat.- У кўйлагини осиб кўйишига одатланган эди.

Қиёсланг: *She was accustomed to it.*- Unga odatlangan edi.

То инфинитив кўмачиси:

He did consent to take a couple of aspirin; he even dozed off for a while. (fict.)- У аспириинни қабул қилишига рози бўлмади; у ҳатто бироз вақтга ташлади. (Ёз.)

Бундай ҳолларда унинг предлог ёки кўмакчи вазифасида алмашиб кўлланиши сўзнинг ўзига боғлиқ. Бошқа феъллар унчалик ўзгаришга учрамайди. Масалан, *agree to* бирикмасидан кейин фақат инфинитив келиши мумкин, *contribute to* бирикмасидан кейин эса фақат-*ing* шакли кўлланади. Шунингдек, равиш кўмакчилар ҳам тез-тез предлогга айланиши мумкин. Равиш кўмакчи бош маъноси ҳаракат ва натижа бўлган қисқа ва ўзгармас шакллاردир. Улардан энг кўп кўлланиладиганлар *aside, away, back* равиш кўмакчилари, энг муҳимлари эса *about, across, along, aside, around, back, away, by, down, home, in, off, on, out, over, past, round, forth, through, under, up* равиш кўмакчиларидир.

Айни пайтда предлог от билан кўлланилса, равиш кўмакчи феъл билан яқин боғлиқликда ва ҳар иккаласи улардан кейин кўлланади. Равиш кўмакчи икки мақсадда ишлатилади: биринчидан, таркибли феъллар деб аталадиган феъллар гуруҳини ташкил қилиш учун (*bring up-тарбияламоқ, look down-манманлик қилмоқ, take in-таъминламоқ*), иккинчидан кенгайтирилган предлогли курилмалар яшаш учун (*back to the roots- илдизига қайтмоқ, down in the middle- ўртада, up in the mountains-тоғларда*).

Равиш кўмакчи равишлардан бир мунча белгилари билан фарқланади. Улар кўпчилик равишларга нисбатан қисқа ва содда шаклда бўлади.

Уларнинг асосий маънолари бирмунча чекланган, айти пайтда равишларнинг маъноси ўзгариши мумкин. Бундан ташқари, уларга дистрибуциянинг алоҳида тавсифи хос:

Bring in the stool from the bathroom. (fict.)

Қиёсланг: *Bring here the stool from the bathroom*

It swallowed up the two men. (fict.)

Қиёсланг: *It swallowed completely the two men.*

Бу мисолларда *here, completely* равишлари эмас, равиш кўмакчилар воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган муайян содда отлар олдидан келиши мумкин. Бу кўшма феълнинг икки қисми ўртасида мустаҳкам боғланиш мавжудлигидан далолатдир.

Равиш кўмакчи сифатида қўлланадиган шакллар айримларидан ташқари предлог сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Буларга *away, aside, back, forth, out* ларни киритиш мумкин. Аммо, бу ҳолда равиш кўмакчилар кенгайтирилган предлогли шаклларнинг, шунингдек, кўшма предлоглар таркибида ҳам қўлланишини ҳисобга олиш зарур: *aside from, (go) away from, (come) back from/to, (go) forth to, (come) home to/ from, out of* ва ҳ. қуйидаги мисоллар орқали предлоглар ва равиш кўмакчи орасидаги яқин алоқани кўриш мумкин:

They sragged up the last steep of the mountain.(fict.)- Ular tog'ning eng oxirgi tikanini qirib tashladilar (F.).

Қиёсланг: *They stargged up.*

He walked slowly up the steps on to the platform. (fict.)- У аста-секин платформадаги қадамларни босиб ўтди. (Ёз.)

Қиёсланг: *He walked slowly up.*

Мисолларнинг биринчисида предлог, иккинчисида равиш кўмакчи қўлланган. Уларда муайян бир йўналишни ёки йўналиш + мақсад усули

ифодаланганини кўриш мумкин. Предлогнинг равишга айланишида *here, there, now va then* каби сўзлар ҳам восита вазифасини бажаришлари мумкин.

Равиш кўмакчилар бу контекстда муайян маънога ва равиш дистрибуциясига эга; уларнинг маъносини *in/to this/that place, at this/that moment/time* каби предлогли қурилмалар билан тушунтириш ёки маънога ҳеч қандай жиддий путур етказмасдан тушириб қолдириш мумкин:

That lady I worked for in Kentucky gave them to me when I got married. What they called married back there and back then. (fict.).

Предлоглар бу контекстда энг зарур унсур вазифасида келади:

From there they were resettled within Japan or in a third country. (news)- У ердан улар Японияга ёки учинчи мамлакатда кўчирилган. (Янгиликлар)

Бундай контекстда кўплаб шакл ё равиш кўмакчи, ё предлог сифатида вазифага киришади:

I knew that there was a man in there.(news)

In there I feel skinnier than ever. (fict.)

Биринчи мисолдан маънога унчалик путур етказмасдан *in* бирлигини тушириб қолдириш мумкин. Бошқача айтганда, бу сўз кенгайтирилган предлогли қурилмада равиш кўмакчи сифатида қўлланган. Иккинчи мисолда эса, *in* сўзини тушириб қолдириш мумкин эмас, чунки у предлог сифатида қўлланган.

Бинобарин, предлогли қурилма предлог ва кўпинча субстантив жумла кўринишидаги тўлдирувчидан ташкил топади. Типик предлогли қурилмани айни пайтда боғловчи воситасида кенгайган, отнинг у ўраб турган структура билан муносабатини белгилайдиган субстантив жумла сифатида ўрганиш мумкин. Масалан:

to town

in the morning

to him

on the night [of the first day]

to Sue

in a street [with no name]

Предлогли курилма кўп ҳолларда, кейинги икки мисолда келтирилганидек, янада кенгроқ курилма билан ўзаро боғлиқ бўлишини таъкидлаш жоиз.

Предлогли курилмалар номинатив эргаш гаплар ясалишида ҳам иштирок этади. Аммо улар бу ҳолда фақат wh- (1) ва ing-(2) шаклида келади:

Component drawings carry instructions [on where they are used and from what they are made]. (acad.)

By that time the strain of the cruise was telling on them; they talked little among themselves till they surfaced three days [after leaving Darwin]. (fict.)

Бу ҳолда *but, except* предлоглари барибир инфинитив курилмадан олдин қўлланилади:

Goverments, whatever their own inclinations, will have no choice [but to fashion childcare policies]. (news)

I have nothing new to say, [except to say that when I do have something to say I will say it]. (news)

What was there to say? What I did say served no purpose [save to spoil his temper]. (fict.)

Бундан ташқари, тўлдирувчи вазифасида равиш ёки бошқа предлогли курилма келиши мумкин:

So you are sitting [in here] at the moment are you Stanley? (conv.)

Allow yourself time for home thoughts [from abroad]. (news)

[From behind the wire fencing], a uniformed guard eyes us with binoculars. (news)

Тўлдирувчи вазифасида келувчи предлогли курилма кўпинча йўналишни кўрсатувчи иборада кўп учрайди. Предлогларнинг функционал-семантик ва грамматик жиҳатдан ўзига хослиги уларни кўмакчилар билан таққослаганда янада аниқроқ намоён бўлади. Шу боис тадқиқ режасига мувофиқ эътиборимизни кўмакчиларга қаратамиз.

Туркий тиллардаги, хусусан, ўзбек тилидаги кўмакчилар тарихий ва замонавий кўмакчиларга ажратилган. Тарихий кўмакчилар А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, Г.Айдаров, А.М.Шчербак, Н.К.Дмитриев, А.Троянский, А.Казем-Бек, М.Иванов, Ф.Р.Зейналов, Г.Алпаров, В.Н.Хангильдин, М.З.Закиев, Ғ.Абдурахмонов, Э.И.Фозилов, С.Муталлибов, Ҳ.Неъматов, А.А.Коклянова, Г.Ф.Благова, С.Аширбоев, Ж.Ҳамдамов, Б.Тўйчибоев, У.Санақулов каби олимлар тадқиқотларида махсус ўрганилган. Масалан, Г.Айдаров Ўрхун-Энасой битигларида қайд этилган *тег, тегі, учун, отру, бірле, тапа, кесре, кісре, ара, аша, сайу, йеме* кўмакчиларни кўрсатса [6,233-237], Э.Фозилов эски ўзбек тилидаги соф (*бирлә, ийэ, киз / кэз, кин / ки-, киру / кэру, сайу, тимин, узэ, учун*), ярим (*ара, йынақ (йынгақ), сынар (сынгар), усқинтэ*), кўмакчилашган (*адын, аша, ашну, баса, баша, башаду, башлайу, бэру, ичрэ, йоқару / йўгэрў, кидин, кидирти, кэру, онгару, они (онги), откуру, отру, тапа, ташқару, ташқару / ташгару, тэги, тэгрэ / тэгирэ, улаты, ыйын / ийин / ивин, ынару / инэру, қоды*), кўмакчи отлар (*ал, арқа, арт, асра, башынта, ич, ичинтэ, йан, йир, йўз, кўч, ўст, ўтинтэ, одўнтэ, огрента, оғур, онг, орту, орунта, отрў, сонг, таш, тоға, тонў, тылтақынта*)ни ажратса [94,134-148], Ш.Шукуров соф (*үчүн, бирлә (бирлән // билә // билән), киби // кәби, бикин, йанлығы (йанлық), үзрә (үзә), ичрә, сары, таба, табару, тэги (тэгин, дэгин), тэгрү(дэгрү), сайы // сайын*), функционал (*алд, йан, қат, қаш, оң, ич, орта, ара, үст, үск, тәпә, баш, аст (алт), түб, ҳақ, баб, тараф, атраф, тэгрэ, тоғры, қаришы, кэт, арт, йуз, хизмат, барасыда, хусусыда, васфыда, васыласида, жиҳатыдын*) равиш-кўмакчилар (*бурун // бурна, илгәәү // илгәри, ашну, оң, кәйин, соң, соңра, бәри, нары(нару), Өтрү, ташқары (ташқару), айру, башқа, Өзгә, азын*)ни фарқлайди [103,122].

Ўзбек тилидаги кўмакчиларни А.Пардаев ўзбек тили тарихи бўйича бажарилган тадқиқотларни умумлаштириб, ҳозирги замон ўзбек тилида *билан, учун, каби, сари, сайин, қадар* сингари соф *аввал, олдин, олдида, ора,*

орасида, ост, оша, рўпара, сифатида, сўнг, соясида, таг, тараф, асно, асосан, атрофида, бараварига, бери, бўйи, бўйлаб, бўлак, боб, бошлаб, бошқа, буён, бурун, давомида, деб, ёқ, ён, илгари, ич, йўлида, кейин, кетидан, кўра, мисол, мувофиқ, нари, нарига, натижасида, нисбатан, қарши, қаторида, қош, ҳолда, ҳузури (-га, -да)ташқари, тепа, тўғрида / тўғрисида, томон, тортиб, туб, уст, устида, хусусан, хусусида, чамаси, яқин, ўзга, ўрнига, ўртасида, қараб, қарамай, қарамасдан функционал кўмакчилар амалда эканлигини таъкидлайди [73, 124].

Ўзбек тилида кўмакчилар синтактик моҳиятга эга бўлиб, улар мустақил сўзлар орасидаги тобе муносабатни ифодалашнинг келишик маъноларини аниқлаш, тўлдириш вазифаси билан уйғунлаштирган ҳолда амалга оширади. Шу билан бирга, кўмакчилар келишик билан дистрибутив муносабатда бўлиб, уларни алмаштириш вазифасини ҳам бажаради: *Қаламда ёздим – қалам билан ёздим. I wrote in the pencil - I wrote with a pencil. Онамга олдим – онам учун олдим - I took it to my mother - I took it for my mother* каби. Кўмакчиларнинг лексема моҳиятига қисман эгаллиги ва бу жиҳати билан келишиклардан фарқланиши маънони аниқ, тўлиқроқ ифодалаш имконини беради. Шунингдек, улар адресантнинг интенциясини рўёбга чиқаришда ҳам келишикларга нисбатан устувор.

Кўмакчиларнинг қўлланилиши келишикли мураккаб морфологик шакллар доирасида содир бўлади. Бу қолипни “-келишик шакли+кўмакчи” сифатида бериш мумкин.

Кўмакчиларнинг айримларига полифункционаллик (кўп вазифадошлик) хос. Масалан, “*билан* кўмакчиси ўзбек тилида асосан кўмакчи, баъзан боғловчи вазифасида ишлатилади. Шунинг учун бу кўмакчи тури бугунги кунда ёрдамчи сўзлардан бирининг ўрнида иккинчиси қўлланилиши нуқтаи назаридан *кўмакчи - боғловчи* атамаси остида ҳам ўрганилмоқда. *Билан* кўмакчиси кенг тарқалган ёрдамчи сўз. Унинг боғловчилик, кўмакчилик

табиати олимларимиз орасида баҳсталаб бўлишига сабаб бўлган. Шу боисдан “... *ва, билан, ҳамда, шунингдек* сўзлари ҳозирги ўзбек адабий тилида тенг боғловчиларнинг бириктирув боғловчилари турига киради” деган фикр ҳам илгари сурилган. Аммо бу ўринда шуни қайд этиш керакки, боғловчи вазифасидаги *билан* кўмакчисининг *ва, ҳам* бириктирув боғловчиларидан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари бор. “Биргалик” маъноси *билан* ёрдамчиси учун хос: *Чодир саҳнасида бир қиз билан йигит чиқиб ўйин қилди* (М.Исм.). Ушбу мисолдаги *билан* ўрнида *ва* боғловчиси қўлланса, юқоридаги маъно келиб чиқмайди, балки қиз билан йигитнинг алоҳида – алоҳида ўйнагани маъноси ифодаланади. *Ва, ҳам* боғловчилари уюшиб келган феъл кесимларни боғлайди, аммо *билан* кўмакчисида бу имконият чегараланган. Қиёсланг: *Лола ишлайди ва ўқийди. Лола ишлайди ҳам ўқийди.- Lola works and studies. Lola also works.* Аммо *Лола ишлайди билан ўқийди* тарзидаги гап нутқда ишлатилмайди. *Билан* кўмакчисининг грамматик вазифаси боғловчи *ва* кўмакчи вазифасида кела олиши; шунга кўра, *билан* бошқа кўмакчилардан фарқланади. *Билан* кўмакчиси *кўмакчи–боғловчи* термини билан аталганда унинг барча хусусиятлари намоён бўлади. Бу кўмакчи тури гапда восита маъносини билдирганда тўлдирувчи, сабаб, пайт, ҳаракатнинг бажарилиш тарзини билдирганда ҳол вазифаларида келади” [37,28-56].

Кўринадикки, *билан* кўмакчиси таркибидаги лексик-семантик “қолдиқ” унинг боғловчи вазифасида ҳам қўллана олишини кўрсатади.

Приватив (хусусий) зиддиятда мустақил сўзлар “номустақиллик” белгисига мажҳул муносабатда бўлади. Зеро, мустақил сўзлар сирасида номустақил қўлланишга эга бўлганлари ҳам талай. Кўмакчи, кўмакчи феъл, боғловчилар сирасида мустақил сўзлардан вақтинча, нутқ талабига кўра номустақил сўзлар маъно ва вазифасини бажариш учун ўтганлари мавжуд. Жумладан, “нисбий кўмакчилар бир хусусияти билан “маъновий мустақил”,

иккинчи хусусияти билан “маъновий номуस्ताқил” лексемаларга ўхшаб кетади ва “оралиқ учинчи” гуруҳини ҳосил қилади. Лексемалар номуस्ताқил лексема сифатида воқеланганда лексема семемаси ўз муайянлигини кучсизлантиради ва семема грамматик маъно сифатида воқеланади” [37,28-56]. *Олд, олдин, орқа, рўпара, қариш, аввал, кейин, сўнг, охир, томон, ост, уст, таг, тепа, ён, уч, ич, ўрта, ора* каби ўрин ва пайт отлари, *бош, қош, лаб, оғиз, оёқ, қорин* каби тана аъзолари номлари, *қарийб, бўйлаб, бошлаб, кўра, дея, деб, атаб, ўхшаб* каби равишдошлар кўмакчиларга хос маъно вазифаларни бажаради. Бироқ улар бу маъно ва вазифаларни юқорида зикр этилган мураккаб морфологик қолип таркибида бажаришини яна бир бор таъкидламоқ лозим. Уларнинг моҳиятан кўмакчи эмаслиги кўмакчи вазифасини бажариш учун тегишли морфологик шаклга эҳтиёжини белгилайди. Масалан, *билан, учун, каби, сингари, янглиз, сайин, туфайли* каби кўмакчиларнинг сўзларни бошқариши ва тегишли маъноларни ифодалашини учун маълум бир грамматик шакл талаб этилмайди. Бироқ *томон, қадар, қариш, қараганда, доир, биноан, қарамай* каби кўмакчилар [-га+кўмакчи], *қараганда, бахтга қариш; сўнг, кейин, бошқа, ташқари, буён, аввал, илгари, бошлаб* кўмакчилари [-дан+кўмакчи] моделида намоён бўлади.

Ўзбек тилида кўмакчиларнинг кўплиги ва кенг қўлланувчанлиги келишиклар маънолари миқдорининг кўплиги ва ранг-баранглиги билан белгиланади. Кўмакчи келишикларнинг умумий грамматик маъносини муайянлаштириш – оралиқ маъноларга парчалаш ҳамда бу оралиқ маъноларни фарқлаб, хусусий, яъни нутқий грамматик маъноларга айлантириш вазифасини синтактик вазифасига кўра фаолроқ бажаради. Шу боисдан келишикларга нисбатан кўмакчиларнинг маъновий хусусияти нутқда бўртиб туриши билан биргаликда, келишикларнинг синтактик вазифаси кўмакчиларникига нисбатан “қаварикрок”дир. Бу маъно ифодалашнинг келишикли шакллардан келишикли-кўмакчили шаклларга

ўтиб туриши билан белгиланади: *мактабга бордим – мактаб томон бордим* каби. Келишликли-кўмакчили шаклнинг маъноси нисбатан аниқроқ ва тўлиқроқ бўлганлиги сабабли бир келишлик шаклли қурилма бир неча келишликли кўмакчили ёки кўмакчили шаклга алмашиши мумкин: *қаламда ёздим – қалам билан ёздим / қалам воситасида ёздим / қалам ёрдамида ёздим* каби. Демак, бир келишликли қурилмага бир неча кўмакчили қурилманинг синоним бўлиб келиши ана шу умумий маънони муайян ифодалашга интилиш натижасидир. Тўғри, кўмакчининг тобелаш имконияти ва унинг нутқий воқеланиши келишликниқидан қувватсиз эмас, ва, айтиш мумкинки, кучлироқ, бироқ улардаги лексик-семантик “қолдиқ”лар ҳамда келишликка нисбатан формал ажралганликнинг яққоллиги, шунингдек, маъновий бўртмалик шундай грамматик иллюзияни келтириб чиқаради.

Кўмакчиларни уларнинг умумий лисоний структурасига муносабат нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлиш анъанаси мавжуд:

Соф кўмакчилар: *билан, учун, каби, -ча, -дек* сингарилар.

Ўзбек тилшунослигида *-ча, -дек* каби воситаларни кўмакчи сифатида қараш урф бўлмаган. Бунга кўмакчиларга нисбатан *сўз* атамасининг ишлатилиши, кўмакчилар таркибида морфема шаклидаги бирликларнинг мавжуд эмаслиги кабиларни асос қилиб кўрсатиш мумкин. Айтиб ўтиш жоизки, ёрдамчи *сўз* сифатидаги юкламалар, боғловчилар таркибида ҳам морфема шаклидаги воситаларнинг борлиги кўмакчиларнинг таркибини шу нуқтаи назардан кўриб чиқиш имконини беради. *-ча, -дек* морфемаларининг *каби, сингари, янглиғ* кўмакчиларига маъно жиҳатидан уйғунлиги ва синтактик қурилмаларда (*сўз* бирикмалари таркибида) тобелаш вазифасини бажариши уларни кўмакчилар сифатида қарашга имкон беради.

Қуйида айрим кўмакчиларнинг лисоний хусусиятлари ва мақоми хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбек тилида *билан* кўмакчисининг икки оралиқ грамматик маъноси бўлиб, улар “ҳамкорлик” (*Мен укам билан ишлайман*) ва “қурол-восита” (*Қалам билан ёздим*) маъноларидир. Қолган барча маънолари биринчи (“ҳамкорлик”) маъносидан келиб чиқади. Мисоллар:

- қиёс: *Одам билан одамнинг фарқи бор* (одамдан одамнинг фарқи бор);
- макон: *Сўқмоқ билан кетдим* (сўқмоқдан кетдим);
- замон: *Эрта билан тураман* (эрталаб тураман);
- сабаб: *Қайғу билан ухлолмади* (қайғудан ухлолмади).

Макон, замон ва сабаб маънолари “ҳамкорлик”, “ҳамроҳлик” маъноларининг шаклланаётган сўз маъноси таъсирида модификацияланаётганлиги алоҳида изоҳга муҳтож эмас. Туркий тиллар тарихида восита келишиги маъно ва вазифасининг билан кўмакчи зиммасига ўтганлиги [68,23-26] ҳам ушбу фикрни қувватлашга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Ўзбек тилида *учун* кўмакчиси *-га, -дан* келишиklarининг вазифадоши эканлигини таъкидлаш лозим. Бу кўмакчи бош/қаратқич келишикли қолипда “мақсад”, “сабаб”, “мўлжал” маъноларини бирлаштирувчи “асос” умумий грамматик маъносига эга.

Каби кўмакчиси бош/қаратқич келишикли қолипда “ўхшатиш” маъносини ифодалайди: *сен каби / сенинг каби*.

Ўзбек тилида *-ча, -дек* кўмакчилари “ўхшатиш” маъносига эга бўлиб, кўмакчи-аффикс моҳиятлидир. У исмлар билан ҳам (*менча, укамдек*), феъллар билан ҳам (*еганча бўлмас, юргандек бўлмади*) бирика олади. Тилнинг бугунги ҳолатида *-ча* кўмакчи-аффикси феълнинг равишдош шакли моҳиятига ўтмоқда дейиш мумкин.

Инглиз тилида бўлгани каби ўзбек тилида ҳам кўмакчи-равишлар учрайди. Улар нисбий равишлар бўлиб (*аввал, олдин, сўнг, бурун*), [-чиқиш

келишиги+кўмакчи] моделида воқеланади ва асосан равишлар каби “ўрин”, “пайт” маъноларини ифодалайди.

Ўзбек тилида *бўйлаб, бошлаб, тортиб, қараб, қарамай, қарамасдан* каби кўмакчи-равишдошлар ҳам бўлиб, уларнинг семантик структурасида феъллик ва кўмакчилик хусусиятлари тенг бўлмаган нисбатда мавжуд бўлиб, равишдош шакллари уларнинг феъллигига ишора қилса, нисбат категорияси шакл ва маъноларига эга эмаслик феълдан фарқли жиҳатларидандир.

Исм кўмакчилар ўзбек тилида сермахсул ва кенг қамровли бўлиб (*олдида, ора, орасида, ост, соясида, таг, тараф, атрофида, давомида, ёқ, ён, илгари, қаторида, туб, уст, устида*) улар келишик шакллари билан қўлланишига кўра ўзига хослик касб этган.

Барча нисбий кўмакчилар ушбу қўлланишларида ўз лексик маъноларини бутунлай йўқотганлиги билан характерланади.

Айтилганлар асосида кўмакчиларнинг лисоний моҳиятини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

синтактик жиҳатдан тобелаш;

семантик жиҳатдан:

мустақил сўз асосига эгалик;

келишик маъносига уйғунлик;

мураккаб морфологик қолипда юзага чиқиш;

маънони кучайтириш;

сўзловчи интенциясини нисбий максимал таъминлаш.

Кўмакчиларда семантик ва синтактик жиҳатлар диалектик уйғунликда бўлиб, синтактик томон категориал ва семантик томон йўлдош маънолар сифатида амал қилади [65,122].

1.2. Предлог ва кўмакчининг сўз туркумлари тизимидаги мавқеи

Ҳозирги тилшуносликда сўз туркумлари ҳақидаги таълимот морфология билан узвий боғлиқ, деган фикр кенг оммалашган [127,442-443; 140,308-309].

Аммо баъзан ўзгармас сўз туркумини морфология билан боғлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳам таъкидланади [119,117-118] ва бунда морфология сўз ўзгариши ҳақидаги таълимот эканлиги ҳақидаги фикрларга устуворлик берилади. Қолаверса, ўзгармас сўз туркумини алоҳида ажратиш ва чегаралаш расман олганда ҳар доим синтактик структуралар асосида олиб борилганлигини таъкидлаш жоиз [138,24].

Лексик бирликларнинг сўз туркумларига ажратилишида жуда кўп ҳолларда, очик ойдин ва яширин шакллардаги сўз семантикаси ҳам иштирок этади. [146,102-103]. Бу ўринда ёрдамчи сўзларнинг сўз туркумларини ҳосил қилиш хусусияти шубҳа остига олинади. Бундай ёндашув В.В.Виноградовнинг таснифида ўз ифодасини топди [28,38-43].

Маълумки, грамматиканинг муҳим бир тушунчасини аниқлашда умумлаштирилган грамматик маъно ҳақида гапириш мумкин, яъни, маъно барча сўз туркумлари учун умумий бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан О.П. Суник [91,227] томонидан илгари сурилган концепцияда сўз туркумларини шакллантиришда асос вазифасини ўтовчи сўзнинг умумграмматик маънолари қаторига грамматик предметлилик, процессуаллик, атрибутивликнинг киритилишига қўшилиб бўлмайди. Унинг фикрича, “бу маънолар алоҳида грамматик кўрсаткичларга, сўзнинг бошқа белгиларидан фарқларини кўрсатувчи маъноларга эга эмас” [91,38]. Албатта, *стол*, *айиқ* сўзларини от туркумига киритамиз, чунки улар турланади; аниқроғи, уларни от бўлганлиги учунгина турлаймиз [105,64]. Аммо нега биз *чопиш* сўзини осонгина турлаймиз-у, *чопмоқ* сўзини турлашда қийналамиз, деган саволга жавоб бериш унчалик осон эмас. Бундан ташқари, сўз туркумининг маъноси шу тилда гапирувчи кишиларнинг “лисоний қобиляти” натижасида “тил қаторининг грамматик тизими сифатида иккинчи бор ифодаланиши орқали шаклланади” [58,86], деган анча асосли нуқтаи назар ҳам мавжуд.

Фикримизча, сўз туркумларини аниқлашда грамматика ва семантиканинг иштироки масаласи А.Е. Супруннинг изланишларида анча асосли изоҳланган. Унинг фикрича, “сўз туркумлари – сўз гуруҳларнинг турли грамматик вазифага хосланган, ўзаро грамматик оппозиция (синтактик ва морфологик) асосида боғланган, бир хил туркумлилик белгиси ва семантик хусусиятларга эга бўлган сўзларнинг тоифаларидир” [92,120].

Бундан сўз туркумларининг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:.

1. Сўз туркумлари сўзларни маълум туркумларга бирлаштиради [Қиёсланг: “сўз туркумлари ҳақидаги таълимот – сўз ҳақидаги таълимотдир” (“Учение о частях речи – это учение о слове” – 98,51)].

2. Лексик birlikларни сўз туркумларига ажратиш асосида сўзларнинг синтактик даражада функционал синфларини белгилаш ётади. Ўзгармайдиган сўзлар учун сўз туркумларига ажратиш жараёни шу билан чекланади.

3. Ўзгармайдиган сўзларни сўз туркумларига ажратиш уларга хос бўлган луғавий шакл ҳосил қилувчи [83,38] морфологик категорияларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Лексик birlikларни сўз туркумларига ажратиш учун умумий грамматик маъно (УГМ (Умумий грамматик маъно) [101,10,82-85]) ни тиклаш лозим. Чунки УГМ бир сўз туркуми учун хос бутун морфологик ва синтактик мужассамликни белгилаб келади.

Юқорида келтирилган хусусиятлар сўз туркумининг грамматик категория сифатида белгиланишига тўсик бўлмайди, чунки, биринчи хусусият сўз туркумини белгилаш учун бошланғич шарт вазифасини бажарса, охириги моҳиятига кўра, грамматик жараёнлар натижасида ҳосил бўлган натижаларнинг мазмуний талқини бўлиб келади. Фикримизча, сўз туркумларининг юқорида келтирилган белгилари бир қолипга солинган алоҳида сўзларнинг айнан асосий синфларини характерлайди [12,88]. Ўзбек

тилшунослигида оммалашган сўзларни туркумларга ажратишнинг уч (семантик, морфологик ва синтактик) белгили мезони [68,23-26] назаримизда, масалани янада муайянлаштириш имконини беради.

Юқоридаги сўз туркумларини аниқлашга доир белгиларни предлогларга нисбатан қўллайдиган бўлсак, қуйидагиларни қайд қилишга тўғри келади: предлогларнинг мустақил сўз туркуми сифатидаги ўзига хос хусусиятлари синтактик даражада кўзга ташланади. Улар синтактик қурилма таркибида алоҳида сўз сифатида аниқ ажралиб туради ва бирикманинг маркази ҳамда тобеланувчи компонентлари ўртасида тобе алоқани ифодалаш вазифасини бажаради. Бунда синтактиклик гап бўлаклари даражасида эмас, балки тобелаш даражасида эътироф этилиши лозим.

Ҳозирги замон тилшунослигида предлог фақат отлардаги келишиклар билан биргаликда вазифага киришуви мумкин, деган фикр устувор саналади. [99,24;22,4]. Ўзбек тилшунослигида эса синтактик тобелаш вазифасига хосланган воситаларнинг умумтуркумийлиги уқтирилади [83,38]. В.Хаккель [132,325-328] эса айрим предлог ва предлог монанд сўзлар кўпинча отлар олдидан қўлланиши ва бунда келишик вазифаси мутлақо ифодаланмаслигини таъкидлайди. Шу сабабли предлогнинг келишик шаклидаги от билан бирикувини тилдаги предлогнинг сўз туркуми сифатидаги асосий белгиси, деб ҳисоблаш тўғри келмайди.

Мустақил сўзларнинг предлоглардан фарқи - улар бошқа бирикмалар қуршовида тобелик муносабатларини ифодамай олмаслиги мумкин, айти пайтда “предлогларнинг бошқа сўзлар билан бирикиб қўлланмаслиги умуман мумкин эмаслиги орқали кўзга ташланади” [99,268]. Предлог қурилмадаги тобеланувчи компонентнинг ўрнини белгилаб келади, аммо уни тўлдирмайди, бош компонентнинг унга тегишли бўлган валентлик боғланишини заифлаштирмайди, балки муайянлаштиради.

Предлогнинг зикр этилган лисоний мавқеидан келиб чиққан ҳолда уни муайян қурилма таркибидаги компонентларнинг тобе боғланишини таъминлайдиган, объектив борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни ифодаловчи мустақил сўзлардан ташкил топган бирикмалар таркибидаги турли грамматик муносабатларни ифодаловчи, лексик маъноси сўниб, грамматикалашган ёрдамчи сўз туркуми дея тавсифлаш мумкин.

Сўзлар муайян бир тизимга кўпсонли ва турли муносабат ва система ташкил қилувчи белгилар орқали бирлашади. Бундай муносабат типларига семантик, морфологик ва синтактик умумийлик ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу сабабли Л.И. Илиянинг асосли фикрича, грамматиканинг асосий бирлиги сўз туркумларидир [44,10-11]. Бу ўринда олим А.А.Шахматов [99,240-241] фикрини тасдиқлаб, сўз туркумининг релевантлиги бу унинг гап тузилишидаги юқори даражали бирлик сифатида иштирокини ифодаловчи синтактик белгиси, деган фикрни илгари суради. Шу сабабли тилнинг грамматик қурилишини баён қилишда бошланғич асос сифатида грамматик (синтактик) ва лексик маънолар тан олинади.

Сўз туркумларининг лексик-грамматик синф сифатидаги умумийлиги парадигматик ва синтагматик муносабат ва алоқаларда ўз ифодасини топади. Улардан биринчиси гап таркибида қўлланган бир сўз туркумига мансуб лексик бирликлар бир-бирларини алмаштириши – бир хил синтактик позицияда қўлланиши, яъни бир парадигманинг вакили сифатида намоён бўлишини ифодалайди. Сўз туркумларининг синтагматик режадаги умумийлиги эса, муайян лексик-грамматик синфга кирувчи сўзларнинг бошқа синфга мансуб сўзлар билан бир хилда бирика олиш хусусиятида ўз ифодасини топади.

Умуман олганда, сўз туркумларидаги синтагматик ва парадигматик умумийлик бир неча бир-бирини тақозо қиладиган (тушунчага оид, морфологик, синтактик) белгиларнинг умумийлиги орқали таъминланади.

Сўз туркумларини тасниф қилишда уларнинг гапдаги синтактик вазифасини ҳисобга олиш (тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёти нуқтаи назардан) энг муҳим ва асосий эканлигини таъкидлаш жоиз. Сўз туркумлари ўзларида сўзнинг типик синтактик вазифасини (яъни, унинг синтагматик тавсифини) акс эттиради ва ўзида мужассамлаштиради. Улар сўзлар гуруҳида доимий бир хил гап бўлаги вазифасида қўлланишига кўра белгиланади. Шунингдек, сўз туркумлари ўзларининг синтактик асосларидан “ўсиб чиқиб, ривожланиш хусусиятларига ҳам эга [118,238-239]. Бир лексик-грамматик синфга мансуб сўзлар ўзларининг типик вазифаси билан бир қаторда бошқача синтактик вазифаларни ҳам бажара бошлайдилар. Бу сўз туркумлари асосан, муайян гуруҳлар сифатида шаклланишидан ва бу жараёнда гап бўлақларига ўзларининг синтагматик асосларини сақлаб қолиш имкониятини беришларидан далолатдир. Агар сўзларнинг барча мумкин бўлган синтактик вазифаларини (релятивлик (ёрдамчилик), номинативлик (предметлилик), атрибутивлик, ҳол, кесимлик, модаллик вазифаларини максимал умумий синфларга киритсак, ҳар бир сўз туркумига кирувчи бирликлар вазифавий белгиларнинг қатор хусусиятларга эга бўлиши билан характерланишини кўраемиз.

Ҳозирги замон грамматик назариясида сўз туркумлари ўзларининг морфологик қурилишига, синтактик боғлиқликларига, вазифаларига, умумлаштирилган маъноларига (бошқача айтганда, категорияларига) эга бўлган мураккаб структура сифатида изоҳланади. Категориал маъно дейилганида муайян синфга мансуб бўлган барча сўзларнинг лексик ва грамматик маъноларидан ажратиб олинadиган умумлашма лисоний маъно тушунилади [65,122]. Сўз туркумининг грамматик маъноси дейилганида эса унинг синтактик алоқаларида намоён бўладиган ва уни таъминлашда иштирок этадиган, бевосита кузатишда берилмаган умумлашма маънолари тушунилади. Яъни, улар тил тизимининг ўзида мавжуд бўлган, ҳар қандай

нолисоний инъикослардан “тозаланган” ҳақиқий лисоний мазмундир. Бошқача айтганда, “тилда грамматик ифодасини топган барча лингвистик бирлик ёки улар айрим синфларининг умумий моҳиятидир [13,191]. Шундай қилиб, грамматик категория тушунчаси грамматик маъно, грамматик шакл тушунчалари билан боғлиқликда талқин қилинар экан, уни диалектик нуқтаи назардан умумийлик-хусусийлик диалектикаси нуқтаи назаридан тўлақонли тушунтириш ва асослаш мумкин.

Грамматик категория шакл ва мазмун бирлигини ифодалайди, аммо улар орасидаги алоқада айрим ассиметрия мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Унинг яна бир муҳим хусусияти грамматиканинг асосий тушунчаси сифатида грамматик категория таққослаш тамойили асосида аниқланиши лозим ва у, албатта, иерархик тузилишга эга бўлади. Яна лексика ва грамматика орасида кузатиладиган “яширин категориялар” ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Буларга отларнинг жонли ва жонсиз предметлар номини ифодалаш, феълларнинг бир марталик ёки кўп марталик иш-ҳаракатини англатиши кабилар киради. Бу ўринда ёрдамчи сўзлар алоҳида синф сифатида эмас, балки ўзига хос қўлланиши, ёрдамчи вазифаси билан ажралиб турадиган категория сифатида ўрганилиши лозим. Чунки бундай ёрдамчи сўзлар тилда нафақат соф ёрдамчи сўз шаклида, балки мустақил, предикатив шаклда ҳам учраши мумкин. Айни пайтда сўзларни фақат функционал автономлик белгисига кўра гуруҳларга ажратиш мумкин эмас, чунки автоном эмаслик белгисига, ёрдамчи сўз белгисига сўзлар бирор бир вазифани бажариш жараёнида эга бўлади. Умуман олганда, автосемантиклик нуқтаи назаридан ёрдамчи сўзлар приватив (хусусий) характерга эга [69, 20].

Сўзларнинг автоном қўлланиши, ёрдамчи вазифадаги лексик-грамматик хусусиятига қарамасдан, уларни автоном категория сифатида қарашга асос бўла олади [155, 104-105].

Тил тарихида предлоглар мураккаб тараққиётни босиб ўтишган. Предлогларнинг вужудга келиши ва ҳозирги замон тилида қўлланилиши транзитивлик муаммоси билан узвий боғлиқ ва унинг айрим масалалари ҳозиргача батомом ўз ечимини топмаган. Архаик лотин тилида тенг боғланиш тарзида юзага келган қурилмалар бир-бирига тобе алоқадаги қурилмаларга нисбатан кўп бўлган. Шу сабабли жумла ичидаги синтактик алоқаларда етарли даражада аниқ истиқболлар кузатилмаган. Аммо, аста-секинлик билан мумтоз лотин тилида грамматик тобеланишнинг хилма-хил воситалари шакллана бошлаган. Тўлиқ “интранзитивлик (ўтимсизлик)” ўрнини “транзитивлик (ўтимлилик)” эгаллай бошлаган. Бу жараённи А.Блинкенберг [121,13] таърифлаганидек, сўзларнинг бирикиши асосида ўзаро боғланган нутқ оқимининг ташкил топиши деб тушунамиз. Энди гап катта қимматга эга бўлиб, унинг бундай структур шаклланиши транзитивлик таъсири натижасида юзага келади. Гапдаги сўзларнинг умумийлиги ва мустақкам ўзаро алоқалари асосида қўлланиш тартиби - “узус” пайдо бўлади, унинг мантиқий натижаси ўлароқ жумладаги сўзлар ўртасида барқарор синтактик алоқалар шаклланади [19, 434-435; 26, 90-91].

Предлогда грамматик маъно, яъни боғловчилик вазифасининг вужудга келиши натижасида улар гапдаги семантик-синтактик бошқарувда катта аҳамият касб эта бошлади. Грамматик бошқарув транзитивлик орқали ифодаланади. Буни маънога эга бўлган бирликлар ўртасидаги “тўлиқсизликлар” билан боғлиқ бўлган тобелик деб аташ мумкин. Тобеловчи морфемаларсиз ифодаланадиган бевосита транзитивликдан фарқли ўлароқ, билвосита транзитивлик белгиси предлог ҳисобланади. Билвосита транзитивликнинг предлог орқали амалга оширилиш далили – предлогнинг ўзи ҳам тўлдиришни талаб қиладиган транзитивлик эканлигидан далолат беради. Транзитивлик хусусияти, яъни тўлдирувчини бошқариш хусусияти билан предлог феълга яқин туради [145,114-115]. Предлог семантик

тўлақонлигининг заифлашувига кўра унинг транзитивлик вазифаси ошиб боради. Бу жараёнда предлог аста-секинлик билан транзитивликнинг формал кўрсаткичларига айланиб боради. Аммо тўлдирувчини талаб қиладиган предлог ва транзитив феъл ўртасида тўлиқ параллелизм (ўхшашлик) мавжуд дейиш нотўғри бўлади. Предлог феълга қиёсланганида иккинчи даражали ўтимлиликка эга ва феъл ўзининг “тўлиқсиз” хусусиятига кўра осонлик билан транзитив предлогни тобеловчи морфемага айлантира олади. Предлоглар сўз бирикмалари таркибида бошқа алоқа воситалари билан биргаликда умумий боғланиш воситаси вазифасини бажариб, сўз бирикмасининг ҳосил бўлишида ва ундаги тобеланувчи муносабатни ифодалашда муҳим роль ўйнайди [154,120-121].

Предлогли қурилмалар эргаш гаплар бажарадиган вазифани бажариши мумкин. Бу, ўз навбатида, тескари бир ҳолатни, яъни, предлогни эргаш гапнинг бошловчиси вазифасида қўлланилишига олиб келади [149,224-225].

Семантик жиҳатдан мазмундор бўлган нафақат предлогларнинг, балки бошқа сўзларнинг ҳам лексик маъноси моҳиятини аниқлаш жиддий қийинчиликлар туғдиради [129, 248-250]. Шу сабабли сўз ифодалайдиган маъно нафақат тилшуносларни [122,122], балки файласуфларни ҳам қизиқтириб келаётганлиги бежиз эмас. Натижада бу муҳим ва мураккаб масалани ўрганишга доир қатор назариялар вужудга келди [118,140-145; 125, 114-116].

Предлоглар маъноси қатор тадқиқотлар мавзуси бўлганлиги учун ушбу ишимизда масалага доир мавжуд концепцияларни таянч нуқтаси сифатида қабул қилиб, предлогларни кодификациялаш нуқтаи назардан ўрганишни мақсад қилиб қўйдик [147, 21-30].

Бирор белгини талқин қилишда бир томондан, айрим нолисоний объектларнинг бошқаси билан ифодаланишининг маъно жиҳатдан фарқланишини, бошқа томондан эса, “отнинг объект билан муносабатини,

объектни белгилаш воситаси” натижасидаги мазмунини тадқиқ қилиш мантиқан тўғри ҳисобланади [87,3]. Аммо, бу ўринда Г. Фреге томонидан юқоридаги фикрнинг иккинчисига нисбатан қўлланилган “мазмун” ифодасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлармикин? Шу туфайли ишимизда тенг маънода ишлатиладиган “маъно” ва “мазмун” сўзларидан фойдаланиш, уларнинг тушунарлилиги нуқтаи назардан “сўз маносининг предметлик маъносидан кетиши, яъни муайян бир сўзнинг аниқ маъносидан ягона номинациялашувига ўтиши”ни ўрганишни мақсад қилиб қўйдик [9,21].

Лексик маънонинг барча нозик моҳиятларига тўхталмасдан, сўз лексик маънога эга бўлган ҳолда экстралингвистикада мантиқан маъно мазмунсиз бўлишини ҳисобга олсак, “сўз маъноси нолисоний объектлар билан муносабати орқали аниқланади”, [134,117] деган фикрга қўшилиш маъқулроқ. Бундан ташқари, нолисоний объектлар сирасига нафақат мавжуд бўлган предметларни, балки борлиқда, тилдан ташқарида реал мавжуд бўлган муносабатларни ҳам қўйиш мантиқан тўғри.

Ҳозирги замон тилшунослигида предлог асосан ёрдамчи сўз сифатида ўрганилади [41, 3-13; 111, 155-156]. Аммо бу категорияга кирувчи сўзларнинг тадқиқотчилар томонидан [89, 237-256; 36, 194-195; 86, 362-363] турлича талқини умумий лингвистик тафаккурда чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Анъанавий назарий грамматикада предлогларнинг сўз туркуми сифатидаги (категориал) маъноси “муносабат” деб таърифланади [82,710]. Айни пайтда “муносабат” атамасининг ўзи ҳам турли тадқиқотчилар томонидан ҳар хил тушунилади. Хусусан, айрим тадқиқотчилар “муносабат” деганида предлогнинг фақат синтактик вазифаси мазмунини, яъни, уларнинг аргументлари орасидаги синтактик муносабатларни (предлог билан қўлланилган отлар ва уларнинг эквивалентлари ўртасидаги муносабатларни) кўзда тутишади; бу ўринда ушбу тадқиқотчилар томонидан предлогнинг лексик маъноси мавжуд эканлиги, албатта, инкор қилинади [88, 131-139; 22,

82-83 ва б.). Уларнинг фикрича, семантик муносабат категорияси (релятивлик) фақат тилнинг грамматик сатҳида ўз ифодасини топиши мумкин. Шунга мувофиқ, улар предлогларда соф лексик маъно мавжудлигини рад этишади. Чунончи, “предлоглар тушунчани ёки номни ифодалаш хусусиятларига эга эмас, шу сабабли мустақил лексик маъно ифодаламайди. Улар гап бўлаклари ўртасидаги синтактик алоқа (боғланиш)ни кўрсатиш хусусиятига эгаллиги билан характерланади” [60, 81-83]. “Предлоглар ҳеч нарсани номламайди, ҳеч қандай тушунча ва тасаввурларни ифодаламайди” [22, 9]; “предлогнинг синтактик вазифаси айтилган пайтда унинг маъноси, уларда бир-бирларидан фарқланувчи вазифага эга (лексик ва грамматик) ҳеч қандай маъно мавжуд эмас” [89, 31-32].

Предлог фақат синтактик муносабатни ифодалайди, деган ғояни асослаш мақсадида айрим тилларда у орқали ифодаланадиган синтактик муносабат бошқа тилларда қўшимчалар орқали ифодаланиши ҳақидаги фикрлар илгари сурилса-да, айнан ана шу қўшимчалар лексик маънога эга эканлиги ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаслиги уқтирилади. Бунга яна бир далил сифатида предлогсиз минимал даражадаги фикр тузиш имконсизлиги келтирилади. Бироқ предлог ёрдамида реал борлиқ манзараларини номлаш фақат улар от ва уларнинг муқобиллари билан қўлланганидагина амалга ошиши мумкин.

Ҳозирги пайтда энг оммалашган нуқтаи назарлардан бири предлогда хусусий лексик маъно мавжуд эканлигидир. Русская грамматика [82]; Виноградов [28]; Смирницкий [85]; Бархударов, Штеллинг [17]; Гак [31]; Кубрякова [55]; Аксененко [8]; Балабан [14]; Ильиш [43]; Жигадло, Иванова, Иофик [36]; Клоуз [51]; Quirk, Greenbaum [152]. Бундай фикр ёки муносабат қуйидаги далил билан исботланмоқда: Биринчидан, Р.М. Гайсинанинг таъкидлашича [30,195], ҳозирги пайтда релятивлик семантикаси нафақат грамматик сатҳда, балки лексик сатҳда ҳам амалга ошиши барча тадқиқотчилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу нуқтаи назарга кўра,

предлогнинг семантик релятивлиги лексик сатҳда амалга ошмайди, деган фикрнинг баҳсталаб эканлиги маълум; иккинчидан, айрим тадқиқотчилар томонидан В.Г. Гак [31], Т.Н. Маляр [60], Е.С. Кубрякова [55], В.И. Жигadlo, И.П. Иванова, Л.Л. Иофик [36] ва бошқалар предлог, жумладан, макон ва замонни ифодаловчи предлог нолисоний борликдаги предметлар орасидаги муносабатларни номлаш хусусиятига эга, деган нуқтаи назар ўртага ташланади. Аниқ жумлада бундай муносабат ундаги бошқа сўз билан эмас, айнан предлог орқали ифодаланиши қуйидаги соддагина матн орқали исботланади: маконни ифодаловчи бир предлог бошқаси билан алмаштирилганида, гапда мутлақо бошқа макон муносабатлари ҳақида маълумот узатила бошлайди: *The cat is under the table – Мушук стол остида.* – *The cat is on the table – Мушук стол устида.* Албатта, бунга инглиз тилидаги предлогнинг ўзбек тилига равиш орқали берилиши сабаб бўлади.

Предлог лексик маънога эгаллиги ҳақидаги фикр В.Г. Гакнинг қуйидаги тезисида янада очиқроқ ифодаланади: аниқ предметлар ўртасидаги аниқ муносабатни нолисоний борликда шу предметларнинг ўзи сингари ҳодиса сифатида қабул қилиш зарур [31, 128].

Инглиз тили предлогларининг грамматик тавсифи, энг аввало, уларнинг сўз туркумлари тизимидаги ўрни билан боғлиқ. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар кўп асрлик тарих ва анъаналарга эга бўлишига қарамаздан, улар объектига хос муаммолар ҳанузгача тўлалигича ҳал қилинмаган, дейиш мумкин [134, 32-34]. Жумладан, энг баҳсталаб масалалардан бири инглиз тилидаги предлог ва боғловчиларнинг сўз туркумларидаги ўрни муаммосидир. Масалан, Б.А. Ильиш ҳозирги замон тилшунослигидаги предлог ва боғловчилар ҳақида шаклланган мавжуд қоидалар бу синфга кирувчи сўзларни икки типга ажратиш учун жиддий мезон вазифасини бажара олмайди, деган фикрга асосланиб, уларни битта сўз туркумига бирлаштириш лозимлигини таъкидлайди [142, 214-217].

Дарҳақиқат, одатда, предлог вазифалари ҳақида гапирилганда, улар “предметлар ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни”, “гапнинг бир бўлагининг бошқасига муносабатини” ифодалайди, деган фикр илгари сурилади.

Маълумки, инглиз тилида жумла тузилганда предметга муносабатни ифодалаш учун уни ифодаловчи сўз олдидан предлог қўлланилади. Предлог томонидан ўта кучсиз даражада англашиладиган бундай келишик вазифасини аниқлаштириш инглиз жумласидаги предметликни ифодаловчи компонентдан предлог маъносини ажратиб олиш имкониятини яратади.

Предлогнинг бошқарувчи вазифасида келувчи сўз билан битишуви ва предметлик маъносини англаувчи сўз гап тузилишининг турли ўринларида келиши предлог ва предметни ифодаловчи сўз ўртасидаги боғлиқликларнинг йўқолишига ёки заифлашишга олиб келмайди. Бинобарин, бундай таҳлил гапда предлогнинг келишик вазифасини бажаришига ҳам таъсир қилмайди.

Айни пайтда боғловчи ҳам “сўз, сўз бирикмалари, жумлалар” ўртасидаги муносабатларни, “предметлар ва ҳодисалар” орасидаги боғлиқликларни ифодалаш учун хизмат қилади, деб ҳисобланади [17, 263]. Бу ўринда Б.А. Ильининг икки тушунча, муносабат ва боғланиш ўртасидаги чегарани аниқлаш мушкул, предлог ҳам боғловчи сингари эргаш гапни бошқариб келиши мумкин [142, 217], деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Масалан: *Weren't you rather touched by what he had to say?* [176]. Қолаверса, предлог ва боғловчининг синтактик ўзига хосликларини белгиловчи ва уларни бир сўз туркумига киритишга тўсқинлик қилувчи қўйидаги алоҳида хусусият мавжуд:

1) предлог билан келувчи кишилик олмошлари одатда объект келишигида қўлланади: *Will you dance this with me, Lady Brett?*-*Брет хоним мен билан рақс тушасизми?* [172]. Ва, аксинча, боғловчи билан келувчи кишилик олмоши бош келишикда қўлланади (агар улар гапда тўлдирувчи

вазифасида келмаса): *He and I were sitting in the first two chairs outside the god dam infirmary* [185].

2) предлог исм (бу ўринда “исм” атамаси от, олмош ва от вазифасида келувчи сонларни ҳам ифодалайди) ёки бошқа сўз туркумидаги сўз ёки сўзлар гуруҳи (жумладан, предикацияли структуралар) билан бирикиши мумкин: *You sent for the barber* [187]; *But I felt no different from before, I hadn't changed* [158] (→ from that time); *He looked forward to being alone* [170] (→ to that); *From where he rested, the valley seemed as it was in the pit* [194] (→ from that place).

Боғловчи эса исмдан ташқари туркумлар (феъл, равиш, модал ва, ҳатто предикацияли структура билан бирикиб қўлланиши мумкин. Мисоллар: *From the time that he first went to his preparatory school she had seen little of him* [178] (an attributive clause: → that that);

3) предлог жумла охирида ҳам қўлланиши мумкин, боғловчилар учун эса бундай хусусият хос эмас: *That's what we're here for* [190];

4) предлогни қоидага мувофиқ семантик ва синтактик бирлик яхлитлигини бузмасдан нутқ сегментидан тушириб қолдириш мумкин эмас, боғловчини эса мумкин ва бу гап тузилишини бутунлай ўзгартирмаслиги ёки қисман ўзгартириши мумкин: *She would not see Tom at all that day, for she had to start for London between five and six* [193] (→ She would not see Tom at all that day: she had to start for London between five and six).

Б.А. Ильиш предлогни боғловчилардан ажратиш мумкин эмаслигини исботлаш мақсадида *after, before, since* (предлог, боғловчи, равиш)ни мисол келтиради ва уларни ҳозирги замон инглиз тилида қайси сўз туркумларига қўшиш мумкин, деган саволни қўяди [142, 164].

Инглиз тилидаги *after, before, since, till, until* лексемаларининг грамматик мақомини белгилаш масаласи инглиз тилшунослигида атрофлича ҳал қилинмаган муаммолар сирасига киради ва бу яна тилшуносликдаги “оралик

учинчи” муаммоси [68,23-26] билан боғланиб кетади. Айниқса, бу лексемалар у ёки бу аниқ ҳолатда предлогми ёки равишми, предлогми ёки боғловчи вазифасида келадими, деган муаммо кўплаб баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Кўпчилик инглиз тилшуносларининг фикрича, юқоридаги лексемалар турли тоифадаги маъноларни ифодалаш воситалари [134,247-248]. Аксарият ҳолларда уларни боғловчили равиш ёки равишли боғловчилар деб ҳам юритишади [130,197].

After, before ва бошқа лексемаларнинг грамматик статусини белгилашда уларнинг гапда ҳам предлог, ҳам равиш вазифасида келишини ҳисобга олиб, айрим муаллифлар уларни “предлогли равишлар” атамаси билан номлашни таклиф қилишади [130, 112]. Бошқалари эса уларни предлоглар ва “адвербиаль юкламалар” (частица) деб аташни маъқул кўришади [124,149].

Шундай қилиб, *after, before, since, till, untill* лексемаларининг ҳозирги инглиз тили сўз туркумларидаги ўрни ҳақидаги масала ҳанузгача ечилмаган муаммо сифатида қолиб келаяпти. Инглиз тилшунослигида предлогларнинг синтактик ва семантик қўлланилишининг сифат-миқдор моделларини белгиловчи тадқиқотлар мавжуд эмас ва уларнинг нутқ жараёнида ишлатилишини ўрганиш бугунги вазифалардандир.

“Оралик учинчи” қонунининг привативлик муносабати билан боғлиқлиги ҳам тилнинг яшаш қонуниятлари моҳиятини очишда муҳим. Ўзбек тили сўз туркумлари ҳам ўзаро приватив зиддиятларда бўлиб, бу тилнинг устувор яшаш қонуниятларидан биридир. Привативлик бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Л.Ҳ. Нигматованинг таъкидлашича, тил сиситемасида биринчи бўлиниш, яъни тил ва унинг сатҳлари ўзаро партонимик муносабатда бўлади. Сатҳлардан куйидаги бўлинишлар гипо-гиперонимик муносабатга таянади. Бу сатҳларнинг ички бўлинишларида бир аъзо зиддият белгисига муайян ва иккинчи аъзо мажхул муносабатда бўладиган приватив муносабат усутворлигидан далолат беради.

Лисоний бирлик кирган парадигматик қаторнинг барчаси приватив ҳам, бири приватив, бошқалари эквиволент муносабатлар асосида бўлиши ҳам мумкин. Лисоний бирликнинг оппозитив муносабатлари приватив бўлса-да, унинг моҳияти асосида бошқа бирликларга зидланиши эквиволент характерлидир [69,20].

Приватив (хусусий) муносабат нафақат гипонимик (лексемалараро семантик муносабатларнинг бир тури бўлиб, тур - жинс муносабатини кўрсатади). Масалан, [дарохт] гипероними жинс маъносини ифодаловчи лексема сифатида дарохтнинг барча турини ифодаловчи лексемаларни лексик-семантик муносабат асосида бирлаштириб, лексик-семантик гуруҳ ҳосил қилади. Шу боисдан [дарохт] лексемаси гипероним сифатида гипоними билан лексик-семантик алоқага кириша олади. Масалан, [дарохт]-[қайин], [дарохт]-[терак], [дарохт]-[дуб], [дарохт]-[арча].) муносабатни, балки синонимик ва градуонимик (луғавий маъно гуруҳлари доирасида маъно даражаланишини ифодаловчи лексик бирликлик. Сўзларнинг градуонимик қаторларга тузилиши маълум бир белги (оппозиция белгиси) заминида содир бўлади. Масалан, «қизиллик» белгиси асосида гулоби, пушти, қизғиш, қизил, ол, қирмизи; «ёш миқдори»га кўра: қулун, той, дўнон, ёнон, от; «катта-кичиклик» миқдорий белгисига кўра: қулба, ҳужра, уй, кўшк, қаср, сарой, қошона қабиларга бўлинади) алоқаларда ҳам амал қилади – уларда асосий бирликнинг қолган бирликларга муносабати привативлик (хусусийлик) асосида бўлади. Привативлик (хусусийлик) муносабатига бағишланган кузатишлар хулосалари сўз туркумлариаро муносабатларни, уларнинг тизимда тутган мавқеи, хусусан, ёрдамчи сўзларнинг “оралик учинчи”лик мавқеини аниқлашда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Сўзларни туркумларга ажратиш яхлит олинмайдиган, бироқ ҳар бири бу жараёнда муҳим роль ўйнайдиган семантик, синтактик ва морфологик

белгилари бу тизимнинг қурилишида привативлик муносабатининг устуворлигини кўрсатади.

Синтактик қурилма ва унинг таркибий қисмлари орасидаги синтактик муносабатни ифодалаш белгиси асосидаги приватив (хусусий) зиддиятда кўмакчи ва боғловчилар белгили, кучли аъзолар сифатида намоён бўлади. Бунда кўмакчиларнинг “оралиқ учинчи”лик мақоми белгиловчи роль ўйнайди. Зеро, кўмакчилар лексемалар сифатида яхлит шаклланганлик хусусиятига эга бўлса-да, бироқ уларнинг лексик маъно (семема)дан холилиги мустақил ҳолда гап бўлаги вазифасида келиш – мустақил синтактик вазифа бажариш имконига эга бўлишга йўл қўймайди. Улар фақат тобеловчилик мақомига эга бўлади. Демак, лексик-грамматик яхлитлик бўлган ёрдамчи лексемаларда лексик ва грамматик сатҳлар оралиғидаги “оралиқ учинчи”лик мақомини кўриш мумкин. Зеро, лексема “жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури” [69,20] дир. Шу билан биргаликда, ушбу таърифга “сиғиб-сиғмай қоладиган ёрдамчи лексемаларнинг мақоми киритма изоҳ билан ёритилади: “Шуни ҳам айтиш керакки, ёрдамчи лексема семемаларида тушунча билан боғланиш йўқ. Чунки ёрдамчи лексемалар, айтилганидек, қўшимчалар ва лексемалар зиддиятида “оралиқ учинчи” вазифасини ўтайди. Улар шаклан лексема, мазмуни (вазифаси), семемасига кўра эса қўшимчадир [69, 23-26]. Бундан эса “ёрдамчи лексемалар, айтилганидек, қўшимчалар ва лексемалар зиддиятида “оралиқ учинчи” вазифасини ўтайди” дейилишининг ўзида уларнинг мустақил лексемалар билан приватив асосларда зидлашга интилиш борлигини кўриш қийин эмас. Бу номустақил лексемаларнинг мустақил лексемаларга шаклан уйғунлиги, маъновий хусусиятлари билан эса грамматик қўшимчалар сирасига

киришини кўрсатади. Шу боисдан ёрдамчи лексемалар мазмун-мундарижасини семема эмас, балки грамматик маъно дейиш мақсадга мувофиқ деган қарашлар ҳам мавжуд.

Тилшунос Ш. Раҳматуллаев эса “биз анализ йўлига, яъни нутқдан тилга бориш йўлига ўрганиб кетганмиз. Албатта, конкрет бирликдан (сўз формадан) абстракт бирликларга (сўз формани таркиб топтирувчи бирликларга) бориш осон кўчади. Шу йўл билан бориб, сўз форма таркибида лексик маъно англатувчи қисмни ажратамиз ва уни лексема деб номлаймиз. Асли лексик маъно англатувчи тил бирлигига *лексема* дейилади” [79,17-20] дейиши билан лексик маънога эга бўлган ёрдамчи лексемаларни *лексема* ифодаси билан беришни маъқул кўрмагандек туюлади. Демак, “муस्ताқил ва номуस्ताқил бирликларга бир хил ўлчов (мезон) билан муносабатда бўлиш улар табиатини хиралаштиради. Чунки ёрдамчи лексемалар маъноси билан кўшимчаларга яқинлашса, номемага эгаллиги асосида лексемалар билан уйғунлашади. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, маълум бир ходиса, масалан, лексема таърифланар экан, таъриф таърифланаётган ходисаларни тўлиқ қамраб олмаслигини эътиборга олиш лозим” [21,125]. Бу эса “сўзга умумий таъриф бериш борасидаги мушкулотлар баъзан тилшуносларни умуман сўзга таъриф беришдан воз кечишга, ҳар бир гуруҳ ёки морфологик тип тиллар учун ўзга сифатлар хос бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида таърифлаш лозимлиги ҳақидаги ғояларни илгари суришга ҳам олиб келаётганлиги” каби муаммоларни ҳал қилиш имконини беради [63, 45].

Кўмакчиларнинг “оралиқ учинчи”лик мақоми, айниқса, уларнинг “нисбий кўмакчилар” қисмида яққол кўзга ташланади. Муस्ताқил лексемаларнинг кўмакчи сифатида нутқий воқеланишида семемаларнинг ўз денотатив моҳиятини юқори даражада кучсизлантиришини, бошқача айтганда, денотатив маънонинг грамматик маъно сифатида намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Тилшунос Ш.Х. Бобожонов [*қарамоқ*] лексемасининг

муस्ताқил қўлланишдаги луғавий ва номуस्ताқил қўлланишдаги грамматик маъносини қиёслар экан, қуйидаги мисолларни беради: 1. *Ҳамдам дадасига қараганича узоқ туриб қолди* (А.Қаҳҳор). 2. *Менга қара, хотин!* - деди Ҳожжи жиддий тусда. *Ўзбек ойим қаради* (А.Қодирий). 3. *Бу жувон менга қараб келар эди* (Ғ.Ғулом). 4. *Дехқонлар тўдаси қишлоққа қараб юрди* (С.Аҳмад). 5. *Яширин хабарларга ва баъзи аломатларга қараганда, Бадиуззамон Астрободда исён кўтариши фикрлари билан овора бўлаётгани ҳақида гапирди* (Ойбек). “1- ва 2- гапларда [қарамоқ] лексемасининг “кўриш учун кўз ҳаракатини бирор томонга, нарса ёки кимсага йўналтирмоқ” семемасининг нутқий луғавий маъно сифатидаги воқеланиши кузатилади. Бу семема кейинги гапларда ўзининг “кўриш учун” семасини 0 (ноль) даражагача кучсизлантиради ва қолган семалар маълум даражада сусайиб, “ҳаракат йўналган томон” (4-гап), “айириб кўрсатмоқ”, “таъкидлаш”, шунингдек, “қиёслаш”, “солиштириш” (5-гап) маъноларини билдиради. [қарамоқ] лексемаси [кўрмоқ] лексемаси билан маънодош бўлганлиги боис, улар семемаларининг грамматик маънога айланган кўринишларида ҳам мазкур маънодошлик маълум даражада сақланган бўлади. Қиёсланг: *Олмага қараганда нон ширин - олмадан кўра нон ширин*” [21,125].

Олимнинг таъкидлашича, [қарамоқ] лексемаси кўмакчи вазифасида қўлланганда унинг семемаси таркибидаги “кўзни мақсадли йўналтирмоқ” семаси лисоний ва нутқий ҳодисаларни боғлаш вазифасини ўтайди. Бошқача айтганда, *қарамоқ* кўмакчисининг [қарамоқ] лексемаси ҳосиласи эканлигига ишора қилиб туради [21,15].

Нисбий кўмакчиларда грамматик маъно ўзига асос бўлаётган генетик маъно билан кучли ёки заиф алоқада бўлиши мумкинлиги олим эътиборидан четда қолмайди. “Муस्ताқил лексемаларнинг номуस्ताқил сўз сифатида қўлланишларида нутқий маъноларнинг ўзлари мансуб семалар билан

боғланишлари кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Бу, айниқса, кўмакчи феъл вазифасида келган лексемаларда яққол кўзга ташланади” [21,125].

Умуман олганда сўз туркумларида оралик учинчининг мутлақлиги кўмакчиларнинг моҳиятида яққол кўзга ташланади. Бу ҳақда тилшунос М.Қурбонова “формал-функционал тадқиқотларда диалектик логиканинг ана шу “оралиқ учинчи” қонуни тил фактларини ўрганишга татбиқ этади. Чунки тил бирликлари орасидаги боғланишни, давомийликни таъминлашда бу қонуннинг аҳамияти катта ва унинг таҳлил ва талқинларида ҳам алоҳида эътиборга олинishi зарурлигини таъкидлайди” [111, 27].

Мустақил сўзлардан луғавий маъно кучсизланиши асосида соф боғловчилар томон борилишини фақат махсус гуруҳ сўзлар оралик учинчиси орқалигина эмас (*мустақил сўзлар – махсус гуруҳ сўзлар – ёрдамчи сўзлар*) балки приватив оппозициялар оралиғида ҳам кўриш мумкин”. Ушбу қонун мустақил сўзларнинг транспозитив ва конверсив жараёнларида ҳам мавжуд бўлишига ишора қилади.

1.3. Предлог ва кўмакчини моделлаштириш имкониятлари

Ҳар бир предлог ўзининг семантик ҳажми ва унга мувофиқ равишда барқарор валентлик хусусиятлари ва нутқий синтактик алоқаларига эга. Масалан, *over* предлогига хос вазифаси қуйидаги муносабатларда ўз аксини топади:

Қиёсланг:

- 1) A cold shiver passed over Katherine [161];
- 2) Just for a moment a shiver passed over him [161];
- 3) He had been turning over the rugs, and now he took one to the window and looked at it, picking something off it with his fingers. [161].

Предлогнинг пайтнги ифодаловчи маъноси асосан, темпорал семантикали отлар билан бирикувида ҳосил бўлади.

Инглиз предлоги *over* предлогининг ўзига хос хусусиятларидан бири маънонинг бир қисмини ифодалашидир. Буни *over tea, over dinner* типлардаги бирикувларда кўришимиз мумкин:

“We talked little over the meal” [190].

Соф сабаб муносабатини ифодаловчи *over* предлогининг луғавий-матний кодификацияланиши унинг қуйидаги имкониятлари билан тасдиқланади:

1) *over* курилмали бирикмаларнинг сабаб семантикали *reason* сўзи билан трансформация қилиш мумкинлиги;

2) *over* предлогининг ёрқин ифодаланган сабаб семантикали *because of* бирикмаси билан алмаштириш мумкинлиги.

Қиёсланг: 1) *His elbow's gone all stiff and crooked, he can't use it, he's lost his job at the pit over it* → *The reason of his having lost his job at the pit is that his elbow's gone all stiff and crooked and he can't use it;*

Айнан шу усул билан бошқа предлогларнинг ҳам семантикасидаги кодификацион принципларини таҳлил қилиш мумкин.

Мисоллар:

1 a) *For the first six months after Oliver Twist was removed, the system was in full operation* [165]

(→ after Oliver Twist; → after him; → Who are they after?);

1 b) *The surgeon leaned over the body, and raised the left hand* [165]

(→ the rear part);

2) *And now that we have accompanied him so far on his road home, and have made all necessary preparations for the old woman's funeral, let us set on foot a few inquires after young Oliver Twist, and ascertain whether he be still lying in the ditch where Toby Crackit left him.* [165]

(→ Who did they come after?);

3) *'God forgive me!' she cried after a while, I never thought of this* [165]

(→ after some times; → after that);

4) *You may come and see her after seven o'clock if you wish* [172]

(→ after seven; → after that time).

Мисоллардан кўринадикки, моделнинг биринчи вариантыда *after* нинг от билан бирикуви икки мисолда ўз ифодасини топяпти. Ҳар икки мисолда ҳам сиртки структураларнинг дистрибуцияси уларни бир хил моделда қўлланилиши ҳолатларига олиб келса ҳам, трансформацион таҳлилнинг кўрсатишича, *after* лексемасининг грамматик мавқеи турлича эканлиги уларда очиқ-ойдин кўриниб турибди. («лисоний бирликнинг дистрибуция»си дейилганида уни ўраб турган лексик қуршов тушунилади [133,15-16]. Бу ўринда биринчи ҳолатда *after* лексемаси предлог вазифасида келса, иккинчи ҳолатда сифат вазифасида келади. *after* + *S* моделининг қолган уч вариантынинг таҳлили ундаги *after* лексемаси предлог сифатида вазифага киришини тасдиқлайди.

After + *C1* модели.

Бу модель биргина вариантда қўлланилиши билан характерланади. Масалан: *'What a delicious thing is a oyster!' remarked Mr. Claypole, after he had wallowed it* [165]

(→ after that; → after his wallowing it).

Юқоридаги мисолларда келтирилган трансформацион таҳлил натижаларига кўра *after* лексемасидан кейин келувчи эргаш гап кўрсатиш олмоши билан алмаштирилиши мумкин. Шундай қилиб бу моделдаги тадқиқ қилинаётган лексема боғловчи эмас, предлогдир. Бу анъанавий равишда кўплаб грамматикачилар томонидан тасдиқланиб келинмоқда [49, 257-258; 148, 355; 153, 318].

After лексемасидан кейин келувчи эргаш гап предлоглар билан бирикувчи герундийли қурилмалар билан алмаштирилиши мумкин. Бундай

далил асосли равишда барча дарсликларда қайд этилган [124, 240-241; 129, 251-252; 134, 268-269].

Инглиз тили грамматикасининг барчаси ва бошқа лисоний илмий ишларда *after* лексемаси аналогик ҳолатларда фақат равиш сифатида қаралади. Бундай қараш структура жиҳатидан қисман ўзини оқлайди. Чунки бундай гаплар эллиптик гаплар сифатида талқин қилинади ва улар контекстдан субстантивлар орқали қайта тикланиши мумкин [48, 211; 49, 258].

S +after модели S1 + (after +S2elli)

Мисол:

I should discover this within a year after marriage [194]

1. → a year that will come after → a year that will come afterwards – равиш;
2. → a year after the next year - предлог).

Мисол:

I addressed some phrases to her in her own tongue: she replied briefly at first, but after we were seated at the table, and she had examined me some ten minutes with her large hazel eyes, she suddenly commenced chattering fluently [172]

(1. → and then afterwards, we felt happy – равиш; → then, after that, we felt happy - предлог).

After лексемасининг модел таркибидаги (синтактик матний қуршовдаги) лисоний (сўз туркумига асосланган) мақомини кўриб чиқайлик. Фактик материал сифатида ҳозирги замони инглиз ва америкалик муаллифларнинг бадиий асарларидан танлаб олинган мисоллардан фойдаландик. Танлаб олинган материалларнинг тўлиқлиги янги синтактик ва семантик моделларнинг ҳажми олдинги материалларда такрорланмаслиги билан белгиланди.

Таҳлил натижалари жадвалда қуйидагича умумлаштирилди:

СИНТАКТИК МОДЕЛЬ	after + S	681/74,58%
	after + Cl	145/15,81%
	after + Phr	72/7,86%
	after + Ger	5/0,55%
	after + S elle	6/0,65%
	S1 + (after + S2 elle)	4/0,44
	after + S elle	1/0,11

Жадвалда қўлланган шартли белгилар изоҳи:

S –субстантив,

Cl - эргаш гап,

Phr – структур предикацияда бўлмаган сўз бирикмалари,

Ger – герундий,

Pstr – структур предикация тузилиши,

< - моделнинг икки хил талқин қилиниши,

elli – эллиптик.

Жадвалда берилган моделларни мисоллар орқали изоҳлаймиз (мисол рақами модель рақамига мослаштирилди):

1) *Miss Marple walked more slowly after him* (A.Christie);

2) *Negro and white boys were hanging around the door to hear the music after the band started to play* (W.Faulkner);

3) *After looking up the dictionary I had mixed feeling about my name* (V.Holt);

4) *On the days of false spring it was very nice after boxing to walk along the streets* (E.Hemingway);

5) *I left soon after for Australia taking the Green Elesh with me* (H.Holt);


6) *We want the machines not next year, not the year after, but now* (J.Braine);

7) *After we had eaten we felt fine, and then after, we felt very happy* (E.Hemingway).

Жадвалдан кўриниб турибдики, *after* лексемаси еттита синтактик моделда иштирок этаяпти, улардан энг кўп қўлланиладиганлари қуйидаги учтасидир: субстантив бирикмалар (681 ҳолатда, 74,51%), эргаш гапли бирикмалар (145 ҳолатда, 15, 81%) ва сўз бирикмалари (72 ҳолатда, 7,86%).

Учта моделни икки томонлама субстантив бирикма (постпозиция) ва структур предикацияли модель (постпозиция ва препозициядаги), ёки эллиптик субстантив билан бирикув сифатидаги модель деб талқин қилиш мумкин.

3-жадвал



After лексемаси 90% ҳолатда предлог сифатида қўлланилган, 11 ҳолатда у (6%) предлог ёки равиш сифатида талқин қилиниши мумкин. Бу лексеманинг сифат вазифасида келиши 4% ташкил қилади.

Шундай қилиб, *after* лексемаси ҳозирги замон инглиз тилида учта сўз сифатида предлоглар тоифасига кирувчи сифат ва равиш мақомида қўлланади. Бу ўринда предикативли структуралар билан бирикувда боғловчи сифатида эмас, анъанага кўра предлог вазифасида келишини таъкидлаш лозим.

Билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда предлогларни контекстда воқеланиши асосида семантик структуралаш имконияти туғилади. Бу куйидагича: “грамматик вазифа билан боғлиқ бўлган грамматик маъносини ... ва бу гуруҳга мансуб бўлган барча ёрдамчи сўзлар маъносини, ҳар бир сўзга хос бўлган соф лексик маъно ва уларнинг бошқа ёрдамчи сўзлардан фарқланувчи жиҳатларини чегаралашга ҳам имконият яратади” (А.И.Смирницкий, 1959, С.367).

Маълумки, предлог лексик маънодан ташқари грамматик маънога ҳам эга. Одатда, предлогнинг грамматик маъноси предлогли сўз бирикмаси компонентлари маъноларига боғлиқ эмас, деб ҳисобланилади. Шу нуқтаи назардан предлогларнинг умумий грамматик ва қисман грамматик маънолари ўртасида аниқ чегараларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Турли қўлланишлардаги предлоглар, хусусан, ҳаракат семантикасини ифодаловчи предлогларнинг қўлланишида инфинитив предикатив сўз бирикмалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Инфинитив предикатив сўз бирикмаси предикатив гап бўлаги сифатида инфинитивнинг (унинг турли шакллари) бир ўзи ёки унга тобе сўзлар қўлланилади. Бу феъл боғловчиси *to be* инфинитив шакли + ва феълдан ташқари сўз туркумларидан бири шаклида қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда бутун бирикма олдидан *for* предлоги қўлланилади:

for N (P) to V (P)

for In to V (P)

for Im to V (P)

for N N (P)/In to be X

Қиёсланг:

for John to go there

for him to come.

Масалан:

As this horse approached, and as I watched for it to appear through the dusk
[162].

Сўз бирикмасини киритувчи *for* предлоги ҳар қандай инфинитив предикатив сўз бирикмасининг таркибий қисми ҳисобланиб, шу сабабли синтактик кўрсаткичи (“marker”) сифатида қаралади. Бу фактнинг далили сифатида *for* предлогли инфинитивли предикатив сўз бирикмаси гапда эга вазифасида келганида ҳам, яъни, предлогнинг фарқини кўзда тутмайдиган вазифада келиши билан изоҳлаш мумкин. Қиёсланг:

“Oh no, child! It is not likely; and now it is time for you to come in; you’ll catch the fever if you stop out when the dew is falling.” [192].

Бу мазкур сўз бирикмаси ўзининг бевосита компонентлар таркиби билан синтактик жиҳатдан *for you/to come* сифатида эмас, *or/you to come* сифатида ажратилишидан далолат беради, яъни, *for* предлоги бу ўринда бутун предикатив сўз бирикмасига тегишлидир.

Ҳаракатни (жойини ўзгартирувчи) ифодаловчи мутлақ предикатив сўз бирикмаларини ҳосил қилишда ҳам предлогнинг иштирок этиш зарурати сезилади.

Инглиз тилида айрим ҳолларда мутлоқ предикатив сўз бирикмаси *with* ва *without* предлоглари орқали ҳосил қилинади. Бу предлогларнинг сўз бирикмасидаги роли шубҳасиз *for* предлогининг инфинитив бирикмадаги ролига бирмунча ўхшайди, яъни предикатив бирикманинг кўрсаткичи вазифасида келади (*for* предлогидан фарқли ўлароқ *with* ва *without*

предлогларининг абсолют бирикмада қўлланилиши факультатив бўлса ҳам).
Қиёсланг:

The man got home → It was impossible for the man to get home [156]

*It was too dangerous to take a step in any direction, or hazard any remark →
A feeling of its being too dangerous to take a step in any direction, or hazard any
remark, had fallen on them all [167].*

Бу ҳолат айниқса, феъл-от қурилмали сўз бирикмалари учун характерлидир. Бундай қурилмаларда предлогнинг қўлланилиши турлича қурилмалардаги: эркин (синтактик), турғун (фразеологик, идиоматик) лисоний комплексларнинг семантик образли асосларини имкони борича аниқлаштириш имконини беради.

Барча предлогларнинг сўз туркуми сифатидаги умумий маъноси уларнинг релятивлик маъноси, яъни реал борлиқдаги предметлар ва ходисалар ўртасидаги муносабатларни ифодалашдаги маъносидир.

Предлогларнинг умумий грамматик маъноси (ёки категориал маъноси) предлогли бирикма компонентлари билан боғлиқ эмас.

Предлогларнинг қисман грамматик маъноси дейилганида уларнинг структур маънолари тушунилади. Улар гапнинг ўзларига тегишли структур бирликлари билан ўзаро муносабатда бўладилар ва бу бирликлар ўртасидаги синтактик белгилар вазифасини бажарадилар.

Предлогларнинг макон, замон, сабаб, объект, атрибутив ва ҳ. маънолари уларнинг грамматик, структур маъноларининг моҳиятини ташкил қилади ва сўзлар билан муносабатга киришади.

Ўзбек тилидаги грамматик шаклларни моделлаштириш уларнинг таркибий хусусиятлари чуқур ва атрофлича ўрганиш билан боғлиқ. Шу боисдан бугунги кунда анъанавий тилшунослиқда ҳам, субстанциал ёндашувда ҳам *синтетик грамматик шакллар* ва *аналитик грамматик шакллар*, *содда аффикслар* ва *қўшма аффикслар* атамалари кенг истеъмолли

аҳамият касб этган. Бироқ синтетиклик ва аналитиклик масаласи фақат грамматик шаклларга нисбатан қўллангани ҳолда *содда аффикслар* грамматик ва деривацион аффиксларга нисбатан бир хил қўлланилиб, *қўшма аффикслар* ҳақида гапирилганда фикр асосан тўғридан-тўғри деривацион аффиксларга йўналтирилади. Чунончи, “аффикслар структурасига кўра, морфологик хусусиятига қараб, икки хил бўлади: *содда аффикслар* ва *қўшма аффикслар*. Масалан, *-чи* аффикси (*сувчи, сугорувчи*), *-да* (*далада*), *-дан* (*даладан*) – *содда аффикслар*; *-гарчилик* (*лойгарчилик*) –*лама* (*бир ёқлама*) – *қўшма аффикслар*” мазмунидаги фикрлар, *қўшма аффиксларнинг “сўз ўзгартирувчи аффиксларда нисбатан кам учраши”* ҳақидаги мулоҳазалар фанимизда анъаналашиб бўлган. Бунда “*қўшма*” деганда бирдан ортик аффикс ёки кўрсаткичнинг бирикиши назарда тутилиб, грамматик жиҳатдан фикр фақат синтетик шакллар хусусида бўлади.

Ўзбек анъанавий тилшунослигининг сўнгги ютуқларини умумлаштирувчи дарсликда ҳам шунга уйғун фикрларни учратиш мумкин: “Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз формасининг уч типи мавжуд:

1) аффикслар ёрдамида ҳосил бўлувчи форма: *уйни, уйда, уйдан, уйга*. Аффикслар ёрдамида ясалувчи форма синтетик форма дейилади;

2) ёрдамчи сўзлар орқали ҳосил бўлувчи форма: *укам учун, парк томон, ўқиб бер, ўқиб чиқ* каби. Ёрдамчи сўз воситасида ясалувчи форма аналитик форма дейилади.

Аналитик форманинг ясалишида ёрдамчи сўз қўшиладиган сўзнинг ўзи ҳам бирор грамматик формада бўлади: *мактаб учун* (мактаб бош келишик формасида). Демак, ёрдамчи сўзлар сўзнинг маълум бир формасига бирикиб, аналитик форма ҳосил қилади. Бунда ёрдамчи сўз бириккан сўз ўзича мустақил форма ҳисобланмайди, балки у ёрдамчи сўз билан бирликда яхлит бир формани ҳосил қилади” [114, 312]. Бироқ бунда аналитик форма грамматик шакланмаган сўзга ҳам қўшилиши мумкинлиги эътиборга

олинмаган. Масалан, *ўқитувчи эди, аълочи эмас* сўз шаклларида *эди* ва *эмас* ёрдамчи воситалари сўз шаклга эмас, балки шаклланмаган сўзга бириккан. Кўринадикки, аналитик шакллар шаклланган сўзга ҳам, шаклланмаган сўзга ҳам қўшилиши мумкин. Бу ҳолатда аналитик шаклларнинг ўзини ҳам содда ёки қўшма кўринишларга ажратиш мумкин. Ўзидан олдин грамматик шаклланган сўзгагина қўшиладиган ёрдамчи воситалар ва бирикаётган сўзининг грамматик шаклланишини талаб қилмайдиган ёрдамчи воситалар.

Бундай ҳолат синтетик шаклларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, *ўқимоқчиман* гапидаги кесимлик шакли синтетик табиатли бўлса-да, тузилишига кўра мураккаб бўлиб, у майл, замон, шахс-сон ва тасдиқ-инкор маъноларини ифодаловчи алоҳида грамматик категориялар намояндаларининг мураккаблигидан иборат. *Ўқимоқчи эдим* гапидаги кесимлик шакли эса аналитик табиатли бўлса-да, тузилишига кўра мураккаб бўлиб, у майл, замон, шахс-сон ва тасдиқ-инкор маъноларини ифодаловчи алоҳида грамматик категориялар намояндалари ва тўлиқсиз феъл яхлитилигидан ташкил топган.

Шундай ҳоллар бўладикки, грамматик шакл мураккабланишганда ўз категорияси доирасидан чиқиб кетади. Масалан, “-лар аффиксининг айрим функциялари сон категорияси доирасидан ташқарига чиқади. Масалан, унинг эгалик ва тусловчи аффикслар таркибида қатнашган ҳолатлари (*Дадамлар борадилар*) сон категорияси доирасида изоҳланмайди.” *Дадамлар* сўз шаклида сон категорияси шаклининг ўз грамматик доирасидан чиқиши унинг эгалик аффикси билан мураккабланиши натижаси бўлиб, ифодаланаётган “хурмат” маъноси ана шу мураккаб шакл семантикасига хос эканлиги сабабли уни эгалик ва сон категорияси умумийликларининг синкретик намояндаси сифатида баҳолаш мумкин.

Тилшунослар ўзбек тилидаги ҳаракат тарзи шакллари тадқиқ қилар экан, тилимизда кўмакчи феъллардан иборат шакл йўқлигини, балки у

“равишдош шакли+кўмакчи феъл” моделидан чиққан муракаб шакл бўлиб, анъанавий атама (кўмакчи феълли сўз қўшилмаси) ушбу мураккабликнинг бир қисмини атаётганлигини, шу боисдан янги атама айнан шу мураккаб моҳиятнинг ифодаловчиси сифатида қулайлигини таъкидлашган эди [103, 122]. Шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, ўзбек тилида аксарият аналитик ва кўплаб синтетик шаклларни мураккаб шакллар сифатида олиб, уларнинг семантикасини ана шу мураккаблик нуқтаи назаридан баҳоламоқ лозим бўлади. Кўмакчилар лексемаларни шакллантирганда шакллантирилаётган сўзнинг маълум бир келишик шаклида бўлишини тақозо қилади. Шу боисдан бош келишикдаги отлар билан қўлланувчи кўмакчилар, жўналиш келишигидаги отлар билан қўлланувчи кўмакчилар, чиқиш келишигидаги отлар билан қўлланувчи кўмакчилар фарқланади. Демак, кўмакчилар ҳам от таркибида келишиклар билан яхтлитланган мураккаб шакллар бўлиб, уларнинг семантик қиймати ана шу шаклий мураккабликдан келтириб чиқарилиши керак. Бу эса анъанавий синтетик ва аналитик грамматик шаклларни шаклий-маъновий тузилиш нуқтаи назаридан узвий таҳлил қилишни кун тартибига қўяди.

Ўзбек тилида кўмакчи қайси келишикдаги сўз билан қўлланиши жиҳатидан муайян барқарор қолипни шакллантирган. Таҳлиллар натижасига кўра, бу қолиплар ва уларни тўлдирувчи кўмакчилар сирасини қуйидагича бериш мумкин:

[Исм^{бош/қараткич} келишиги+кўмакчи] модели:

билан, учун, каби, сингари, янглиз, сайин, сари, сабабли, орқали, туфайли, чоғли, оша, бўйлаб, узра, ичра, бўйи, чамаси, ҳақда//тўғрида, ҳақида//тўғрисида, ҳолда//йўсинда: 1. Барча ёмонлик ўшанинг **боши билан** бирга кетгандек, қипчоқ оғайнилар ила тотувлашдик, қипчоқнинг эски адоватлари битди (А.Қодирий, Ўтган кунлар). 2. Боёнларимизнинг бари хушёр. **Ақли бўлгани учун** бой бўлган-да. (Ойбек, Танланган асарлар). 3. Дунёдаги барча нарсалар

унутилгани каби, ўша гўдаклик хотираси ҳам бора-бора тонгги тумандай тарқалди-кетди. (Ж.Абдуллахонов, Орият). 4.*Ҳидоят қори, сўққабош бўлгани сабабли онасини ишга чиқарарди* (Мирмуҳсин, Михлар ва пўпанаклар). 5.*Севаргул паришон ҳолда газўчоқнинг оловини пасайтириб, қозоннинг қопқогини ёпиб қўйди* (“Ёшлик”) ва б.

[Исм^{бош/жўналиш келишиги}+кўмакчи] модели:

томон, қадар, кўра, қариши, қараб, қараганда, қарамасдан/қарамай, яраша, доир, асосан, биноан, мувофиқ, қарата: 1. *Қушлар галаси безовталаниб, дарё томонга тез учиб ўтди* (Назармат, Жўрлар баланд сайрайди). 2. *Бу ҳол тушга қадар давом этди* (К.Яшин, Ҳамза). 3. *Дадил ташлаётган қадамларига қараганда, унда иккиланишдан асар ҳам йўқ* (Газетадан). 4. *Мен даранглаган номимга яраша иш кўрсатганим йўқ ҳали* (Ойбек, Олтин водийдан шабадалар). 5. *Ниҳоят, дўппайган икки гўр устида Олимжон ака кўчани тўлдирган халққа қарата ваъз айтди* (Ш. Холмирзаев, Қил кўприк).

[Исм^{чикиш келишиги}+кўмакчи] модели:

сўнг, кейин, бошқа, бўлак, таиқари, ўзга, бери, буён, нари/нарига, бурун, илгари, олдин, аввал, бошлаб, тортиб: 1. *Бувнисахола, Салтанат Маҳкам акаларникига кириб кетгандан сўнг гапнинг мағзини чақди* (Р.Файзий, Сен етим эмассан). 2. *Икки кундан бери гоҳ севалаб, гоҳ шиддат билан ёғаятган ёмғир хамма ёқни ивитиб юборди* (А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари). 3. *Унинг бурушқоқ маҳсисидан бошлаб оддий салласига қадар дарвешона эди* (Ойбек, Навоий). 4. *Шафриндан илгари ёшигина бир йигит кирди* (А.Қаҳҳор, Сароб). 5. *Девордан тортиб дов-дарахтгача, ...ошхонадан тортиб донхонагача, рўзгор буюмларигача — бари одам тафтидан тирик* (Р. Файзий, Ҳазрати инсон).

Исмларнинг қарийб барчаси кўмакчи билан қўлланганда келишикларнинг бош келишик билан вариациялануви кузатилади. Бош келишикнинг айрим манбада келишиксиз, баъзиларида белгисиз келишик деб

юритилиши ва баҳоланиши учраб туради. Бу туркий тиллардаги ноль шакл моҳиятининг мураккаблиги ҳам ўзбек тилидаги кўмакчи ва келишик муносабатининг ўзига хос типологик моҳияти билан белгиланади. Типологик моҳиятни синтактик ўзига хосликлар билан воқеланадиган семантик хусусиятлар белгилайди.

Боб бўйича хулосалар

Тилнинг турли сатҳларига тегишли бўлган бирликлар шаклан турли кўринишда бўлса-да, вазифавий жиҳатдан умумийлик касб этади. Ана шундай бирликлар доирасида қаралувчи инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларини ўзаро муқояса қилиш асосида таҳлил кўламига тортиш уларнинг умумий лисоний мақомини, тил тараққиётида тутган ўрни, функционал хусусиятларини аниқлаш, тиллар ўртасидаги боғлиқликлар ва муносабатларни таҳлил қилиш имконини беради.

Предлогнинг флектив тиллар тизимидаги муҳим грамматик мавқеи у иштирок этган қурилмадаги энг типик компонент от билан ҳосил қилиниб, предлог отни бошқа структура билан боғлаш вазифасини бажаришида кўринади. Инглиз тилидаги кўплаб предлоглар агглютинатив тиллардаги келишик кўшимчалари бажарадиган вазифада келади. Инглиз тилидаги предлог от маъноларини фарқловчи вазифани бажарадиган келишик кўшимчалари йўқолиши билан улар ўрнида қўлланила бошлайди. Бунда у предметнинг кимгадир тегишлилигини (кам ҳолларда эгаликни), воситалиликни, партативликни, иш-ҳаракатнинг йўналиши ва ҳақозо муносабатларни ифодалай бошлайди. Шунингдек, улар семантикасидаги грамматик маъно тобеловчи характерга эга. Инглиз тилида *on, under, in front of, at, in, above, over, between, near, behind, beyond, round, by, after, beneath* предлоглари бевосита жой маъноси билан, *from, to, out of, into, down, along, across, up, against, through, off, towards* предлоглари йўналиш маъноси билан боғлиқ бўлса, *at, in, on, for, by, to, till, about, within, before* кабилар эса замон,

вақт маъносини ифодалашда қўлланилади. Ана шу жиҳатлар инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари орасида функционал ўхшашлик мавжудлигидан далолат беради.

Тарихан мустақил лексик маънога эга бўлган сўзлардан ажралиб чиққан кўмакчиларнинг функционал-семантик табиати уларнинг от ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби муносабатларни билдиришида, гап бўлақларининг бир-бирига бўлган муносабатларини ифодалашни, мустақил гап бўлаги бўла олмаслиги ҳамда уларнинг баъзилари айрим келишиклар билан биргаликда ёки уларсиз, ёхуд келишик вазифасида келишида реаллашади.

Кўмакчиларнинг функционал имкониятлари уларнинг мустақил сўзлар орасидаги тобе муносабатни ифодалашни келишик маъноларини аниқлаш, тўлдириш вазифаси билан уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириши ҳамда келишик билан дистрибутив муносабатда бўлиб, уларни алмаштириш вазифасини ҳам бажаришида, шунингдек, лексема моҳиятига қисман эгаллиги ва бу жиҳати билан келишиклардан фарқланиши маънони аниқ, тўлиқроқ ифодалашда кўринади. Кўмакчиларнинг келишикларга нисбатан устунлик мавқеи адресантнинг коммуникатив мақсади самарали амалга ошишини таъминлайди. Кўмакчиларнинг синтактик жиҳатдан тобелаш; семантик жиҳатдан: мустақил сўз асосига эгаллик; келишик маъносига уйғунлик; мураккаб морфологик қолипда юзага чиқиш; маънони кучайтириш; сўзловчи интенциясини нисбий максимал таъминлаш хусусиятлари умумий тарзда унинг лингвистик моҳиятини ташкил қилади.

Предлогларнинг ўзига хос хусусиятлари синтактик сатҳда, яъни синтактик қурилма таркибида алоҳида сўз сифатида аниқ ажралиб туриши ва бирикманинг маркази ҳамда тобеланувчи компонентлари ўртасида тобе алоқани гап бўлақлари даражасида эмас, балки тобелаш даражасида

ифодалашида намоён бўлади. Унинг сўз олдидан қўлланиши эса предметга муносабатни ифодалайди.

Кўмакчиларнинг моҳиятини ёритишда зиддият тушунчаси муҳим ўрин тутади. Зеро, синтактик қурилма таркибий қисмлари орасидаги синтактик муносабатни ифодалаш белгиси асосида приватив зиддият мавжуд бўлиб, унинг воқеланишида кўмакчи ва боғловчилар белгили, кучли аъзолар сифатида иштирок этадилар. Бунда кўмакчиларнинг “оралиқ учинчи”лик мақомига эга эканлиги ойдинлашади ва у белгиловчи аҳамият касб этади. Зеро, кўмакчилар ташқи кўринишдан лексемалар сифатида яхлит шаклланганлик хусусиятига эга. Аммо, уларнинг лексик маънога эга эмаслиги мустақил ҳолда гап бўлаги вазифасида келиш – мустақил синтактик вазифа бажариш имконига эга бўлишга йўл қўймайди. Улар фақат тобеловчилик мақомига эга бўлиш билан чегараланади.

Предлог ўзининг семантик ҳажми ва унга мувофиқ равишда барқарор валентлик хусусиятлари ва нутқий синтактик алоқаларига эга. Барча предлогларнинг сўз туркуми сифатидаги умумий маъноси уларнинг релятивлик маъноси, яъни реал борлиқдаги предметлар ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни ифодалашдаги маъносидан иборат. Уларнинг умумий грамматик маъноси (ёки категориал маъноси) предлогли бирикма компонентлари билан боғлиқ эмас.

Предлогларни контекстда воқеланиши асосида семантик структуралаш имконияти туғилади. Грамматик вазифа билан боғлиқ бўлган грамматик маъносини ва бу гуруҳга мансуб бўлган барча ёрдамчи сўзлар маъносини, ҳар бир сўзга хос бўлган соф лексик маъно ва уларнинг бошқа ёрдамчи сўзлардан фарқланувчи жиҳатларини чегаралашга ҳам имконият яратади

Кўмакчилар ҳам от таркибида келишиклар билан яхтлиланган мураккаб шакллар бўлиб, уларнинг семантик қиймати ана шаклий мураккабликдан келтириб чиқарилиши керак. Бу эса анъанавий синтетик ва аналитик

грамматик шаклларни шаклий-маъновий тузилиш нуқтаи назаридан узвий таҳлил қилишни кун тартибига қўяди. Ўзбек тилидаги кўмакчилар қайси келишиқдаги сўз билан қўлланилиши жиҳатидан муайян барқарор қолипларни шакллантирган.

Барча предлогларнинг объектив воқелиқдаги предметлар ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни ифодалашдаги маъноси яхлит ҳолда уларнинг умумий маъносини ташкил қилади. Предлогларнинг нутқ воқеланишида англашиладиган макон, замон, сабаб, объект, атрибутив ва ҳоказо маънолари уларнинг грамматик, структур маънолари моҳиятини ташкил қилади ва улар предлогли бирикма компонентларининг маънолари билан ўзаро боғлиқ ҳолда функционал имкониятларини намоён қилади.

II БОБ

ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИЛАР СЕМАНТИКАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Предлог ва кўмакчининг категориал маъноси ҳақида

Грамматик воситаларнинг категориал маъноси ўта мураккаб бўлиб, бу борлиқ ҳодисаларининг таркибан мураккаблиги, ҳар бир ҳодисада ўзига хос ва ўзга унсурларнинг диалектик яхлитликдалиги, уларнинг “яшаш” шarti ана шу яхлитликда эканлиги билан белгиланади. Тадқиқотчи олдида ўзига хос ва ўзга ҳодисаларни идрокий йўл билан аниқлаш, улар орасидан барқарор субстанциал жиҳатларни ажратиш талқин қилиш вазифаси туради.

Тилшуносликнинг тараққиёти ва унга аниқ ҳамда табиий фанларнинг таъсири билиш босқичлари ҳамда ўрганиш объектининг бу босқичда ҳар бирига мос қирраларини онгли идрок этишга олиб келди. Тилшуносликда ўрганиш объектининг барқарор ва беқарор, доимий ва ўтқинчи, яъни лисоний ва нутқий жиҳатларини ажратиш, нутқий ҳодисалар замиридаги моҳиятларни очиш тилни алгоритмлаш учун қимматли материал берди. Тил бирликларининг барқарор лисоний жиҳатини диалектик умумийлик, моҳият, имконият ва сабаб, муваққат нутқий жиҳатини алоҳидалик, ҳодиса, воқелик ва оқибат сифатида олинишининг анъанавийлашуви тилшуносликни янги сифат босқичига кўтарди ва моҳиятан ундаги эмпирик ҳамда назарий кўринишларини фарқлади. Туркий тиллар морфологиясини диалектик тамойиллар асосида ўрганиб, лисон ва нутқни изчил методология асосида фарқлаш йўналишига асос солган С.Н. Иванов умумийлик ва хусусийлик диалектикасини тилшуносликка татбиқан қуйидагича талқин қилади: “Диалектик материализм ва диалектик мантиқ умумийликнинг муайян предмет ва ҳодисаларга зид турувчи қандайдир мавҳумлик сифатида талқин қилишни инкор этади. Буни инсон тушунчасининг таҳлили асосида кузатамиз” [39,201]. С.Н. Иванов асос солган ўзбек субстанциал

тилшунослиги тил ҳодисаларида моҳият ва умумийлик ҳодисаларини фарқлаш борасида жиддий ишларни амалга оширди. “Замонавий ўзбек тилшунослигида фалсафий умумийлик ва моҳият категорияларининг тил ҳодисаларига татбиқи ўзбек назарий тилшунослиги бўйича яратилган тадқиқотларда изчил давом эттирилди. Олимлар ишларида, асосан, лисоний бирликларга хос умумийликлар (умумий грамматик маъно (УГМ), умумий синтактик қолип (УСК), умумий луғавий маъно (УЛМ)ни тиклаш мақсад қилиб қўйилади ва бунда ҳам тил ҳодисаларининг моҳияти деганда уларнинг лисоний умумийлиги назарда тутилади” [65, 122]. Шу асосда грамматик шаклнинг лисоний моҳияти умумий грамматик маъно, унинг нутқий воқеланиши хусусий грамматик маъно сифатида талқин қилиниши урф бўлди. “Грамматик шаклнинг парадигматик маъносига муносабат нуқтаи назаридан грамматик категория маъноси умумийлик сифатида намоён бўлади. Грамматик категориянинг парадигматик маъноси у билан ёндош бошқа грамматик категориялар билан муносабатидан келиб чиқади. Грамматик шаклнинг (категориянинг) моҳияти нафақат бевосита, балки билвосита алоқаларда ҳам юзага чиқади” [68, 23-26] деган тезисларда умумий грамматик маънонинг моҳияти теран ифодаланади. Нутқий грамматик маъно эса “кузатишларимиз учун аён, шунга кўра, у аниқроғдек. Бироқ диалектика мавҳум ва аниқ тушунчаларни одатдагидан бошқачароқ талқин қилади. Диалектика учун алоқалардан узилган нарса ҳақидаги тасаввурдан кўра мавҳумроқ нарса йўқ. Чунки бу тасаввур нарса ҳақида объектив билим бера олмайди. Аниқлик эса нарса ҳақидаги тахминий, ҳиссий чекланган тасаввур эмас, аксинча, унинг барча зоҳирликларини ўз ичига олувчи ва бу зоҳирликларни бирлаштириб турувчи системадир. Шу туфайли илк қарашда ниҳоятда мавҳум ва узоқ туюлувчи моҳиятни текшириш чуқурлаша борган сари тобора аниқ ва равшан бўлиб боради” [101,10].

Назарий ёндашувда лисоний бирликларнинг моҳияти фаҳмий босқичда ашёвий ва идрокий босқичда рационал асосда тикланади. Тилшунос Ш. Шаҳобиддинова ҳам тил ҳодисалари умумий маъносини тиклашнинг икки босқичда амалга ошишини таъкидлайди: “Биринчи босқичда хусусийликлар кузатилиши лозим. Лекин хусусийликларни кузатишнинг ўзигина бизга умумийлик моҳиятини очиб бера олмайди. Диалектик хусусийликлар кузатилгач, уларни бутунлик сифатида қараш талаб қилинади. Хусусийликни бутунлик сифатида қараш эса умумийлик моҳияти асосидагина амалга оширилиши мумкин. Умумийликнинг моҳияти маълум бир умумийликнинг ўзига ўхшаш ва фарқли умумийликлар билан муносабатидагина очилиши мумкин” [101, 12-13].

Демак, аён бўладикки, тизимли таҳлилда грамматик шакллар моҳияти биринчи босқичда уларнинг ўзаро оппозицияларида қаралса, иккинчи босқичда алоҳида шакл маъносининг тизим умумий маъносига муносабатидан тикланади. Грамматик талқинларда предлог ёки кўмакчининг умумий грамматик маъноси “тобе исм (субстантив) ни ҳоким исмга синтактик алоқага киритиш ҳамда турли (субъект, объект, макон, замон, восита) грамматик маъноларни ифодалаш” шаклида бўлса, келишик категорияси ҳам шунга монанд равишда тикланади. Улар орасидаги фарқ маънонинг сифати ва кўлами ҳамда бирликларнинг ажралганлик/ажралмаганлик (ёрдамчи сўзлар ажралган, лексема шаклида, келишиклар ажралмаган, морфема шаклида) шаклида бўлади.

Категориал маъно лисоний табиатга эга бўлиб, у грамматик воситалар, хусусан, ёрдамчи сўзларда барқарорлиги, такрорланувчанлиги, ижтимоийлиги, нутққа бефарқлиги билан характерланади. Предлог ва кўмакчилардаги “тобелаш” маъно унсури шундай барқарорликка эга бўлиб, у барча муайян сўз бирикмаларида намоён бўлади ва бу намоён бўлиш ҳар конкрет қўлланишда ўзига хосликларига ҳам эга бўлади. Масалан, *of* ёки *-ga*

қарашли воситаларида тобелаш вазифаси ва умумий “тегишлилик” маънолари барқарор моҳиятга эга бўлиб, ҳар бир нутқий сўз бирикмасида намоён бўлади. Бироқ *менга қарашли китоб* бирикмасида бу синтактик вазифа “олмошни отга тобелаш” шаклида воқеланса, грамматик маъно “нарсанинг шахсга тегишлилиги” кўринишида юзага чиқади. Кўринадики, бу хусусийлик бирикувчи сўзларнинг қайси сўз туркумига боғлиқлиги асосида тикланмоқда. Шунингдек, туркумий маънонинг ҳар сўз лексик маъносигача хусусийлашуви маънони янада торайтиради ва яққоллаштиради – бевосита ҳис қилинадиган шаклга олиб келади. *Укамга қарашли китоб* бирикмасида “мендан кичик ва бир авлодга мансуб эркак жинсли шахс”га тегишли “ўқиш учун мўлжалланган босма ҳолдаги даврий бўлмаган, муқоваланган, варақлардан иборат ўқув воситаси” тавсифида юқоридаги нисбий умумийлик нисбий хусусий маънога айланган. Хусусий маънонинг нисбийлиги шундаки, ушбу тавсифда гап айнан қайси конкрет китоб ва қайси муайян шахс ҳақида кетаётганлиги аниқ эмас.

Айтилганлардан маълум бўладики, ушбу нисбий хусусий маъноларнинг ўзига хослиги бирикувчи сўзларнинг луғавий маъноларига боғлиқ равишда ўзгариб, модификацияланиб, яққоллашиб боради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг замиридаги “исмни исмга тобелаш” маъноси ўзгармасдан қолаверади. Бу маъно категориал лисоний маъно сифатида баҳоланади.

Грамматик воситаларда категориал маъно хусусийлашуви ўзига хос тарзда амалга ошади. Агар категориал маънонинг соф синтактик хусусияти хусусийлашуви кучайса, семантик жиҳатининг хусусийлашуви ҳам ошиб боради. Масалан, *учун* кўмакчили қурилма иштирок этаётган бирикма таркибидаги сўзларнинг табиати тубдан фарқланиши категориал маъно таркибидаги семантик модификацияни ҳам кучайтириб юборади. Категориал маъно таркибидаги маънолар орасидаги фарқларнинг даражаси кўмакчи ёки

предлог бириктираётган сўзларнинг маъновий фарқланишини ҳам белгилаб беради.

Демак, предлог ва кўмакчиларда категориал маънонинг таркиби, синтактик грамматик воситалар каби икки қатламдан иборат бўлиб, уларни синтактик ва семантик жиҳатлар сифатида белгилаш мумкин. Улар семантик жиҳати билан мустақил сўзлардан озикланса ва уларга яқинлашса, семантик жиҳатдан келишиклар билан бир парадигматик қаторга кира олади.

Категориал маъно таркиби мураккаб экан, унда диалектик жиҳатдан боғланган асосий ва ёндош жиҳатларни ажратиш имкони мавжуд. Категориал маъно муайян предлог ёки кўмакчида хусусийлашган умуман предлог ёки кўмакчининг субстанциал моҳиятидир, у бошқа маънолар қанчалик устворлашиши ёки заифлашишига қарамасдан барқарор моҳиятини йўқотмайди. Масалан, *билан* кўмакчиси кўмакчи категориясининг “тобелаш” ва “биргалик, восита” категориал маъноларини ўзи ўзига хос тарзда жузъийлаштирилади: *Шоҳлар билан суҳбатдаман адл ҳақида* жумласида “ҳузурида” маъноси ҳам мавжуд бўлиб, *Қалам билан ёздим* гапида “биргалик” маъноси асосидаги “восита” маъноси ифодаланган. Ҳар икки ҳолатда ҳам “биргалик”, “ҳамкорлик” категориал маънолари “мўралаб турганлиги” сир эмас. Бу ҳодисани кўплик сон шакли умумий ва хусусий маънолари мисолида ёритган тилшунос Ш. Шаҳобиддинова шундай *Тилларимга кўчолмайди бўғзимдаги овозим* мисолидаги *тилларимга* сўз шакли асосида қуйидагича тавсифлайди: “Бу ҳодиса, одатда, [-лар] шаклининг маъно кучайтирув ҳолати сифатида изоҳланади. Бундай маънонинг юзага чиқишига [-лар]нинг қандай хусусияти сабаб бўлади? Маълумки, кўп нарса ҳамиша кўп ёки якка нарсага нисбатан кучлироқ, аҳамиятлироқ туюлади. Шу сабабли кучли эътибор ва таъкид зарур бўлган ҳолатларда нарсанинг миқдорини кўп қилиб кўрсатишга интилиш кузатилади. Аслида битта бўлган миқдоран кўп сифатида тасаввур қилинади.

Юқоридаги мисолда ҳам шундай ҳолат кўринади. Яъни тил битта. Бирок маъно кучайтириш мақсадида у кўпдай тасаввур қилинмоқда” [71,104-164]. Демак, муайян қўлланишда категориал маъно қанчалик жузъийлашган ва нутқий ҳодисалар гирдобига тушиб, ўзгариб кетгандек туюлса ҳам, унда лисоний мағиз, квант сақланиб қолади. Бу – категориал маънодир. Шу асосда хулоса қилиш мумкинки, предлог ёки кўмакчининг категориал маъноси ҳар қандай ўткинчи ҳолатларга бефарқ бўлган, модификация қанчалик кучли бўлишига қарамасдан, у ёки бу даражада сақланиб қоладиган грамматик маъно таркибидаги ўзгармас, барқарор жиҳатлардир.

Таъкидлаш керакки, предлог ва кўмакчи умумий лисоний маъноси таркибида категориал маънонинг мавжудлигини белгилайдиган, у билан ҳар доим диалектик ёнма-ён ҳолатда бўлган маънолар ҳам мавжудки, бу маъноларнинг диалектик боғлиқлик хусусияти уларни ёндош маъно сифатида қарашга олиб келади.

“Грамматик шаклларда категориал маъно билан биргаликда қатор йўлдош маънолар ҳам мавжуд бўладикки, бу улар моҳиятининг камида икки қатор зиддиятларда очилишини кўрсатади” [69,191]. Масалан, “сон категорияси УГМ (умумий грамматик маъно)си аталмишининг миқдорий ва сифатий тавсифларини беришдан иборат. Бу умумий категориал маъно [0] шаклда миқдорий аниқлик – ноаниқлик, сифатий бўлинмасликни, [-лар] шаклида “миқдорий ноаниқ кўплик ва сифатий бўлинувчан ҳамда бўлинмасликни ифодалаш” каби ихтисослашган кўринишларга эга” [100,152]. Категориянинг миқдор ифодалашини унинг категориал маъноси бўлиб, бу унинг моҳиятини белгилайди. Бирок сифат ифодаловчи жиҳати ёндош маъно сифатида зикр этилган категориал маънонинг репрезентатори вазифасини ўтайди. Худди шундай ҳолатни кўмакчи ва предлогларда ҳам кузатиш мумкин. Уларда синтактик жиҳат категориал моҳият сифатида семантик репрезентаторга эҳтиёж сезади. Кўмакчи ва предлогларнинг қатор

семантик хусусиятлари ана шундай репрезентаторлик хусусиятига эга ёндош маънолардир. Бошқача айтганда, семантик қўлланиш синтактик қўлланишни эмас, балки синтактик қўлланиш семантик ранг-барангликлар асосида намоён бўлади.

2.1.1. Предлогнинг категориал маъноси

Лисоний семантика муаммолари – ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири. “Семиологик тадқиқ қилинувчи лисоний объект белгили характерлидир. Белгилар ихтиёрий табиатли, уларнинг қўлланиши конвенционал хусусиятга эга. Белгилар тизимни ташкил қилади, уларнинг муайян маънога эга эканлиги оппозициялар (қиёслашлар) орқали аниқланади. Ҳар бир семиологик белги парадигматик ва синтагматик марказда муайян ўрин эгаллайди. Доимий ўзгаришга учраб турадиган семиологик тизимлар ўзининг характерли белгилари (бирликларининг белгилилиги) ва ижтимоий ўзгарувчанлиги билан фарқланади” [25,9].

Предлог – тилда муҳим грамматик муносабатларни ифодаловчи сўз бўлиб, у соф лексик маъноли сўзга қараганда тарихийлиги билан характерланади. Предлогда лексик маъно мавжуд бўлганлигини инглиз тили грамматикасининг назарий курси муаллифлари ҳам инкор қилишмайди, аммо у грамматик маънога силжиганлигини қистириб ўтишади [36,194-195]. Предлогни инглиз тили мисолида тадқиқ қилган Б.А. Ильиш таъкидлашича, улар грамматикалашган хусусий лексик маънонинг мавжудлиги билан характерланади [43, 155-156]. Дарҳақиқат, *look at smth-бирор нарсага қарамоқ*, *look after smth-бирор нарсага қарамоқ (замхўрлик)*, *look into smth – бирор нарсани ўрганмоқ*, *look through smth – бирор нарсага назар солмоқ*; *look to smth – кузатмоқ* типдаги бирикмаларда фақат предлог ўзгарган, аммо бундай ўзгариш натижасида бутун иборанинг маъноси ҳам модификацияланган.

Барча предлогнинг сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик маъноси релятивликни, яъни предмет ва ҳодисалар орасидаги муносабатни ифодалашидир. Предлогнинг бундай умумий грамматик ёки категориал маънолари, предлогли сўз бирикмасининг компонентлари маъносига боғлиқ эмас. Лекин предлогнинг бу умумий маъносидан ташқари яна хусусий грамматик маънолари ҳам мавжуд, айти пайтда улар гап тузилишида муайян birlik билан ўзаро муносабатда бўлиб, улар орасидаги синтактик муносабатдан хабар берувчи восита вазифасини бажаради. Предлогнинг макон, замон, сабаб, объект, атрибутив ва ҳ. маънолари унинг хусусий грамматик маънолари моҳиятини белгилайди ҳамда предлогли сўз бирикмаси компонентлари маънолари билан ўзаро муносабатда бўлади.

Инглиз тили предлоги гапдаги мустақил маъноли сўзлар орасидаги маълум муносабатни ифодалаб қолмасдан, ўз маъноси билан бу муносабатнинг мазмун ва характерини очиб беради, аниқлайди. Бу предлогнинг роли фақатгина сўзнинг грамматик жиҳатдан бошқасига тобелигини ифодалаш билангина чекланмаслигидан далолат беради.

Предлогнинг сўз бирикмасидаги (у орқали кўпинча бутун қурилмадаги) мустақил сўзлар орасидаги муносабатларни аниқлаштириш ва бойитишдаги семантик аҳамияти ниҳоятда муҳим.

Предлогнинг мазмун ва характери хилма-хил. Дарҳақиқат *the roof of the house, a novel by O. Wilde, a telegram from my friend, a picture in crayons, the people in question* каби бирикмаларда предлог аниқланмиш ва аниқловчи ўртасидаги муносабатни кўрсатиб келади; *He came in good time; She worked with diligence; They marched past the gate* гапларида эса, кесимга ҳолнинг тобелиниши рўй беради. Ниҳоят, *they sent for the doctor; don't be angry with me; I'll look into the matter; shall you insist upon this?; all arrived at different conclusions* қурилмаларида эса предлогли тўлдирувчилар кўзга ташланади. Айти пайтда предлогнинг ўзи бошқача характердаги муносабатни ҳам

ифодалайди: *the roof of the house* ёки *a novel by O. Wilde* қурилмасида биринчи предметнинг иккинчисига тегишли эканлиги, *they sent for the doctor* иборасида мақсад муносабати, *they marched past the gate* иборасида эса макон муносабатлари ифодаланмоқда. Шундай қилиб, *we shall return at 7 p. m.* гапида предлог орқали пайт муносабати, *he is secretary to a Minister* жумласида субординация; *show it to them* жумласида гапирувчи шахснинг адресатга муносабати ҳол, аниқловчи ва тўлдирувчи вазифасида намоён бўлади.

Тилшунослар орасида турли баҳсга сабаб бўлиб келаётган инглиз предлоги тараққиёти жараёнида касб этган макон, замон ва бошқа маъноларни ифодалайдиган вазифадошларининг мустақил сўз вазифасида хусусий лексик маънога эгаллиги шубҳа уйғотмайди.

Предлог от, равиш, сифатдош ва бутун бир сўз бирикмасидан вужудга келиб, битта сўзга айланган, уларнинг маъноси асосий сўздан унчалик узоклашиб кетмаганлиги табиий. Бу тадрижий жараёнда улар дастлаб ўрин ва ҳаракат маъносини ифодалай бошлаган, кейинчалик уларга замон маъноси қўшилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Максимал турғунликка эга бўлган ва асрлар давомида тилда сақланиб келаётган ўрин ва замон маънолари борлиқдаги турли-туман муносабатни ифодаловчи ва ўта мавҳум бўлган бошқа лексик маъноларнинг вужудга келишига асос бўлган ва бу ҳамон давом этмоқда.

Инглиз тилидаги предлог нафақат мустақил сўзлар орасидаги муайян муносабатни ифодалайди, балки ўз маънолари орқали бундай муносабатнинг мазмунини очади, характерини аниқлаштиради. Бу предлогнинг роли қайси сўз грамматик жиҳатдан бошқасига тобеланганлигини ифодаловчи синтактик вазифаси билан чегараланмайди.

Предлогнинг алоҳида сўз бирикмасига (у орқали кўпинча бутун жумлага) ўз маъносини ўтказиши, бу орқали мустақил сўзлар орасидаги

муносабатларни аниқлаштиришдаги, бойитишдаги семантик роли ниҳоятда катта. Айрим далилларни чуқурроқ таҳлил қиламиз:

Турли инглизча-ўзбекча луғатларда *of* предлогининг қуйидаги маънолари келтирилган:

1) “тегишлилик” (қаратқич келишиги маъносига мос келади):

а) “предметнинг эгаси”:

house of my parents — ота-онамнинг уйи;

a dog of John's — Жоннинг ити;

pages of a book — китоб саҳифалари;

б) “предметнинг тегишлилиги”:

the owner of a car — автомобил эгаси.

2) “иш -ҳаракат бажарувчиси”:

а) отдан кейин:

deeds of our heroes — қаҳрамонларимиз жасорати;

plays of Shakespeare — Шекспир пьесалари;

б) “биргалик” маъноси: *Everything seems to be done of those who govern Spain to keep travelers out of that country.* – Испанияни бошқараётган кишилар томонидан саёҳатчиларнинг бу мамлакатга кирмаслиги учун барча ишлар қилинган кўринади.

Предлог сифатнинг от билан бирикуви орқали ёки фақат сифат билан характерланадиган сўзловчини (иш-ҳаракатнинг бажарувчисини) кўрсатиб келади; бу ўринда сўзловчи инфинитив предикат билан ифодаланган эргаш гап ёки кам ҳолларда *that* боғловчиси билан бошланадиган эргаш гапнинг мантиқий субъекти вазифасини бажаради:

it was a cruel act of him to ... бу у томонидан йўл қўйилган шафқатсизлик эди;

it was a cunning trick of him to ... — бу унинг маккорона хийласи;

it was kind of you — сиз жуда илтифотли эдингиз;

It is clever (stupid, silly, unkind, wrong, wise, foolish, etc.), of him to go there.
— У ёққа бориб жуда ақлли (бемаъни, нотўғри, беилтифот ва ҳ) иш қилаяпти.

It was careless of you to leave the door unlocked. — Сиз эшикни очик қолдириб, жуда калтабинлик қилдингиз;

-бутуннинг ёки унинг бир қисмини кўрсатиб, қаратқич келишиги маънолари ёки партативликни ифодалайди:

most of the army — армиянинг катта қисми;

some of us — баъзи бирларимиз;

member of committee — кўмита аъзоси

5) бирор нарса сақланадиган идиш ичидаги нарсаларни кўрсатади:

cup of water — бир пиёла сув;

glass of vodka — бир қадаҳ ароқ;

б) таркибни, тузилишни кўрсатади:

pack of wolves — бўрилар тўдаси;

herd of horses — отлар уюри;

family of a dozen persons — 12 кишилик оила;

Class, order, genus, species, kind, sort, manner ва ҳ. типдаги сўзлардан кейини отларнинг синфи, тури ва хилларини кўрсатиб келади:

It was a sort of travelling school. — Бу туризм мактабига ўхшаш нимадир эди;

Of the eagle, there are but few species — Бургутнинг фақат бир неча тури мавжуд.

“Ажратиш”:

holy of holies — авлиёлар авлиёси;

9) Предметнинг асос, материалга муносабати:

a dress of silk — ипак кўйлак;

throne of gold — олтиндан ясалган тож.

Кўринадикки, предлогнинг муайян қурилмалар таркибидаги маъновий кўлами турли-туман бўлиб, бирикувчи сўзларнинг луғавий маъносига боғлиқ равишда уларнинг сони ва миқдори чексиз ортиб боради. Ифодаланадиган маънолар қанчалик кўп бўлмасин, предлогга хос синтактик вазифа – тобелаш ўзгармасдан қолаверади. Бу вазифа баъзан гап бўлаклари сифатидаги мустақил сўзлардан тортиб, ажралмаси синтактик бирикмалар таркибий қисмлари орасидаги тобелашга монанд вазифаларгача бориши мумкин. Демак, предлогнинг категориал маъноси “тилда мустақил сўзлар орасидаги тобеликни ифодалаш” бўлиб, у ҳар доим “борликдаги предмет ва ҳодисалар орасидаги объектив муносабатларни ифодалаш” ёндош маъноси билан диалектик яхлитликда намоён бўлади.

2.1.2. Кўмакчининг категориал маъноси

Ўзбек тилидаги барча кўмакчилар “олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга тегишли маънолар асосида тобелаш” умумий грамматик маъносига эга бўлиб, бу умумийлик ҳар бир кўмакчида ўзига хос тарзда хусусийлашади. Барча тилшуносларнинг яқдил қарашларига кўра, мазкур умумий грамматик маъно таркибида “тобелаш” унсури устувор бўлиб, бу синтактик вазифанинг категориал маъно таркибида етакчи ва ҳал қилувчилик мақомига эгалигидан далолат беради. Юқоридаги тавсифда “тегишли маънолар” унсури анъанавий талқинлардаги “восита, мақсад, сабаб, вақт, макон ва шу каби...” унсурлари ўрнида қўлланди. Бироқ бунда айрим муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Анъанавий таърифдаги “шу каби...” унсури ҳодиса моҳиятини мавҳумлаштиради, чунки, *биринчидан*, саналган маънолар кўмакчиларнинг барча маъноларини умумлаштира олмайди, дейлик, *билан* кўмакчисининг “биргалик”, “ҳамкорлик” маънолари улардан бирортасининг ҳам таркибига кирмайди. *Иккинчидан*, “шу каби” дейилганда чексиз маънолар тушунилиши мумкин. Синтактик мавқенинг категориал маъно моҳияти эканлигини ушбу ҳолатнинг ўзи ҳам кўрсата

олади. Қолаверса, туркий ёдномалардаги сўз туркумларининг системавий талқинини амалга оширган тилшунос Ҳ. Неъматовнинг таъкидлашича, “по признаку выражения синтаксической связи между высказываниями и его частями послелого и союзы являются маркированными, а частицы – нейтральными по отношению к данному признаку. Поэтому послелого и союзы служат только для осуществления синтаксической связи, а частицы относятся, прежде всего, к модально-экспрессивным средствам языка и могут выражать (при нейтрализации модальных значений) связь между частями высказывания” [67,20].

Категориал маънодаги синтактик-семантик яхлитликда таркибий қисмларнинг мақоми кўмакчиларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Тадқиқотчи А. Пардаевнинг уқтиришича, кўмакчиларнинг маъновий жиҳатдан лексик маънодан узоқлашиши синтактик вазифа билан асимметрик боғланишда. Масалан, кўмакчининг категориал маъносида синтактик вазифанинг кучлилиги ундаги грамматик маънонинг асос лексик маънодан қанча узоқлашишига боғлиқ. Кўмакчининг грамматик маъносида луғавий маънонинг излари кўпроқ сақланиб қолган бўлса, синтактик вазифа шунчалик кўзга кам ташланади. Тадқиқотчи шу асосда кўмакчиларни лексик маънодан узоқлашиш даражасига кўра уч турга бўлади:

1) биринчи босқич кўмакчиларда луғавий маъно кўпроқ сақланган ва шунга мувофиқ синтактик вазифа кучсизроқ: *восита, муносабат, муқаддам, муқобил, пайида, оғушида, қўйнида, қучоғида, қўлтиғида, биқинида, соясида, қирғоғида, қирғоғида, лабига, лабида, наздида, жўнига, эвазига, таб, қўлига, қўлида, касрига, касридан, ёнбошига, ёнбошида, ёнбошидан, ўхшаб, оралаб, деганидек, замон, заҳот, пайтда, чоғда, дамда, вақтда, қуни, тузук, яғона;*

2) иккинчи босқич кўмакчиларида семантик ва синтактик қийматлар тенглашади: *аввал, олдин, бурун, илгари, кейин, сўнг, сўнгра, кейинги, сўнги, охирги, ташқари, нари, бадалида, бадалига, тарзида, тариқасида, атрофига,*

атрофида, асосида, юзасидан, бўйлаб, сифатида, қарата, тўғрида, тўғрисида, тўғрисида, тўғрисида, ҳузурига, ҳузурида, ҳузуридан, орасида, орасига, орасидан, орада, оша, ҳолда, йўсинда, томон, томонида, томонида, томонидан, тараф, тариқа, ёқ, тўғрида, тўғрисида, хусусда, хусусида, ҳақда, ҳақида, ҳақида, борада, борасида, борасига, бобда, бобида, мавзуда, бараварига, бараварида, равишида, мақсадида, дастидан, ниятида, деб, йўлида, кўра, қараб, қараганда, қарамай, қарата, қарши, қаршисига, қаршисида, қаршисидан, рўпарасига, рўпарасида, рўпарасидан, қошида, олдида, олдида, олдидан, важдан, баҳона, ёқасида, ёқасига, ёқасидан, ёқалаб, яраша, мос, ўхшаши, мисоли, монанд, ўртасига, ўртасидан, ўртасида, ичига, ичидан, ичида, чегарасида, остига, остида, остидан, тагига, тагида, тагидан, тубига, тубида, тубидан, давомида, ўтиб, тепасига, тепасида, тепасидан, устига, устида, устидан, бошида, юқорида, учида, яқин, яқинига, яқинида, яқинидан, ён, ёнига, ёнида, берида, ёнидан, ёрдамида, кўмагида, воситасида, натижасида, оқибатида, орқасида, орқасидан, бошлаб, чамаси, даражада, асосланиб, сабабли, орқали, бўйи, бўйича, таяниб, қатори, қаторида, ўрнига, ўрнида, суратида, суратида, тортиб, бошқа, бўлак, ортиқ, юзида, юзидан, юзига, ўнгида, ортида, ортига, ортидан, жиҳатидан, йўлида, йўлидан, дастидан, ўрнида, ўрнига, келганда, аралаши, арафасида, буёқ, ерда, кетига, кетида, кетидан, теварагида, ҳамон, ҳисобига, бордию, баъзан..., баъзан..., бир..., бир..., бўлмаса, бўлса, аксинча, бирам, бор-йўғи, бу, лаббай, майли, мана, ана, модомики, мутлақо, заб, ҳали, бале, мабодо, ёлғиз;

в) учинчи босқичдаги кўмакчилар улар ривожининг юқори қирраси бўлиб, бунда луғавий маъно максимал даражада грамматик маънога айланган ва у кўмакчи категориал маъноси таркибида устувор ҳиссаси билан характерланади: *билан, учун, каби, сари, узра, биноан, қадар, мобайнида, бери, мувофиқ, сингари, янглиз, аро, оид, доир, боис, боиси, довур, чоғли, сайин, туфайли, буён, ўзга, ичра, кўйи, тахлит, нисбатан, аснода, асосан,*

мисли, ва, аммо, лекин, бироқ, ёки, ё, то, тоинки, башарти, гарчанд, гоҳ..., гоҳ..., дам..., дам..., хоҳ..., хоҳ..., токи, чунки, чунон, ким, афсуски, балки, ваҳоланки, гўё, на..., на..., яъни, агар, ҳам, ҳамда, зора, айнан, ҳам, ахир, ақалли, нақ, худди, наинки, ҳатто... [72,82-85].

Кўмакчилар категориал маъноси таркибидаги бундай асимметрик боғланишни умумлаштирган ҳолда шундай тасвирлаш мумкин:

кўмакчи сўзлар → нисбий кўмакчилар → кўмакчилар
семантика → синтактика
кўмакчилар → нисбий кўмакчилар → кўмакчи сўзлар
синтактика → семантика

Бундан аён бўладики, кўмакчи сўзлар (кўмакчи вазифасидаги сўзлар)да кўмакчининг категориал маъносидан ёндош маъноси устуворлашган. Бироқ кўмакчи моҳиятининг ўзгарганлиги билан эмас, балки кўмакчига айланаётган, кўмакчи вазифасига хосланаётган сўзнинг лисоний қиймати кўмакчига тизими сари модификацияланаётганлигидан далолат беради [114,247-250].

Баён этилган методологик асос табиатида эга бўлган фикрлармизни муайян кўмакчилар мисолида кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Билан кўмакчиси. Бу кўмакчи [Исм^{бош} /қаратқич келишиги+кўмакчи] модели воситасида юзага чиқиб, унинг категориал маъноси “исмни исмга биргалик/восита грамматик маъноси билан тобелаш”дир. Категориал маъно ядросини бошқа келишикларда бўлгани каби синтактик вазифа ташкил этиб, унинг мавжудлик шарти биргалик/восита грамматик маъносидир.

Билан кўмакчисининг турли маъноларида ушбу ёндош маънонинг модификацияланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. 1. **Ҳеч ким билан ҳеч нимани талашмасди. Эҳтимол, табиатнинг энг шафқатсиз элчиси билан ҳам олишиб ўтиришни хоҳламагандир** (Ў.Ҳошимов). 2. **Абдукарим ишини шогирд болага топшириб, Ҳайдаров билан хужрага қайтди** (С.А.). 3. **У билан**

турли нарсалар ҳақида узоқ суҳбатлашди (Ойбек). *Эртага шаҳарга тушиб, акам билан сўзлашиб, ишни битирамиз, дурустми?* [114,250].

Аслида *биргалик*, *ҳамкорлик* сўзларининг маъно-моҳиятида тенглик муносабати ётади. Бирга ҳаракат қилаётган объект ёки субъектлар тенглиги. Бироқ муносабатга киришаётган сўзларнинг луғавий маъноси “биргалик” ва “ҳамкорлик”ни нотенглик, номутаносиблик кўринишларида ҳам воқелантиради. Масалан, *Эртага шаҳарга тушиб, акам билан сўзлашиб, ишни битирамиз, дурустми?* жумласида *билан* кўмакчиси “акамни ишга солиб” маъносида бўлиб, тенгликдан кўра тобелик интенцияси кучайгандек бўлади. Шу боисдан бирга, биргалашиб, бирлашиб, биргаликда, ҳамкорликда каби мустаҳкамловчи сўзлар иштирок этиши ҳам мумкин: *Мен билан бирга ишлади* каби. Шунга қарамасдан, *билан* кўмакчисининг ушбу маъносида унга хос бошқа маъноларнинг асосини кўрамиз. Бошқача айтганда, ушбу семантик парча кўмакчи семантик моҳиятининг етакчи унсури сифатида намоён бўлади. *Билан* кўмакчиси боғловчи вазифасида келганда, “биргалик” маъноси кучлироқ намоён бўлади: *Икром билан Ўлмас Мансурни етаклаб кириб келишди*. Демак, тобелик категориал маъноси ёндош маънонинг ҳам моҳиятини маълум даражада модификациялайди. Модомики, синтактик алоқа тобелик экан, шунга мувофиқ равишда грамматик структура мантикий структурани ҳам ўзгартиргандай туюлади.

Нутқдаги турли-туман ҳодисалар баъзан тегишли лисоний бирликнинг асл маъноси ёки моҳиятига соя солиб, уни бошқача тушунишга олиб келиши ҳам мумкин. Масалан, *Муқимий хужраси ҳар доим эски ва янги дўстлар билан гавжум, ёзуглик дастурхон йиғилмасди* гапида баъзи манбаларда қайд этилган “тўда”, “жамоа” маъноси бирикувчи сўзларнинг моҳияти билан боғлиқдир ва бу бевосита билан кўмакчисининг категориал табиати эмас. Жумланинг бошқа унсурлари ҳам олиб ташланса, *дўстлар билан гавжум* қурилмасининг ўзидан ҳам “тўда”, “жамоа” маънолари уқилаверади. Бу, назаримизда, *дўстлар* ва *гавжум* сўзларининг моҳиятига боғлиқ. *Дўстим билан хотиржамман*

қурилмасида жамоавийлик йўқ, лекин уни *Дўстларим билан хотиржамман* дейилса, бундай маъно пайдо бўлади. Аслида, билан сўзи генезисидаги бир унсури яхлитликни ифодалайди ва кўмакчининг категориал маъноси ушбу унсур билан характерланади. Энди яхлит ҳодисаларнинг таркибий қисмларга эгаллиги ҳам бор. Таркибий қисмлари бўлмаган ҳодисаларга нисбатан *яхлит* сўзини қўллаш тўғри бўлмаганлиги каби *билан* сўзи семантик таркибидан ҳам турли тоифали маъноларни излаш тўғри эмас.

Билан кўмакчисининг иккинчи оралик маъноси “восита” маъноси бўлиб, у ҳам аслида биринчи – “ҳамкорлик”, “биргалик” маъноларидан ўсиб чиққан. Масалан, восита бўлган шахс ёки предмет билан киши бирга ҳаракат қилади. Мисолларга мурожаат қиламиз: 1. *Маърифат ойим ўрта дераза олдида садаф сопли пичоқ билан олма артиб ер эди* (Ж. Икромий). 2. *Чол офтобда яшнаган лолалардан кўзи қамашиб, сертомир бармоқлари билан қовоғини шиқади* (С. Аҳмад). 3. *У поезддан тушиб, йўлнинг у ёғига машина билан кетди*. Мисолларнинг барчасида “биргалик” маъноси маълум даражада кучсизланган бўлиб, кучсизланиш унинг “восита” маъноси рангига ўтганлигини кўрсатади.

Билан кўмакчисининг бошқа барча маънолари мана шу икки оралик маънодан ўсиб чиққан бўлиб, қайсидир йўсинда ҳар бир маънода уларнинг изларини яққол кўриш ёки ҳис қилиш мумкин. Мисолларга мурожаат қиламиз.

“Ҳаракатнинг тез бошланиши” маъноси асосида “биргалик” маъноси ётади. Бир ҳаракат тугар-тугамас иккинчи ҳаракатнинг бошланиши уларнинг ўзаро узилмаган, яхлит, бирга эканлигига ишорани келтириб чиқаради ва бу ўз-ўзидан лисоний онг остида *билан* кўмакчисини қўллашни келтириб чиқаради: 1. *Машина қимирлаши билан рулда ўтирган Кларк гап бошлади* (Шухрат). 2. *Дераза очилиши билан Йўлчи бошини кўтарди* (Ойбек). Гаплардаги қимирламоқ ва *гап бошламоқ*, *очилмоқ* ва *кўтармоқ* сўзлари ифодалайдиган маънолар денотатлари орасида узилиш қарийб йўқ – ҳаракатлар “биргалиги” мавжуд.

Вақт-пайт маъносининг “биргалик” категориал маъноси билан боғлиқлиги шундаки, макон ва замон, жараён ва вақт материянинг узилмас сифатларидан биридир. Инсон кечаси билан ухламай чиқар экан, демак, у билан “биргаликда” бўлади: *Аъзамжон туни билан шағалда ётгандек аганаб чиқди* (Шухрат).

Ҳаракат объекти маъносида объект ва субъект бирлиги, биргалиги англашилади. *Сўнг Нури ўрнидан туриб, дадаси билан совуққина кўришиди* (Ойбек). *У мен билан хайрлашиди* (А.Мухтор) қурилмаларида *кўришмоқ* ҳаракати Нури ва дадаси орасида биргаликда бажарилганлиги, *хайрлашмоқ* ҳаракатининг ҳам иккиёқламалиги, яъни “биргалик”да амалга оширилганлиги кузатилади. Бироқ ушбу ҳаракатларнинг асосчилари бажарувчи томонлардан бири эканлиги биргалик маъносини маълум даражада сусайтириб, унга “ҳаракат объекти” маъносини бергандек туюлади.

“Ҳолат” маъноси ифодаси “ҳолат билан биргалик” кўринишида берилса, ушбу маънони асос маъно билан аниқроқ боғлагандек бўлади. Зеро, хурсанд кишига нисбатан *хурсандлик билан* (бирга), бахтиёр инсонга нисбатан *бахтиёрлик билан* (бирга) ифодаларини қўллаш мумкин.

Мавжуд манбалардаги тартибда келтирилган мақсад маъноси назаримизда *билан* кўмакчисининг бевосита ўзидан келиб чиқмайди. Масалан, *илмий ишлари билан танишиши учун* бирикмасидаги “мақсад” маъноси *билан* кўмакчисининг эмас, балки *танишиши учун* (танишиш мақсадида) сўз шаклининг маъносидир. Зеро, қурилмани *илмий ишлари билан танишганлиги сабабли* шаклида бериш “мақсад” маъносини “сабаб” маъносига айлантириб қўяди. Демак, билан кўмакчили қурилмасида “биргалик” маъносининг “мақсад” маъносига модификацияланиши мавжуд эмас.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, *билан* кўмакчисининг умумий категориал маъносини “исмни исмга биргалик/восита грамматик маъноси билан тобелаш” кўринишида ифодалаш мумкин.

4-жадвал

<i>Билан</i>	Категориал маъно	Ёндош маъно	Нокатегориал маъно
Тобелаш	+		
Биргалик/восита		+	
Ҳаракатнинг тез бошланиши			+
Вақт (пайт) маъноси			+
Ҳаракат объекти маъноси			+
Ҳолат маъноси			+

Асосий ва серқирра икки кўмакчили шаклнинг таҳлилидан кейин соф кўмакчиларнинг категориал маъно турлари ва миқдорини жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин:

Ўзбек тилидаги асосий кўмакчили шаклларнинг категориал маъновий хусусиятлари

5-жадвал

Кўмакчи	Категориал маъно турлари																Категориал маъно миқдори
	Биргалик	Восита	Замон	Мақон	Тарз/хола	Мақсад	Сабаб	Объект	Қиёс	Йўналиш	Миқдор	Мослик	Қамраш	Таъкид	Асос	Муносаба	
Билан	+	+	+	-	+	0	0	+	-	-	-	-	-	-	-	-	5
Учун						+	+	0	-	-	-	-	-	-	-	0	2
Каби/ янглиғ	0	-	-	-	0	-	-	-	+	-	-	0	0	-	-	-	1
Сайин	-		+		+												2
Сари										+							1
Сабабли /							+										1

туфайли																		
Орқали		+		+														2
Чоғли										+								1
Оша			+	+														2
Бўйлаб			+	+														2
Бўйича											+							1
Узра				+														1
Ичра				+														1
Деган/ дейдиган																	+	1
Бўйи			+	+														2
Чамаси										+								1
Ҳак(и)да																	+	1
Ҳолда/йў синда					+													1
Томон										+								1
Қадар			+	+														2
Кўра							+								+			2
Қарши										+								1
Қараб											+						+	2
Қараганда															+			1
Қара(май) (масдан)																	+	1
Яраша											+							1
Доир / асосан / биноан /мувофик																	+	1
Қарата										+								1
Сўнг / кейин			+	+														2
Бошқа /																	+	1

ташқари / бўлак / ўзга																	
Бери			+	+													2
Буён			+	+													2
Нари(га)															+		1
Бурун			+														1
Илгари			+	+													2
Бошлаб / тортиб			+														1

Жадвалда кўмакчиларнинг умуман кўмакчи категориал маънолари мажмуига муносабати уч турда эканлигига эътибор қаратилди:

- белгили (+);
- салбий (-);
- мажхул (0).

Белгили кўмакчилар тегишли категориал маънони ифодалайди ва бу маъно унга хос хусусиятдир. Тегишли белгига салбий муносабатдаги кўмакчиларнинг субстанциал табиатида бу маъно кўзга ташланмайди. Категориал маънога мажхул муносабатдаги кўмакчилар тегишли маънони ифодалаш имкониятига ҳам маълум даражада эга бўлиб, бу маънолар унинг табиатидаги бошқа маънолар билан юзага чиқиши мумкин, холос.

2.2. Предлог ва кўмакчи маъноларининг модификацион хусусиятлари

2.2.1. Предлог маъноларининг нутқий модификацияси

Предлоглар (боғловчилар, артиклар, кўмакчилар ва феъл боғловчилар билан бир қаторда) “кучсизланган хусусий маъноларига эга, шу сабабли нутқда мустақил бирликлар сифатида эмас, бошқача тўлиқ маъноли сўз сифатида ёрдамчи вазифаларни бажаради» [86,362]. Бунда, бизнингча, “кучсизланган хусусий маъно” тушунчаси асос луғавий маънога нисбатан қўлланган бўлиб, кучсизланиш соф кўмакчи ва предлогларда кўпроқ, нисбий предлог ва кўмакчиларда камроқ сезилади.

Инглиз предлоглари тадқиқотига бағишланган қатор ишларда “*I have no pen to write with*” типли предлогли синтактик структураларда предлог ўзининг предлогли хусусиятларини йўқотади, деган нуқтаи назар кузатилади [86, 375; 96, 209]. Бундан ташқари, айрим тилшунослар аниқроқ қилиб бундай қурилмаларда ушбу ёрдамчи сўзлар равишларга айланади, деган фикрни илгари суришади [86, 375]. Бизнинг назаримизда, бунда “предлоглик хусусиятини йўқотади” ифодасини луғавий маънонинг кучсизланиши камроқ содир бўлади, тарзида тушунмоқ лозим. Бундай нуқтаи назарни тан олиш инглиз тилидаги барча содда предлогларни равишлар деб эътироф этишга олиб келади. Қиёсланг :

The class-room we study in is very large.

The school we go to is near the station.

I don't like the book he will speak about.

What was it made of?

The cause they were fighting for was just.

The proper place to look at a house from was the lawn.

What are you looking at?

The boy I came across was a friend of mine.

The child she looks after is her sister's son.

There was nothing to lean against.

The street we were going along was dark.

She has found a man to stand by.

Шунингдек, бу фикр юқоридаги предлогларнинг қуйидаги типдаги эргашган гаплардаги боғловчилик вазифаларини мутлақлаштиришга ҳам сабаб бўларди:

I am interested in what follows.

He agreed to what I said.

I am worried about how it can be done.

She never thought of what he said.

Much depends on when you come.

I always pay for what I get.

Дарҳақиқат, предлоглардан кейин қўлланиладиган қурилмаларнинг семантикасини ҳисобга олмаслик уларни боғловчилар билан бир хил вазифадаги лексемалар сифатида қарашга олиб келади. Умуман олганда, бир тил ҳодисасини предлог ёки равиш сифатида қараш тўғри эмас. Бунда омонимия ҳақида сўз юритишга тўғри келади. Шунинг учун сўз туркумлари орасида “ўйнаб турувчи” ҳодисаларга нисбатан полифункционаллик тушунчасини қўллаш лозим бўлади. Полифункционаллик (кўп вазифадошлик), кўп маънолилик ва омонимия орасидаги “оралиқ учинчи” сифатида баҳоланиши лозим. Масалан, ўчирмоқ сўзининг: 1) оловни ўчирмоқ (ўз маъноси), 2) тўхтатмоқ - овозни ўчирмоқ, 3) тозаламоқ -доскани ўчирмоқ, чизикни ўчирмоқ, 4) чизмоқ - хатни сиёҳ билан чизиб ўчирмоқ, 5) тузатмоқ - хатни ўчириб тузатмоқ; кўк сўзининг: 1) ранг, тус. 2) осмон, 3) резавор ўсимлик; беш сўзининг: 1) рақам, 2) миқдор, 3) баҳо (аъло), 4) ютуқ, муваффақият, кайфият (унинг иши беш); оқ сўзининг 30 дан ортиқ маъноси ва бошқалар.

Инглиз предлоглари семантик ва структур хусусиятларининг матний модификациясига мурожаат қилсак, предлогнинг матнда семантик-функционал жиҳатдан хилма-хил актуаллашуви ҳақида билдирилган юқоридаги нуқтаи назар унчалик ишонарли эмаслиги аён бўлади. Чунки “матн ҳосил қилишда ахборотнинг моҳияти ахборотнинг эгаси, ахборотнинг объектга муносабати, ахборотнинг мазмундорлиги, ҳажми, кимгадир йўналтирилганлиги, баҳоловчи хусусияти, миқдори, аниқлиги, ҳаққонийлиги, етарлилиги ёки тахминийлиги, ишонарлилиги, жамланганлиги ёки сақланганлиги каби мезонларда ойдинлашади. Лисоний ахборотни узатиш эса, энг аввало, турлича матнларнинг вужудга келишига, уларни у ёки бу

даражадаги аниқликда (қайта ишлашда, таржимада) қайта тиклашга олиб келади. Бинобарин, ахборотни қабул қилиш ҳам уни турли даражада тушуниш билан боғлиқдир” [24, 20].

Предлоглар предметга муносабатни ифодаловчи ёрдамчи сўзлардир [17, 263]. Масалан, *in* предлоги ёрдамида иш-ҳаракатнинг бажарилишини бошқа предметлар билан боғлиқликда амалга оширилишини қиёслайлик:

to carry in an aeroplane - самолётда юк ташимоқ;

(*in a cart*–авада)

to print an article in a magazine-журналда мақола чиқармоқ;

(*in a journal*)

to ride in a car (in a train) - машинада(поездда) кетмоқ;

to sail in a ship - кемада сузмоқ;

to travel in a vehicle - транспортнинг бирор турида кетмоқ.

Шу сабабли предлогдан бошланган боғланиш фақат предмет маъносини ифодаловчи сўзлар томон йўналтирилган бўлади:

- отлар томон йўналтирилган боғланиш - *I live in this house*;

- олмошлар томон йўналтирилган боғланиш - *You may stay with us*;

Предлоглар томон йўналтирилган боғланиш эса бошқа маънода қўлланувчи сўзлар орқали амалга оширилади:

- отлардан предлоглар томон йўналтирилган боғланиш - *I see the roof of my house*;

- олмошлардан предлоглар томон йўналтирилган боғланиш - *I know some of your friends*;

- феъллардан предлоглар томон йўналтирилган боғланиш- *He never writes about it*;

- равишлардан предлоглар томон йўналтирилган боғланиш - *Now she is far from Tashkent*;

- сифатлардан предлоглар томон йўналтирилган боғланиш - *The place is rich in coal.*

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб предлогнинг контекстуал воқеланишига таянган ҳолда унинг семантик тузилишини тузиш мумкин. Бу, ўз навбатида, жараённинг икки жиҳатини яъни: «1) грамматик вазифага боғлиқ бўлган бу гуруҳига мансуб бўлган барча ёрдамчи сўзларнинг грамматик маъносини... 2) ҳар бир сўзга хос хусусий лексик маънони ва бу аниқ сўзнинг барча бошқа ёрдамчи сўзлардан фарқини» аниқлашга ёрдам беради [86,367]. Масалан, феълнинг от ёки олмош билан бирикувида *in* предлоги иш ҳаракатнинг муайян шароитларда, чегараларда, муҳитда бошқа предметлар билан муносабатга киришувини ифодалайди.

Масалан, иш-ҳаракатнинг муайян муҳитда содир бўлишлиги:

to assist in a matter - бирор ишни бажаришда ёрдамлашмоқ;

to compete in a race - пойгада қатнашмоқ;

to compete in trade - савдода рақобатлашмоқ;

to experiment with new methods - янги методларни қўлламоқ;

methods of teaching - ўқитиш;

in a plan - мулоҳаза, фикр, танбех;

to instruct a class in history - ўқувчиларга тарихни ўргатмоқ;

to interest somebody - кимнидир қизиқтирмоқ;

to join in the schemes - лойиҳалар устида ишлашда иштирок этмоқ. (Бу ўринда *join* феъли ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчи талаб қилиши ҳолатини эътибордан соқит қилмаслик керак. Масалан: *to join the army* – ҳарбий хизматга бормоқ).

to star in a new film - янги фильмда бош ролда суратга тушмоқ;

to succeed in passing an examination - имтиҳонни муваффақиятли топишмоқ;

Муайян муҳитдаги иш -ҳаракатни кўрсатади:

to dissolve sugar in tea - чойдаги шакарни аралаштирмоқ(эритмоқ);

to immerse one's head in the water - бошини сувга тикмоқ;

to preserve in oil - ёгда консервалаш;

to sink in the snow - қорга ботиб қолмоқ;

to sink in the ground - ерга сингиб кетмоқ;

to wash in cold water - совуқ сувда ювмоқ(чайқаб олиш);

Муайян шароитларда юз берган иш-ҳаракатни кўрсатади:

to fall in a battle - жангда ҳалок бўлмоқ;

to form in boiling mile - қайнаган сутда шакланмоқ;

to spend days and nights in reading - туну-кун ўқимоқ;

to sway in the wind - шамолда тебранмоқ;

to waste time in trying to get - кимнидир қидириб вақт йўқотмоқ;

Муайян чегарада, доирада содир бўлган иш ҳаракатни кўрсатади:

to confide in a man - кимгадир ишонмоқ;

to consist in something - нимадандир таркиб топмоқ;

to differ in tastes (in many respects) - турлича дидга эга бўлмоқ;

to engage in conversation - суҳбат билан банд бўлмоқ;

to fail in perseverance - етарли қатъиятга эга бўлмалик;

to fail in health - бўшаимоқ(соғлиқ ҳақида);

to gain in weight - вазни оғирлашмоқ;

to grow in importance - тобора муҳим бўлмоқ;

to occupy in illustrating books - китоб иллюстрацияси билан шугулланмоқ;

Предлогларнинг модификацион тавсифи учун уларнинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир: предлог предметни ифодаловчи гап бўлаги комплетив сўз бирикмасидаги асосий компонент ҳисобланувчи ва одатда тобеланувчи компонентдан олдин турувчи сўзга тобеланишини ифодалайди. Предлог одатда улар ўртасида жойлашади.

Аммо матн ичида сўз бирикмасининг «асосий компонент+предлог+тобеланувчи предметни ифодаловчи аъзоси» ҳар доим ҳам бирга келавермайди ва ҳар доим ҳам юқорида кўрсатилган «меъёрли» структурада (яъни модификацияланган кетма-кетликда) келавермайди.

Тобеланувчи компонент баъзан асосий компонентдан ажралиб, гапнинг энг бошида ёки унга яқинроқда жойлашиб, асосий компонентдан олдинга ўтиб олади. Натижада сўз бирикмаси компонентлари орасида алоҳида бир боғланиш вужудга келади.

Инглиз тилида предлогни қўллашда қуйидагича модификацион қонуният шаклланган: гапда асосий ва тобеланувчи компонент бир - бирлари билан дистант жойлашганида предлог кўпчилик ҳолларда тобеланувчи предметни ифодаловчи компонент олдидан келади. Бу ҳолат асосан предметни ифодаловчи компонент предлог билан биргаликда ҳол вазифасини бажарганида кузатилади ва шу асосда қўшимча боғлиқлик туфайли маъно мустақиллигига эгаллиги ва гапда иштирок этишининг мажбурий эмаслиги билан ажралиб туради.

Бундай ҳолларда асосий ва тобеланувчи компонентлар орасидаги боғлиқлик шунчалик заиф бўладики, предметни ифодаловчи компонент предлог билан алоҳида предлогли ибора сифатида келади, унинг бошқарувчи сўз билан заифгина алоқаси эса эътиборга олинмайди:

For some time they sat there talking but little [169].

On the table was his belated breakfast [194].

In turn the three brothers looked at Ann [168].

For a moment he remained silent [194].

In it lay a marble [191].

In that lay its tragedy [169]

But through the air there runs a thrill of coming stir [174].

In answer to the ring, appeared a page boy with a silver soup tureen [168].

At this point were gathered some half dozen horses [169].

Жуда кўпчилик ҳолларда предлог предметни ифодаловчи компонент бошқа вазифаларда, масалан, аниқловчи вазифасида келганида ҳам ундан олдинда қўлланилади: *Of this she saw the advantage* [169].

Бундан англашиладики, предлоглар хусусиятларини, контекстда модификацион барқарорлашув тамойилларини, бутунлай интерпретация қилиш муаммосини, тилдаги барча (ёки асосий) предлогли бирликларини қиёсий ёндошув орқали аниқлаш мумкин. Бу ўринда А.И. Смирницкий предлогларнинг ўзига хос грамматик маъносига ва грамматик вазифаларигагина ва улар ёрдамчи сўзларнинг алоҳида гуруҳи эканлигига асосий эътиборини қаратади. [86,368].

Турли муаллифларнинг назарий хулосалари (ва бизнинг кузатувларимиз) инглиз предлогларининг лексик маънолари мустақил лексик бирликлар маъносидан айрим ҳолларда улар кўпроқ ёки озроқ кўзга ташланиши билан, айрим ҳолларда эса модификациялашган ҳолда кўзга ташланиши билан фарқланишидан далолат беради. Бундай фарқларнинг мавжуд бўлишидан қатъий назар, предлоглар мустақил предлогли бирикмалар компонентлари ифодаляйдиган маънодан фарқланадиган хусусий лексик маънога эга эканлигини тан олиш жоиз.

Предлогнинг мустақил лексик маънога эга эканлиги унинг алоҳида сўз эканлиги факти билан ҳам тасдиқланади. Шу сабабли предлог маъносини лексик маъно, яъни модификациялашган маъно эканлигини тан олишга тўғри келади.

Предлогларнинг луғавий маъноси айниқса, унинг макондаги ҳолатини ёки ҳаракатини ифодаляйдиган феъллар билан бирикувида тўлиқроқ кўзга ташланади.

Бошқа ҳолларда, энг аввало, объектли муносабатларни ифодалашда предлогнинг лексик маъноси хиралашади.

Бундай ҳолларда предлогнинг грамматик маъноси биринчи ўринга чиқади. Аммо бу ҳолда ҳам предлог ўзининг лексик маъносини тўлиқ йўқотмасдан, у ёки бу даражада модификацион минимумини сақлаб қолади. Луғавий-контекстуал модификацияга мувофиқ предлогларнинг лексик маънолари денотатив ёки референциал маънолар, яъни манбани кўрсатувчи маънолар ҳисобланади.

Мустақил сўз туркумларига хос бўлган автосемантик маънолардан фарқли ўлароқ предлогларнинг референциал маънолари ёрдамчи характерга эгадир. Улар туфайли лисоний мазмун, фикр тўлиқроқ ифодаланади. Бу ўз навбатида сўзнинг «ички тузилиши» орқали объектив борлиқ элементларининг инсон онгида ўз ифодасини топишидир. Бошқача айтганда, предлогнинг семантик – грамматик потенциали орқали контекстдаги мазмуний тушунча қайта тикланади. Бу орқали эса, муайян тилнинг семантик тузилиш қонуниятларига биноан бу ифода бирлигининг модификацияловчи – меъёрловчи муносабатлари юзага келади.

2.2.2. Кўмакчи маъноларининг нутқий модификацияси

Кўмакчилар маъноларининг нутқий воқеланиши кўплаб омиллар билан боғлиқ кетади. Бу айниқса, вазифадош кўмакчиларда яққол кўзга ташланади.

Вазифадош кўмакчиларда асос лексик маънонинг категориал грамматик маънога айланиши тилнинг ички тизимийлиги ва ташкил этувчи унсурлар алоқасининг узлуксизлигини кўрсатади. Қуйида кўмакчи вазифасидаги айрим сўзларнинг семантик структурасини шу жиҳатдан кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

“Функционал кўмакчиларнинг соф кўмакчилардан ажралиб турадиган хусусияти уларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида бир томондан ўзининг дастлабки лексик маъноларини сақлаб келаётганлиги бўлса, иккинчи томондан гапнинг шаклланишида маълум грамматик вазифаларни бажариши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, кўмакчиларнинг функционал кўмакчилар деб

аталадиган маълум қисми мустақил ва ёрдамчи сўзлар оралиғидадир, улар ўзлари илгаридан мансуб бўлган туркумларнинг перифериал қисмида жойлашгани учун кўмакчиларнинг грамматик восита сифатидаги вазифаларини “нутқда сўзларнинг ўзаро грамматик муносабатга киришувига ҳам хизмат қилиши” тарзида жўнлаштириш маъқул эмас. Чунки улар кўмакчилик маъно ва вазифаларининг луғатларда қайд этилиши ушбу ҳолатнинг лисоний барқарорлик эканлигидан далолат беради. Демак, тадқиқотчи А. Пардаев назарда тутаётган грамматикализация ҳодисасини лисон ва нутқ дихотомияси нуқтаи назаридан объектив баҳолаш лозим бўлади.

Сўзларнинг бир туркумдан иккинчи туркумга ўтиши *лексикализация, отлашиши - субстантивация, сифатлашиши – адъективация, олмошлашиши - прономинализация, равишлашиши - адвербиализация, вербализация - феълга ўтиши, эссивация – тасвирийлашиши, ундовлашиши – интеръективация, модаллашиши – модалация, постпозиционализация – кўмакчилашиши, конъюкционализация – боғловчилашиши, партикуляция – юкламалашиши, грамматикализация – грамматик воситага айланиши, морфологизация – морфологик шаклга ўтиши* каби атамалар билан юритилмоқда [4, 201]. Буни тилшунос Ҳ. Неъматов ўз вақтида умумлаштириб, *транспозиция* атамаси билан номлаган бўлса [67,37], ўзбек формал тилшунослигининг асосчиси А. Ғуломов *конверсия* атамаси остида таҳлил қилган эди [109,46-52]. Аммо ҳодиса бугунги кунгача турли-туман талқин қилиниб келинмоқда ва лексикографик манбаларда ҳам ҳар хил тавсифланади [106, 42]. Бунинг айрим сабаблари бор:

биринчидан, тил ҳодисалари талқинида лисон ва нутқнинг изчил фарқланмаганлиги;

иккинчидан, диахрон ва синхрон ёндашувларнинг кескин ажратилмаганлиги;

учинчидан, талқинларда ўзга тилларнинг андаза қилиб олинганлиги;
тўртинчидан, талқинларда методологик асосларнинг чалкаштирилганлиги;

бешинчидан, ўрганилаётган ҳодисаларнинг серқирралиги.

Бу муаммолар ўзбек тилидаги *бу ерда, у ерда, шу ерда* сўз бирикмаларининг, *бунда, шунда* олмошларнинг инглиз тилидаги *here, there* муқобиллари асосида равиш сифатида баҳоланиши, *яхши* сўзининг ҳол вазифасида равиш, аниқловчи вазифасида сифат туркумига хос қилиб қўйилганлиги фикримизнинг далилидир.

Сўз туркумларининг кўчиши умумий номи остида қараладиган грамматикализация ҳодисаси тилшуносликда атрофлича ўрганилган ва ҳануз мунозаралар гирдобидаги муаммолардандир. Грамматикализация (бизнингча, морфологизация) мустақил сўзлар, умуман олганда лексик воситаларнинг грамматиклашуви бўлиб, у баъзан ҳам шаклий, ҳам маъновий, баъзан эса маъновий асосда бўлиб, икки ҳолатда семантик ўзгаришнинг устуворлиги билан белгиланади. Грамматикализация тилнинг ички эволюцион ўзгаришларини ўзида акс эттиради. Зеро, тилда ички имкониятдан фойдаланиш, ташқи имкониятни ишга солиш ва янгидан яратиш ҳодисаларидан бири ҳар доим қўлланиб туради [144, 305].

А. Мейе томонидан фанда ўрнашган грамматикализация [62,153] (олим мустақил сўзларнинг ёрдамчилашуви ва қўшимчилашувини назарда тутди) ифодаси тилнинг ички лексик-грамматик ривожини ўзида акс эттиради. Яъни тилнинг ички эҳтиёжи натижаси ўлароқ лексик маънолар асосида грамматик ҳодисалар вужудга келади ва ривожланади.

Тилнинг маъновий асоси унинг лексик базаси бўлиб, улар морфологиянинг пойдевори ҳисобланади [11,75] ва тил морфологияси унинг лексикаси асосида муттасил ривожланиб боради. Тилнинг лексик фондидан

грамматик воситалар ўсиб, ривожланиши тилшунослар томонидан турлича талқин қилинган [112,15].

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларнинг шаклланиш жараёни, мустақил сўзларнинг ёрдамчилашуви туркийшунослар, ўзбек тилшунослари томонидан у ёки бу даражада ўрганилган. Хусусан, туркий тиллар грамматикасини туркман тили мисолида тадқиқ қилган П. Поцелуевский мустақил сўзларнинг грамматиклашувини қуйидаги босқичларда кўради:

а) мустақил сўз ўз лексик маъноси билан бирга грамматик маъно ифодалашга мойиллик беради: *Ҳазаллар тўқирдим сенинг ёнингда.*

б) луғавий маъно муваққат сўнади: *Уйга қараб юрди;*

в) луғавий маъно муваққат сўниши барқарорлашади: *Ишга қараб баҳолаймиз* [74,15-16].

Шунингдек, С. Иванов, А. Ҳожиёв, Ж. Элтазаров ва Г. Каримованинг ишларини келтириш мумкин. Грамматикализация ҳодисасининг талқини бўйича батафсил маълумот тадқиқотчи А. Пардаёв ишларида кенг берилган [73].

Мустақил сўзларнинг грамматикалашуви, хусусан, уларнинг кўмакчилашуви бир неча босқичда амалга ошади. Грамматикалашув ҳақида гап кетганда, лисоний бирликнинг тўғридан-тўғри грамматик лисоний бирликка айланиши ҳақида сўз юритиш маъқул эмас. Грамматикалашув лисоний бирликнинг нутқий қўлланишлари асосида вужудга келар экан, демак, “лисон → нутқ → лисон” эволюцион тамойили асосидаги семантик силжиш ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Кўмакчилашган сўзларнинг семантикасида уларга асос бўлган лексемаларнинг семантик хусусиятларига дахлдорлик, алоқадорлик яққол кўзга ташланади. Аниқроғи, нисбий кўмакчиларни “асос лексема → сўз шакл → кўмакчи” ворисийлиги асосида текшириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тилшунослигида мустақил лексемаларнинг нутқий воқеланишида семемаларнинг луғавий ёки грамматик маъно сифатида воқеланиши махсус ўрганилган [21,125].

Семеманинг грамматик маънога модификацияланишида денотатив маъно сифат жиҳатдан грамматиклашади, бироқ бунда семемадаги релевант семалар грамматик маънонинг таркибий қисмлари сифатида зоҳир бўлади. Қуйида ҳар бир келишкли тип кўмакчилардан грамматиклашган лексемалар семемаларининг грамматик маънога айланиши ва унга кўмаклашувчи воситаларни кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Оша кўмакчиси. Бу кўмакчи бош келишлик шакли билан қўлланадиган кўмакчилар типига мансуб бўлиб, *ошмоқ* лексемасидан униб чиққан, уни модификацияловчи восита равишдош кўрсаткичидир.

Манбаларда бу кўмакчининг қуйидагича тавсифини кузатдик:

“1) иш-ҳаракатнинг бошқарилган сўздан англашилган вақт давомида содир бўлиши маъносини ифодалайди: *Халқ шоирлари ҳофизасида бу дostonлар асрлар оша сайқалланиб, бизнинг давримизгача етиб келдилар* (“Тошкент оқшоми”).

1) иш-ҳаракатнинг бошқарилган сўздан англашилган макон бўйлаб содир бўлишини ифодалайди: *Мен Раънога қарардим учимга сизмасдим, шамол бўлиб учғум, бутун юртлар водийлар, даралар оша елгим... келарди* (М. Бобоев). *Ёрдамлашмоқчи бўлдим, кўнмагач, чайладан чиқиб, чўл оша узоқ-узоқларга... ўйчан нигоҳ ташладим* (Р. Отаев)” [109, 46-52].

Тавсифлардаги “вақт давомида”, “макон бўйлаб” маъно узвлари ушбу кўмакчининг *ошмоқ* лексемасининг грамматик “вакили” эканлигини кўрсатади. Бунга ушбу сўз шакли –(и)б равишдош шакли билан қўллаш асосида ҳам амин бўлиш мумкин: *Халқ шоирлари ҳофизасида бу дostonлар асрлар **ошиб** бизнинг давримизгача етиб келдилар; шамол бўлиб учғум, бутун юртлар водийлар, даралар **ошиб** елгим... келарди*. Демак, кўмакчи *ошмоқ* лексемасининг грамматик

модификациясидир. Бунга амин бўлиш учун *ошмоқ* лексемасининг изоҳли луғатдаги талқинига лексеманинг кўмакчилик маъноси кўзгусида муносабатда бўламиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида лексеманинг куйидаги маънолари ажратилган:

- 1) миқдор ёки ҳажм жиҳатидан кўпаймоқ (*талабалар сони беш юздан ошди*);
- 2) ортиқча бўлиб қолмоқ (*харажатдан беш сўм ошиб қолди*);
- 3) меъёрдан юқорига кўтарилмоқ (*қон босими ошди*);
- 4) пайтнинг маълум бир чегарадан ўтиши (*вақт ярим кечадан ошди*);
- 5) мол сотиб олишда унинг баҳосини оширмоқ (*бир тангалаб ошаверди*);
- 6) кучаймоқ, зўраймоқ; янада сезиларли, таъсирли бўлмоқ (*алами ошди*);
- 7) юқори даражага эришмоқ (*сотувчининг малакаси ошди*);
- 8) бирор жиҳатдан ёки бирор соҳада бошқалардан ўтиб кетмоқ (*агар енгсанг, зўр келсанг, ошсанг, Доим сени тўйга бошлайман*);
- 9) маълум бир тўсиқ, чегара ёки баландликдан ўтмоқ (*довон(дан) ошмоқ, девордан ошмоқ. Тоғ(дан) ошмоқ*);
- 10) кўлдан кўлга, бир ташкилотдан бошқасига ўтмоқ (*иш терговдан судга ошди*);
- 11) кўпмоқ, кўпчимоқ (хамир ҳақида) (*хамир ошди*) [198,142].

Ушбу маъноларнинг ўзаро муносабати таҳлилидан тийилган ҳолда айтиш мумкинки, назаримизда 9- маъно (“маълум бир тўсиқ, чегара ёки баландликдан ўтмоқ”) *оша* кўмакчисининг категориал грамматик маъноси учун асос бўлган. Бироқ негадир ЎТИЛ (Ўзбек тили изоҳли луғати)даги изоҳда лексеманинг кўмакчи сифатида қўлланишига тўхталинмаган. Бунда икки сабабдан бирини кўришимиз мумкин:

- 1) *оша* кўмакчисининг *ошмоқ* лексемасига алоқасини инкор қилиш;

2) кўмакчи сифатида қўлланишда маъно луғавий моҳиятга эга бўлмаганлиги учун уни четлаб ўтиш.

Барча кўмакчилашган лексемаларнинг грамматиклашган маънолари ЎТИЛда лексеманинг маъно турларидан бири сифатида берилади. Бунда фақат ошмоқ лексемасининггина кўмакчилашган маъноси истисно қилиниши мантиқдан эмас. Демак, *оша* кўмакчисининг *ошмоқ* феъли таркибида изоҳланмаслиги учун иккинчи сабабни асос қилиб бўлмайди. Биринчи сабабни аниқлаш учун *оша* лексемасини бошқа луғат мақолалари таркибидан қидириб кўриш етарли:

“ОША 1 Ошмоқ фл. рвш. *Орзулари амалга оша бошлади.*

2 кўм. (б.к. билан) Устидан ёки ичидан ўтиб; орқали. *Алимардон унга елкаси оша қаради. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Қалам ва қалб соҳиби бениҳоя хилма-хил йўл-лар ва сўқмоқлар оша бетиним ўз чўққисини излайди, меҳнат ва машаққат билан унга етади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

3 кўм. (б. к. бшан) Давомида, мобайнида, бўйи. *Чақалоқлар оч ва ялангоч, Ер ва сув деб ўтди деҳқонлар, Йиллар оша, асрлар оша Ҳукм сурди шундай замонлар.* Э. Раҳим.

4 Орадан маълум вақт ўтказиб, орада маълум вақт қолдириб. *Кун оша. Ой оша. Йил оша.*

5 рвш. шв. Жуда, ўта; ҳаддан ташқари. *Ҳуройимнинг дарди оша ёмондир, Рустамни кўр-моғи унинг гумондир.* «Рустамхон».

6 рвш. шв. Узоқ, йироқ, бегона (юрт, эл, мамлакат ҳақида). *Оша юртдан келдим сени сўроқлаб. Пиёда йўл юрдим, бағримни доғлаб.* Фозил шоир. *Оша юртдан келган экан зўравор, Бундай меҳмон, болам, сенга не даркор?* “Алпомиш” [196,252].

Кўринадикки, ЎТИЛ (Ўзбек тили изоҳли луғати) да *ошмоқ* феълининг равишдош шакли бўлган *оша* сўзи мустақил лексема сифатида қаралган ва алоҳида изоҳланган. Бу ҳолат ошмоқ феълининг *оша* грамматик шаклида бошқа

кўмакчиларга нисбатан грамматик яхлитланиш кучлироқ эканлиги ҳамда, шунга мувофиқ равишда, семантик силжишнинг меъёр чизиғидан ўтганлиги билан белгиланади. *Қарата, бўйича, бўйи, орқали, қараганда, қараб* кўмакчиларида ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. Назаримизда, грамматик шакли асос лексема шаклидан фарқ қиладиган кўмакчилар талқинида ҳам шундай йўл тутиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Масалан, *томон, қариши, кейин, бошқа* кўмакчилари. Чунки улар ҳам семантик силжиш жиҳатидан юқоридаги лексемалардан кескин фарқланмайди ва, аксинча, яқинлик кўпроқ.

Таҳлиллардан маълум бўладики, *оша* кўмакчисининг юқорида қайд қилинган ҳар икки маъноси учун ҳам *ошмоқ* лексемасининг 9 - (“маълум бир тўсиқ, чегара ёки баландликдан ўтмоқ”) маъноси асос бўлган. Ушбу маънонинг модификацияси учун бош келишик шакли хизмат қилади. Чунки бош келишик ўрни бошқа келишиклар билан алмашиши натижасида кўмакчи мустақил феълга айланиб қолади: *тоғ оша – тоғдан оша / тоғни оша, асрлар оша – асрлардан оша / асрларни оша* каби. Бунда отнинг сон категорияси ҳам мустақил феълни кўмакчи феълга модификациялашда бетараф мавқега эга эмас. Чунки *оша* кўмакчиси қўлланган ҳолатларда кўпинча кўплик сон шакли иштирок этганлигини кузатамиз.

Демак, *оша* кўмакчисининг модификацияловчиси бош келишик шакли бўлиб, сон категорияси унга маълум маънода кўмаклашувчи восита ҳисобланади. “Маълум маънода” ифодаси сон категориясининг белгиловчи восита эмаслиги учун қўлланди. Чунки айрим ҳолларда бирлик сон қўлланиши ҳам мумкин: *чўл оша, тоғ оша* каби. Шунингдек, *оша* кўмакчисида маъно кучайтириш хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, бу шаклланаётган отнинг одатда кучайтирувчи маъно ифодалайдиган - лар кўплик сон шакли билан қўлланиши билан ҳам белгиланади.

Томон кўмакчиси. Бу кўмакчи жўналиш келишиги билан қўлланадиган кўмакчилар сирасига мансуб бўлиб, *томон* лексемасидан унган. Ўзбек тилининг

изоҳли луғатида *томон* полисемантик лексемасининг луғавий маънолари қуйидагича изоҳланади:

1. Бирор нарса ёки жой (макон) га нисбатан йўналишдаги жой, макон; тараф. *Бир томони босиб қолган кулба.*

2. Ўзаро нисбатда, муносабатда бўлган шахс ёки шахслар гуруҳининг ҳар бири. *Душман томон. Қуда томон.*

3. (кўпл. шаклида — томонлар). Ўзаро мухолиф, зид муносабатдаги шахс ёки субъектлар. *Томонларни келиштирмоқ.*

4. Иш, нарса-ҳодиса, масала ва ш.к. нинг қирралари, қисмларидан бири; жиҳат. *Масаланинг энг муҳим томони.*

5. *мат.* Текисликдаги геометрик шаклларни ҳосил қилувчи кесмаларнинг ҳар бири. *Тўғри тўртбурчак томонлари [197,142].*

Қиёслаш учун томон кўмакчисининг тегишли манбалардаги тавсифини ҳам келтириш мақсадга мувофиқ:

1. Йўналиш билдиради: *йўлакка томон юрмоқ.*

2. Пайт билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, тахминий вақтни билдиради: *кечга томон келмоқ [109, 556].*

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унинг маъновий кўлами “кенгайтириб” берилган:

6. *кўм. взф.* Макон, пайт, объект, сабаб каби муносабатларни, шундай маъноларни билдиради. *Биз томонга келяпти. Овоз кўча томондан келяпти. Кечга томон хабар олмоқ. Елкасига ташланган кителининг энгига қўл сола туриб, индамай эшик томон юрди. С. Кароматов, Олтин қум. Кечга томон Собирнинг хонасига Одил бува кириб келди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Аммо оламшумул бу кашфиёт илмий кенгаш томонидан етарли баҳоланмаганга ўхшайди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати” [198,142]. Назаримизда, изоҳдаги “пайт, объект, сабаб каби муносабатлар”*

томон лексемасининг кўмакчи вазифасида қўлланилиши учун хос эмасдек туюлади.

Томон лексемасининг барча луғавий маъноларида “локаллик” семаси устуворлик қилади. Шунинг учун изоҳли луғат талқинидаги қуйидаги маънолар *томон* лексемасининг асосий маънолари ҳисобланади:

1. Бирор нарса ёки жой (макон) га нисбатан йўналишдаги жой, макон; тараф. *Бир томони босиб қолган кулба.*

5. *мат.* Текисликдаги геометрик шакллари ҳосил қилувчи кесмаларнинг ҳар бири. *Тўғри тўртбурчак томонлари.*

Қолган иккита маънони ушбу маънолар асосида вужудга келган ҳосила (кўчма) маънолар сифатида баҳолаш мумкин:

2. Ўзаро нисбатда, муносабатда бўлган шахс ёки шахслар гуруҳининг ҳар бири. *Душман томон. Қуда томон.*

4. Иш, нарса-ҳодиса, масала ва ш.к. нинг қирралари, қисмларидан бири; жиҳат. *Масаланинг энг муҳим томони.*

Учинчи маъно лексеманинг грамматик шаклланган ҳолатига тегишли бўлиб, энди бунда *томон* лексемаси эмас, балки лексемалашган сўз шакл ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ ва ушбу ҳолатдан омонимликни қидириш лозим деб ўйлаймиз.

Эътибор қилинса, *томон* лексемаси семантикасида “йўналиш” маъноси эмас, балки бирор йўналишдаги “макон” маъноси мавжуд бўлиб, ана шу сема грамматик маъно учун асос бўлгандек туюлади. Лекин кўмакчида “йўналиш” грамматик маъносининг ифодаланиши учун жўналиш келишиги ҳам тақозо қилинади. Умуман олганда, ушбу кўмакчи жўналиш келишиги шакли билан (белгили ёки белгисиз) қўлланиладиган восита ҳисобланади: *уй (га) томон*. Бу эса кўмакчи семантикасида “йўналиш” унсури борлигини шубҳа остига қўяди. Шунингдек, нутқда *уйга томон* сўзшакли ўрнида *уй томонга* шаклининг қўлланилиши ҳам фикримизни қувватлайди ва “йўналиш” маъноси *томон*

кўмакчисининг эмас, балки [-га томон] мураккаб морфологик шаклининг маъноси эканлиги маълум бўлади. Бу эса томон кўмакчисининг ўзи ҳақидагина гап кетганда унинг “макон” маъносини ифодалаш, мураккаб морфологик шакл таркибида эса бу маъно жўналиш келишигининг “йўналиш” маъноси билан яхлитланишини кўрсатади. Яхлитланиш жўналиш келишиги орқали ифодаланган “йўналиш” маъносининг ботинан “макон” маъносини ҳам англатиши билан биргаликда *томон* кўмакчисида “йўналиш” маъноси ҳам бордек “алдамчи” грамматик иллюзияни келтириб чиқаради.

Томон кўмакчиси “пайт” маъносини ҳам худди “макон” маъносини бергандек ифодалайди: *кеч(га) томон, кеч томонга* каби. Бунда ҳам томон кўмакчиси “макон” маъносига таянган ҳолда ва пайтни унга “ўхшатиб” ифодалайди. Демак, айтиш мумкинки, *томон* кўмакчининг “макон” маъносида ҳам, “пайт” маъносида ҳам унга асос бўлган мустақил лексемадаги йўналишли “макон” семаси асос бўлган. Унинг бу маъносини воқелантирувчи омил сифатида морфологик восита – жўналиш келишиги шакли хизмат қилган.

Томон лексемасининг кўмакчи моҳиятига эга бўлиши унинг сон грамматик шаклига кириши билан ҳам шартланган. *Томон* лексемаси *биз томонга / биз томонларга, кечга томон / кеч томонларга* кўринишида “тахмин” маъноси билан қоришган “кўплик” маъносини ҳам ифодалаш мумкин ва бунда, таъкидаш лозимки *бизларга томон, кечларга томон* шакллари ҳам қўллаш мумкин.

Ҳар икки ҳолатда ҳам жўналиш келишиги шакли қўлланиши шарт бўлиб, сон шаклларида қайси бирининг қўлланилиши ихтиёрийдир. Демак, сон шакллари, луғавий шакл ясовчи бўлганлиги учун ҳам, синтактик муносабат ифодаловчи жўналиш келишиги шаклига кўмакчи маъносини юзага келтиришда ёрдамчи, мустаҳкамловчи омил вазифасини ўтаган.

Айтилганлардан маълум бўладики, жўналиш келишиги шакли ва унга кўмаклашувчи грамматик сон тури *томон* кўмакчисининг луғавий маъносини

модификацияловчи воситалар бўлиб, уларнинг бу кўмакчи билан яхлитланиши модификацияланган лексик маънони грамматиклаштиради.

Кейин кўмакчиси чиқиш келишиги шакли билан [чиқиш келишиги шакли + кўмакчи] мураккаб морфологик типни ҳосил қилади. Бу кўмакчининг маънолари тавсифида қуйидагиларни кўрамыз:

- 1) бирор иш-ҳаракат/ҳодиса тугалланиши билан боғлиқ вақт;
- 2) сабаб [109, 556].

Бу маъноларнинг *кейин* мустақил лексемаси маънолари билан муносабатини текширамыз. ЎТИЛда лексеманинг қуйидаги маънолари берилган:

1 *рвиш.* Шу ёки ўша тобда эмас, маълум вақт ўтгач; сўнг (*Бойваччанинг кимлигини кейин айтаман*);

2 Аввалгисининг кетидан; сўнг, сўнгра (*Дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскеттини келтириб, пичоқ тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.)

3 (эғалик ва келишик шакллари билан: **кейинига, кейинида**) *айн. орқа (орқасига, орқасида), кет (кетига, кетида).* *Душман юрар мард ўғлоннинг кейинидан.*

4 *криш. с.* Бундан ташқари, шунинг билан бирга, шунингдек; яна. (*Агар қовун яхши бўлса, халқ еб, сизни дуо қилади, мен ўзим емайман. Кейин, ким билади, бир палакдан ҳар хил қовун етишади.*)

5 *кўм. взф. (ч. к. билан)* Сўнг, кетидан, тугагач, ўтгач. *Ҳаммадан кейин. Ишдан кейин. Овқатдан кейин.*

6 *боғл. взф. (ч. к. билан)* Сабаб ёки пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади ва сабаб, пайт муносабатини билдиради: (*Кўл калта бўлгандан кейин, қаёққа узатасан?*) [198,342].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мустақил сўзларнинг кўмакчи сифатида модификацияланишида уларнинг нутққа олиб кирилиши ва асос луғавий

маънонинг модификациясида морфологик омилларнинг ўрни ва роли юқори бўлиб, бирикувчи сўзларнинг алоҳида характери нисбатан кам аҳамиятга эга.

Боб бўйича хулосалар

Тилшуносликда категориал маъно тушунчаси остида маълум бир сўз туркумидаги сўзлар учун умумий бўлган маъно тушунилади. Грамматикага доир адабиётларда предлог ёки кўмакчининг умумий грамматик маъноси “тобе исм (субстантив) ни ҳоким исмга синтактик алоқага киритиш ҳамда турли (субъект, объект, макон, замон, восита) грамматик маъноларни ифодалаш” сифатида талқин қилинади ва келишик категорияси ҳам шунга монанд равишда тикланиши қайд этилади. Улар орасидаги фарқлар чегарасини белгилашда эса маънонинг сифати ва кўлами ҳамда бирликларнинг ажралганлик/ажралмаганлик (ёрдамчи сўзлар ажралган, лексема шаклида, келишиклар ажралмаган, морфема шаклида) шаклида бўлишига асосланилади. Шу асосда предлог ва кўмакчиларда категориал маънонинг таркиби синтактик грамматик воситалар каби икки қатламдан иборат бўлиб, уларни синтактик ва семантик жиҳатлар сифатида белгилаш мумкин. Улар семантик жиҳати билан мустақил сўзлардан озикланса ва уларга яқинлашса, синтактик жиҳатдан келишиклар билан бир парадигматик қаторга кира олади.

Тилда грамматик маъно мавҳумлик бўёғига эга бир қатор тушунчалар билан биргаликда сўзнинг луғавий маъносига қўшимча маъно киритади ва сўзнинг функционал табиатини белгилаб, гапни шакллантиришдаги ўрнини аниқлайди. Шунга кўра, категориал маъно таркиби анча мураккаб ҳисобланади. Категориал маъно муайян предлог ёки кўмакчида хусусийлашган, умуман предлог ёки кўмакчининг субстанциал, яъни туб моҳиятидир, у нутқнинг воқеланиши жараёнида бошқа маънолар қанчалик устворлашиши ёки заифлашишига қарамасдан ўзининг барқарор моҳиятини сақлаб қолади.

Барча предлогнинг предмет ва ҳодисалар орасидаги муносабатни ифодалашдан иборат бўлган умумий грамматик ёки категориал маънолари предлог иштирок этган сўз бирикмасининг компонентлари маъносига боғлиқ эмаслиги уларни алоҳида туркум сифатида қарашга имкон беради. Предлогнинг макон, замон, сабаб, объект, атрибутив каби хусусий грамматик маънолари эса гап тузилишида муайян бирлик билан ўзаро муносабатда бўлиб, улар орасидаги синтактик муносабатга ишора қилувчи восита вазифасини бажаради ҳамда предлогли сўз бирикмаси компонентлари маънолари билан ўзаро муносабатни таъминлайди.

Ўзбек тилида кўмакчининг категориал маъносида синтактик вазифанинг кучлилиги даражаси ундаги грамматик маънонинг асос лексик маънодан қанча узоқлашишига қараб белгиланади. Кўмакчининг грамматик маъносида луғавий маънонинг излари кўпроқ сақланиб қолган бўлса, синтактик вазифа шунчалик кўзга кам ташланади. Демак, шу асосда кўмакчиларни лексик маънодан узоқлашиш даражасига кўра уч турга бўлиш мумкин бўлади: 1) биринчи босқич кўмакчиларда луғавий маъно кўпроқ сақланган ва шунга мувофиқ синтактик вазифа кучсизроқ тарзда ифодаланади; 2) иккинчи босқич кўмакчиларида семантик ва синтактик қийматлар тенглашади; в) учинчи босқичдаги кўмакчилар улар ривожининг юқори қирраси бўлиб, бунда луғавий маъно максимал даражада грамматик маънога айланган ва у кўмакчи категориал маъноси таркибида устувор ҳиссаси билан характерланади.

Турли предлогларнинг умумий грамматик маънолари бир хил ўринда эмас. Функционал жиҳатдан улар предлоглик мавқеини ўзгартирмайди, аммо хусусий лексик маъносининг ифодаланиш даражасига кўра грамматик маъно эксплицит ёки имплицит тарзда намоён бўлади. Грамматик маънонинг имплицит ифодаланиши *in*, *on*, *under* каби макон маъносини ифодаловчи предлогларда кузатилади. Лексик маъно сезилар-сезилмас даражага келиб

қолган depend on - (нимагадир боғлиқ бўлмоқ) кўринишдаги предлогли бошқарувда эса етакчи ўринни грамматик мазмун ва грамматик вазифа эгаллайди.

Тил бирликларининг коммуникатив мақсад, нутқий вазият ва матн талабидан келиб чиқиб ўз кўриниши, шакли, вазифаси, ҳолати ва шу кабиларни ўзгартириши ҳар бир тилда мавжуд бўлган табиий ҳол ҳисобланади. Инглиз тилида предлогни қўллашда қуйидагича модификацион қонуният шаклланган: гапда асосий ва тобеланувчи компонент бир - бирлари билан дистант жойлашганида предлог кўпчилик ҳолларда тобеланувчи предметни ифодаловчи компонент олдидан келади. Бу ҳолат асосан предметни ифодаловчи компонент предлог билан биргаликда ҳол вазифасини бажарганида кузатилади ва шу асосда кўшимча боғлиқлик туфайли маъно мустақиллигига эгаллиги ва гапда иштирок этишининг мажбурий эмаслиги билан ажралиб туради.

Кўмакчилашган сўзларнинг семантик табиатига эътибор берилса, уларда уларнинг функционал табиатини ўзгартиришга асос бўлган лексемаларнинг семантик хусусиятларига дахлдорлик, алоқадорлик яққол бўртиб туради. Ана шу боғлиқликдан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида нисбий кўмакчиларни “асос лексема → сўз шакл → кўмакчи” ворисийлиги асосида текшириш мақсадга мувофиқдир.

III БОБ

ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИНИНГ КОНТЕКСТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Предлог ва кўмакчининг матн ҳосил қилиш хусусиятлари

3.1.1. Предлогнинг матн ҳосил қилиш хусусияти

Матнда грамматик ҳодисаларнинг кўрсатгичи сифатида тил бирликларини маъно ва шакл нуқтаи назаридан ўзаро боғланиш учун хизмат қиладиган воситалар назарда тутилади. Грамматик ҳодисалар маълум шакл ва белгилар сифатида амалда қўлланилади. Грамматик шакллар ўз функцияларига кўра гап доирасида турлича вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Албатта, грамматик шакллар турли тилларда турлича кўринишга эга. Бу тилларнинг қайси оилага мансублигига қараб шаклланади. Маълум тиллардаги грамматик бирликлар бошқа тиллар мисолида учрамаслиги мумкин, ва аксинча бошқа тилдаги маълум грамматик кўрсатгичлар ушбу тилда бошқа тил бирликларига юклатилиши мумкин. Жумладан, инглиз ва ўзбек тили грамматик шаклларда анчагина фарқларни кузатиш имкони мавжуд. Хусусан морфологик нуқтаи назардан қаралганда, инглиз тилидаги мавжуд артикл, предлог каби грамматик белгиларни ўзбек тилида учрамаслигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, ўзбек тилидаги мавжуд келишик ёки шахс қўшимчалари инглиз тилида учрамайди. Мазкур тиллар мисолида грамматик шакл, белгиларнинг ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган жиҳатларги яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо, маълум тилдаги мавжуд бўлган грамматик кўрсатгич ўша тил миллий маданий, шу жумладан тарихий ва ижтимоий асосларига ҳам маълум маънода бориб тақалади. Замонавий инглиз амалий тили замонавий кўринишга келгунга қадар кўплаб, тил нуқтаи назаридан ҳам, босқичларни босиб ўтди. Инглиз тили ўз тарихий тараққиёти жараёнида кўплаб ўзгаришларга дуч келди. Қадимги инглиз тили

даврида мавжуд бўлган грамматик кўрсаткичларнинг кўпчилиги фонетик ўзгаришлар таъсирида инверсияга учради. Қадимги инглиз тили давридаги келишик кўшимчаларининг кўпчилиги йўқолди. Улар бажарадиган вазифалар бошқа тил бирликларига юклатила бошлади. Жумладан, инглиз тилидаги келишик, шахс ва бошқа морфологик бирликлардаги кўшимчаларнинг инверсияга учраши инглиз тилидаги предлогларнинг функционал қўлланилиш имкониятларини кенгайтди. Натижада, предлоглар нафақат предметнинг жойлашув, муносабат ёки вақт кўрсаткичидаги функционал вазифаларини ифодалай бошлади, балки маълум маънода гап доирасида сўзларнинг бир-бирига боғлаш орқали янги маънолар ифодалаш имконияти ҳам вужудга келди. Шу билан бир қаторда инглиз тилидаги предлоглар грамматик вазифаларни бажарибгина қолмасдан, уларнинг кўпчилиги ўзларининг ҳам лексик маъносининг мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу эса синтактик нуқтаи назардан уларнинг гапдаги вазифалари имкониятининг кенглигини кўрсатади.

Гап тузилиши ўз структурасига кўра барча тилларга хос бўлгани билан улар турли тилларда ҳар хил структура ҳосил қилиши мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳодисалар қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилишда кўзга ташланади. Хусусан тушунчавий структура категориясини ташкил этадиган семантик майдон таққосланадиган тиллардаги майдоннинг барча сатҳлари учун умумий ҳисобланади [31,264]. Семантик майдонда тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик ҳодисалари намоён бўлади. Албатта семантик майдон ва прагматик тушунча кўпгина ҳолларда чалқаш изоҳларга дуч келинади. Тилшуносликда темпорал маънони англатувчи предлогли бирикмалар дастлаб гап ёки нутқда боғланилган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида ишлатилмоқда.

Инглиз тилидаги қарийиб барча предлоглар кўп маъноли саналади. Улар ўзларининг лексик-семантик хусусиятларидан ташқари грамматик нуқтаи назардан, ва шунингдек тасаввурли схематик жиҳатдан мураккабли ҳисобланади. Предлогларнинг маъноси ва уларнинг муносабат доирасини образ ёки схемали тарзда ўрганишга қаратилган кўплаб ишларни, тилшуносларни ҳаракатларини кузатиш мумкин. Жумладан, Б. Потье, Л. Ельмслев, Р.Вагнер, Б.Брендалъ ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ишларида ҳар бир предлогнинг семантик белгиларини алоҳида гуруҳлаш, нутқ вазиятидаги маъно белгиларини аниқлашга қаратилган. Нутқ вазиятига кўра предлогларнинг макон, вақт ва тушунчавий хусусиятларини аниқлашга асосий эътибор қаратилиши таъкидланади.

Лексик концептларнинг функционал муҳим жиҳатларини эътиборга олишда предлогларнинг вазифалари ҳам муҳим саналади. Жумладан, улар макон-геометрик (spatio-geometric parameters) параметрларнинг бош кўрсаткичлари сифатида лексик концептларнинг функционал маълумотларини ҳам қамраб олади. Хусусан, макон тушунчаси билан алоқадор маъноларни англатадиган предлоглар сирасига *on* предлогини ҳам киритиш мумкин. Ушбу предлог предметнинг бошқа предмет юқори қисмида жойлашувини англатади. Бунда геометрик параметр контакт саналса, функционал параметр таянч нуқтаси саналади ва лингвистик мазмунни ҳосил қилади. Масалан: *the book is on the table.*

On предлоги маълум воситадаги ҳаракат маъносини англатиш маъносига ҳам эга. Мазкур маънода контакт параметр ва таянч параметрлари муҳим саналмайди: *on foot/horseback, on the bus.* Аммо мазкур маъноларда лексик таянч маъноси *on* предлогига юклатилади.

On предлоги билан боғлиқ яна бир маъно қарамлик саналади. Масалан: *Are you on heroin? She's on the pill.* Бунда шахснинг от билан ифодаланган

бирор нарсага қарамлиги маъноси юзага келади. Мазкур ҳолда *on* предлоги ярим лексик хусусиятга эга саналади.

Психологик таяниш маъносини *on* предлог билан келадиган феълли бирикмалар юзага келтиради. Масалан: *You can count/rely on my vote.*

Рационал ёки эпистемик таянч маънолари *on account of/on purpose* бирикмаларида ўз аксини топади.

On предлоги маъно ва мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, унда нафақат таянч, контакт параметрлари, балки бошқа маъноларни ҳам мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, мазкур предлог ҳолат концептини англатувчи маънога ҳам эга. Масалан: *The injured man was laid on his bed, and at Holmes's request I examined him. [162].*

Функционал жиҳатдан *on* предлоги фаолият билан боғлиқ, ҳаракатнинг давомийлик хусусиятларини англатувчи маъноларни ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Масалан: *I put it on like a glove [161]; Burden, whose expression conveyed that he rather approved of women who went on like that, said [166].* Мазкур маъноларни англатувчи *on* предлогли бирикмалар “функционал фаоллик” атамаси билан қўлланилади. Чунки, бу каби бирикмалар жисмоний фаоллик, статив белги, техник ҳаракат, даврий стативлик каби вазиятларни ифода этади. Масалан: *‘Angela’s prints were on the back door, the door from the kitchen into the hall, her bedroom door and on various so bottles and jars on her dressing table [183]. A marvellous realization was dawning on her [183].* В. Эвенс таъкидлашича, *on* “фаолиятли контакт” белгисига эга. Олимнинг келтиришича ‘switch on’ маъноси электрик воситаларни фаоллаштириш, яъни статив ҳолатдан динамик жараёнга ўтиш маъносини билдиради. Мазкур ҳолда, айнан трансформатив маъно *on* предлогининг функционал ва семантик хусусиятига боғлиқ. У феъл билан ифодаланган ҳаракатнинг таянч нуқтаси, трансформатив белгисига ишора вазифасини ўтайди. Бирикмадаги ‘switch’ феъли эса трансформатив белгини амалга оширувчи ҳаракат сифатида

баҳоланади. Бошқа сўз билан айтганда *on* предлоги билан алоқадор лексик концептлар функционал ҳаракат параметрларини таъминлайди ва лингвистик мазмунга мос келади. Масалан: You'd know who would be likely to call on her or be fetched home by her [183]; 'Tell me who came to your house. What friends or acquaintances called on your wife?' [183]; 'I don't think there's ever been a time till now when I've had a reasonable amount of money to live on, and now I've got it it's no good to me [183]; We were on our beam ends. Angela couldn't work [183]. Ушбу ҳолларда *on* предлоги билан мунособатга киришадиган бирликларга ҳаракат маъноси мужассам бўлган от ёки сифатлар тегишлидир. Ҳолат маъносининг юзага келиши эса маълум маънода темпорал мазмунга мос келиши кузатилади. Ифодаланадиган вазият ёки ҳодиса чекланган вақт оралиғида содир этилиши кўзга ташланади. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

on live (a sports game); on sleep (as in an alarm clock on a particular mode); on pause (as in a DVD player); on sale; on best behavior; on look-out; on the move.

Вақт билан алоқадор предлогли бирикмалар вақеа-ҳодисаларнинг содир этилаётган вақтини аниқлаш учун хизмат қилади. Масалан: As the front door closed on him, the light that rimmed Hathall's curtains went out [183]; So on the following evening Chief Superintendent Howard Fortune left his office at a quarter to six and was at West End Green on the hour. He waited until half past seven. When his quarry didn't come, he made his way along Dartmeet Avenue and observed that there was no light on in the window his uncle had told him was Nathall's [183].

Келтирилган мисоллар предлогининг вақт ифодасининг турли давр билан алоқадор кўрсаткичларига мисол бўлиши мумкин. Бунда субъектнинг маълум вақт жараёнида маълум маконда мавжудлик семантикаси ва шунингдек, предлог ёрдамида ифодаланган вақт берилаётган маълумотларда муҳим восита сифатида келтирилганлигини англаш мумкин. Албатта,

бериладиган маълумотларнинг вақт кўрсаткичлари билан боғлиқлиги субъект ҳаракатининг ёки фаолиятининг маълум бир кўрсаткичи билан боғлиқлигини англашга кўмаклашади.

Мақон нуқтаи назаридан *on* предлоги воқеа/ҳодисаларнинг содир этиладиган жойини ифодалашда муҳим ўрин тутади. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Three of the car's doors opened simultaneously and the three policemen it had contained were on their feet, bounced *on to the wet stone* as if on springs [183].

Келтирилган мисоллардаги “*on the spot*”, “*on to the wet stone*”, воқеа ҳодисанинг макони кўрсаткичи вазифасини ўтаган бўлса, айнан шу мисолларда вақт ва субъектнинг ҳолатини англатувчи *on* предлогли бирикмаларни учратишимиз мумкин. Жумладан, “*were on their feet*” бирикмасида субъектнинг ҳолати ифодаланган бўлса, “*on the point*”, “*on springs*” бирикмалари воқеа/ҳодисаларнинг содир этиладиган вақтига ишора вазифасини бажарган.

Инглиз тилидаги *on* предлогининг матн доирасида қўлланилиши мазкур предлогнинг макон ва темпораллик билан алоқадор жиҳатларидаги синонимик боғлиқликларини кенгайтишига мисол бўладиган бирлик сифатида келтириш мумкин. Масалан: *Out on the platform, Mrs Hathall said, ‘That could have been avoided if you’d done as you were asked [183]; She planted herself rectangularly on the spotless carpet and turned slowly round, scrutinizing the ceiling for cobwebs, the windows for smears, the ashtrays for that forgotten cigarette end [183]; Would you like to go on upstairs, Mother ? Your bedroom’s the big one at the back.’ [183]; On top of the covers lay a girl face-downwards, apparently deeply asleep [183].*

Мақон билан алоқадор маъноларида *on* предлоги кўпироқ дериватив ўзгаришларга учрашишини кузатиш мумкин. Ушбу маънода *on* предлоги таркибидаги релевант интеграл семалар сифатида ҳаракат жойи, ҳаракат

жойлашуви, субъектнинг макони кўрсаткичлари келтирилса, дифференциал маъноларда макондаги жойлашувни, ҳаракат натижасида макон ўзгариши белгиларини келтириш мумкин. Ушбу девривацион маънолар предлогларнинг матндаги қўлланилиши билан боғлаш мумкин

Инглиз тилидаги “*on*” қўлланилишига кўра турли маъноларда келади. Жумладан, бирор предметнинг юзаки қисмида жойлашганлик маъносида келади. Масалан: *The picture is hanging on the wall.* Предметни маконнинг юзаки қисимга жойлаштириш маъносида. Масалан: *Put the magazine on the table.*

Вақт муносабатида ҳафта кунлари ёки саналар ифода планига кўчганда. Масалан: *The meeting took place on Monday [183]; They arrived on the first of June. Mrs Nathall tightened her grip on the arm which he had attempted to jerk away [183]; She ran one finger along the picture rail on the landing [183].*

3.1.2. Кўмакчининг матн ҳосил қилиш хусусиятлари

Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг семантик хусусиятлари формал таҳлил усуллари асосида атрофлича ўрганилгани ҳолда [81; 73; 66], уларнинг синтактик имкониятлари – сўзларни боғлаш хусусиятлари, шаклланувчи лексемаларнинг маъновий моҳиятини нутқий модификация қилиш жиҳатлари, лексема валентлик имкониятларига таъсири, кўмакчи ёрдамида ҳосил бўлган синтаксемаларнинг маъновий табиати, шунингдек, матн шакллантиришдаги ўрни ва роли, контекстуал имкониятлари махсус тадқиқ қилинмаган, лисоний мақомини тиклаш борасида эса айрим тадқиқотлар учрайди, холос [68, 23-26].

Кўмакчиларнинг матн ташкил этиш вазифаси биринчидан, лексемани грамматик жиҳатдан шакллантиради ва маъносини муайянлаштиради, иккинчидан, гапнинг умумий семантик мундарижасини ташкил этишда қатнашиб, матннинг ташқи структур жиҳатини ҳам белгилашга ўз ҳиссасини қўшади.

Кўмакчиларнинг матн ҳосил қилиш хусусиятлари, предлоглардан фарқли равишда, улар матннинг қайси турини ташкил этаётганлиги билан боғлиқ равишда фарқланади.

Кўмакчилар, одатда, ёзма нутқда кенг қўлланилиши билан характерланади. Бунинг бир неча сабаблари бор:

биринчидан, ёзма нутққа нисбатан оғзаки нутқ тежамкорлиги билан ажралиб туради, қисқалик ва қулайлик, кўмакчиларга вазифадош аффиксларда кўпроқ;

иккинчидан, кўмакчиларда, улар аслида лексема бўлганлиги учун грамматик маъно бўртиқроқ ифодаланади, бироқ оғзаки нутқда кўпинча кўмакчилар ўрнида қўлланадиган аффиксларда кўмакчиларга қараганда мавжуд бўлган бўшлиқ, кучсизлик овоз кучи, интонация билан тўлдирилади. Масалан, оғзаки нутққа хос бўлган *Қишлоққа кетди* ифодаси ўрнида ёзма нутқда *Қишлоқ томон йўл олди* типдаги ҳолатлар нисбатан кўпроқ: 1. – *Сиз туман (томон) бориб келдингиз, сиз айтинг?* (Т. Мурод, Бу дунёда ўлиб бўлмайди). 2. – *Москва бизни Украинага (томон) сафарбар этди* (Т. Мурод, Бу дунёда ўлиб бўлмайди). 3. – *Эҳтиёт бўл, том лабига (лаби томон) борма!* (Ў. Ҳошимов, Дафтар ҳошиясидаги битиклар) Шунингдек, оғзаки нутқда кўмакчилар қўлланганда, одатда, улар билан қўлланиши турғунлашган келишик шакллари тушириб қолдирилади (юқоридаги мисоллар бу фикримизга ҳам далил бўла олади). Айтиб ўтиш лозимки, қисқарув сўзлашув матнларига ҳам, шеърятга ҳам хос бўлса-да, бироқ бу ҳолат уларда турлича омиллар асосида келиб чиқади. Оғзаки нутқда вақтни тежаш асосида у овоз баландлиги, кучи билан алмаштирилса, шеърый нутқда вазн ва қофия талаби ҳамда пафосни таъминлаш зарурати шундай йўл тутишни тақозо қилади.

Айтилганлар асосида кўмакчиларнинг оғзаки ва ёзма матнларни ташкил этиши қуйидаги асослар билан белгиланишини айтиб ўтиш лозим:

1) формал-ҳиссий омиллар асосида;

2) семантик-мантиқий омиллар асосида.

Қўлланилиши формал-ҳиссий асослар билан белгиланган кўмакчилар матннинг шаклий хусусиятларини таъминлаш ва сўзловчининг эмоционал мақсади воситаси бўлиш вазифасини бажаради. Қуйидаги шеърий матнда қўлланган кўмакчиларнинг вазифаларига эътибор қаратамиз:

Эҳ, сиз тоғлар, нақадар кўркам!

Сизга берар илк нурун қуёш.

Пар булутлар, марварид қорлар

*Юксак чўққи **узра** қўйган бош.*

(Абдулла Орипов, Тоғлар)

“Адолат сари юргил, юзлангин илм томон!” –

*Дуога жуфтланган кафт, ҳовуч **каби** Регистон.*

(Иқбол Мизо, Буюк ипак йўли)

*Тонга ўчоқбоши **сингари** шошиб,*

Эшикка қўшқанот бағишлаб очиб,

Фарзандин уйготган меҳрлар сочиб,

Бу она эмасми,

Саволим шулдир?!

(Омон Матжон, Уйғониш)

Ушбу матнларда *узра* кўмакчисини - *га* жўналиш келишиги шакли билан (*чўққига*), *каби* кўмакчисини - *дек/дай* шакли билан (*ҳовучдай*), *сингари* кўмакчисини ҳам - *дек/дай* шакли билан (*ўчоқбошидай*) алмаштирилса, грамматик маънода ёки лексик маънонинг модификациясида кескин ўзгариш бўлмайди. Бунда мазкур кўмакчилар фақат вазн талаби билан қўлланган ва денотатив эмас, балки эмоционал вазифа адо этган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, кўмакчилар сирасида фақат бадиият талаби ва эмоционаллик ифодалаш учун кўпроқ хосланганлари талай: *бурун, сўнгра, оша, бобида, монанд, ҳамон, сингари, сари, янглиғ, каби, қадар, ичра, узра, ўзга* ва ҳ.

У ёки бу вазифага бетараф ҳолда матнни шакллантирувчи кўмакчилар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: *билан, учун, бери, чоғли, нисбатан, аввал, олдин, кейин, сўнг, ташқари, атрофида, тўғрисида, оша, томон, ҳақида, мақсадида, дастидан, ниятида, қараганда, қарамай, қошида, яраша, мос, ўхшаши, устига, устида, устидан, қатори, ортиқ.*

Айтилганлар асосида кўмакчиларни матндаги иштироки ва унда бажаридаган вазифаси нуқтаи назаридан нисбий уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) формал-ҳиссий вазифа бажарувчи кўмакчилар;
- 2) семантик-мантиқий вазифа бажарувчи кўмакчилар;
- 3) мазкур вазифага бетараф кўмакчилар.

Бу ерда тегишли вазифани бажаришни “кўпроқ хосланиш” маъносида тушунмоқ лозим. Масалан, айрим кўмакчилар кўпроқ формал-ҳиссий вазифа бажаради. Бу уларнинг ҳеч қачон семантик-мантиқий вазифа бажармаслигини кўрсатмайди ва аксинча. Шу билан биргаликда, ҳар бир кўмакчида ушбу икки вазифа ҳам мавжуд, бироқ биттаси устуворроқ, иккинчиси заифроқ бўлиши мумкин. Матн қурилиши ва дискурсив омиллар, сўзловчининг интенцияси натижаси ўлароқ кучсиз вазифа кучайиб, аксинча, кучли вазифа сусайиши мумкин. Қуйида кўмакчиларнинг айримларини матн қурилишидаги иштирокини шу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Узра кўмакчиси. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *узра* кўмакчиси бош келишик шаклидаги сўзни шакллантирадиган поэтик кўмакчи сифатида эътироф этилади ва “макон муносабатини билдирадиган” ёрдамчи сўз сифатида қайд қилинади [198,322]. Бу кўмакчи устида кўмакчиси билан семантик жиҳатдан уйғун [109,448] ва генетик жиҳатдан боғланган[78,197]. Манбаларда *узра* кўмакчисининг архаиклиги ва ҳозирги поэтик нутқ учун хослиги алоҳида таъкидланади [93, 30]. Кўмакчининг матн таркибидаги вазифасига тўхталамиз.

*Кўл узра таъзимкор қатор оқ қайин
Оҳиста тебранар алқаган сифат.*

(Муҳаммад Икром)

Ушбу мисраларда кўмакчи формал-эмоционал вазифа бажарган. У *устида*, *тепасида* кўмакчилари билан маънодош бўлиб, ушбу мисраларда бажараётган вазифаси билан фарқланиб туради. Матнни туроқларга ажратсак қуйидаги кўриниш намоён бўлади:

*Кўл узра / таъзимкор / қатор оқ қайин
Оҳиста / тебранар / алқаган сифат.*

Ҳар бир мисра уч қисмдан иборат бўлиб,

3+3+5

3+3+5

силлабик тузилишга эга. Агар *узра* сўзи ўрнида *устида* кўмакчиси қўлланса, у қуйидаги кўринишга эга бўлар ва поэтик матннинг ритмик яхлитлиги бузилар эди:

4+3+5

3+3+5

Шу билан биргаликда, *устида* кўмакчиси поэтик мўътадиллиги билан ҳам поэтик релевант бўлган *узра* кўмакчисидан фарқланиши *узра* кўмакчисининг қўлланишини ҳамда матннинг формал ва эмоционал яхлитлигини таъминлашини келтириб чиқарган. Ушбу ўринда *узра* кўмакчисининг қўлланишидаги яна бир ҳолатни алоҳида таъкидламоқ лозим. *Узра* кўмакчисида поэтик тантанаворлик ҳамда пафос бўртиб туриши ҳам унинг ушбу поэтик матнни ташкил этишдаги ўрнини яққол гавдалантиради. Бу ҳолат бошқа шеърий матнлар мисолида ҳам кўзга ташланади:

Раҳмат, синглим, шу сўз, шу бўса,

Шу гулдаста баридан афзал.

Меҳр майингдан тутдинг лим коса,

Гўё тўкдинг бошим узра зар.

(Ёнғин Мирзо)

Ўрмонлар шувуллаган

Олис юртда ҳали ҳам,

Номсиз тепалик узра

Ухлаб ётибди отам.

(Эркин Воҳидов)

Насрий матнларда ҳам эмоционал омил узра кўмакчисининг қўлланишини тақозо этади: 1. *Халқимиз катта даврада пахта байрамини бошлаган кун республикамизнинг тузросида яшнаб турган шу чаноқни бошимиз узра баланд кўтариб, жаҳонга кўз-кўз қиламиз* (Ҳабиб Нуъмон, Чанок). 2. *Чанд қўлини жуфтлаб боши узра қўйганича таъзим қилди-да: – Буюринг, ҳазратим! – деди* (Пиримкул Қодиров, Авлодлар довони). Лекин куйидаги матнда тантанаворлик эмас, балки эзгин кайфият ифодаси таркибида узра кўмакчиси воқеланган: *Бирор соатдан кейин тиловат тўхтади. Отабек ҳолсизланиб оёғ узра турди ва орқасидаги ярим ялангоч қўлагани кўриб, бир неча қадам қабр томонга тисланди...* (Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар). Шунга қарамасдан, ушбу матнда ҳам юқоридаги қўлланишлардагига монанд равишда узра кўмакчи орқали сўзловчининг ижобий муносабати ифодаланган. Ижобий муносабат поэтик тантанаворлик билан шахсий муносабат умумий белгиси остида жинсдошдир. Булар эса насрий матнларда, шеърий матндагидан фарқли равишда, умумий эмоционал омилнинг формал омилга нисбатан устуворлик қилишини кўрсатади.

Узра кўмакчиси мумтоз адабиётда ҳам формал-эмоционал мақсадларда кенг ва унумли қўлланади. Матнларга мурожаат қиламиз:

Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,

Менга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо.

[195, 11]

Ғазалнинг ҳижовий (силлабик эмас) бўлиниши қуйидагича:

Гул узра хат/ти мушкин бир/ла то қилдинг/ рақам пайдо,

мафойилун / мафойилун / мафойилун / мафойилун

Менга жон саф/ҳасида бўл/ди юз хатти/ алам пайдо.

мафойилун / мафойилун / мафойилун / мафойилун

Ғазал ҳазаж баҳрининг ҳазаж мусаммани солим вазнида ёзилган. Таҳлил объектимиз бўлган *узра* кўмакчиси ўрганилаётган байтнинг биринчи мисраси биринчи қисмидан ўрин олган. Рукн (*гул узра хат*) фоносиллабик жиҳатдан яхлит бўлиб, бу яхлитликда семантик бутунлик мавжуд эмас ва бу аруз вазнининг ўзига хос қонуниятлари билан белгиланади. *Гул узра хат* узвининг ҳижовий тузилиши “қисқа ҳижо (*гу*) + чўзиқ ҳижо (*луз*) + чўзиқ ҳижо (*ра*) + чўзиқ ҳижо (*хат*)” шаклига эга. Шу жиҳатдан у ма (қисқа) +фо (чўзиқ) +ий (чўзиқ) +лун (чўзиқ) ўлчам (мезон)ига мос келади. Матнда *узра* кўмакчиси иккига бўлинган ва бунга унинг икки силлабемадан ташкил топганлиги асос бўлган. Агар унинг ўрнида *устиди/устига* кўмакчиси қўлланганда, бир бўғиннинг ортиқчалиги, *-да/га* шаклларида бири қўлланганда эса бир бўғин камлиги вужудга келар ва натижада *мафойилун* вазнига мос ҳижовий яхлитлик вужудга келмас эди. Бундан маълум бўладики, аруз вазнидаги матннинг вужудга келишида *узра* кўмакчисининг роли ўта муҳим бўлган ва унинг бошқа семантик муқобилларидан у устунлиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Буни яна Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида ҳам кўриш мумкин:

Жисмимди/н оқиб қони /пайкони /аён бўлди,

Шоҳ узра/ бўлур доим/ гул кетса /самар пайдо.

(Алишер Навоий, МАТ-2, 13)

Бу байт аруз вазнининг қуйидаги афойиллари яхлитлигидан иборат:

мафъувлу/мафойилун/ мафъувлу/мафойилун

Байтнинг *шоҳ узра* рукни очик бўғин билан тугаган ва шунинг учун мафъувлу ўлчамига тўғри келади, ушбу ўлчамнинг охириги бўғини (яъни -лу) очик бўғиндир.

Ушбу кўмакчи қўлланишининг аруз матнини ташкил этишдаги формал вазифасини бошқа мумтозларимиз ижодидан олинган айрим мисоллар ёрдамида ҳам кузатамиз.

*Ногаҳон ет/ти саводи/ номанг ул/ жон муждаси,
Ул сифатким/, сафҳаи ко/фурий узра/ мушки ноб.*

(Хусайн Бойқаро)

Ғазал рамал баҳрининг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, узра кўмакчиси ушбу байтнинг иккинчи мисрасидаги учинчи рукн мукамаллигини таъминлаш учун қўлланган.

*Очилди зул/фию хайлар/ намудор ўл/ди юзида,
Гул узра чун/ бўлур пайдо/ кеча очил/са шабнамлар.*

(Заҳириддин Бобур)

Ғазал ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси солим вазнида ёзилган бўлиб, узра кўмакчиси иккинчи мисрадаги биринчи – мафойилун рукнини ташкил этишда иштирок этган.

Кўрилган матнларда *узра* кўмакчиси ифодалаган “макон” маъноси устида кўмакчиси ифодаляйдиган муқобил маънога нисбатан маълум даражада ирреаллиги ва умумийлиги билан характерланади.

3.2. Предлогли ва кўмакчили қурилмаларни таржимада берилиши

3.2.1. Предлогли қурилмаларни таржима қилиш масаласи

Глобаллашув ва халқаро интеграциянинг кучайиши, маданиятлараро мулоқотнинг ривожланиши таржима назарияси ва амалиётининг янги сифат босқичига кўтарилишини тақозо этмоқда. Ўтган аср илми ютуқлари натижасида билдирилган “тиллардан тилларга таржима қилиш мумкинлигини асосляйдиган нарса шуки, жаҳон халқлари гарчи турли-туман

тилларда сўзлашсалар ҳам, аммо уларнинг тафаккур қонунлари бир хилдир” мазмунидаги фикрлар янгича шарҳ ва талқинларни талаб этмоқда. Зеро, тафаккур бирлиги бўлган тушунча заминидаги билимлар силсиласининг концептуал талқини бўйича қўлга киритилган ютуқлар унинг “квант”и бўлган концептнинг миллий табиатга эгаллигини кўрсатмоқда. Шу боисдан таржимада тил материалларига “борлиқ-концепт-тушунча-маъно” занжири узвийлиги асосида муносабатда бўлиш таржима ва талқинларнинг янада тўлақонли ва муайян бўлишини таъминлайди.

Таҳлил объектимиз бўлган предлоглар инглиз тилининг ўзига хос грамматик маъно ифодаловчи, бу тилнинг субстанциал моҳиятини акс эттирувчи бирлиги. Предлоглар ўзбек тилидаги кўмакчиларга муқобил воситалар бўлганлиги, ўзбек тилидаги кўмакчилар келишиклар билан маъновий ва вазифавий уйғун эканлиги сабабли предлогларнинг таржимада берилишида улар орасидаги мутаносиблик ва номутаносиблик муҳим ўрин тутди. Умуман олганда, келишиклар ва кўмакчилар маънодошлиги ўзбек тилининг предлоглар маъноларини таржимада акс эттиришнинг асосий имкониятларидан биридир.

Предлогларнинг таржимасида юқорида саналган денотатив, стилистик ва прагматик маънолар яхлит ҳолда эътиборга олинади. Уларни муштарак назарда тутиш, бир бутунликнинг узвий қисмлари сифатида қараш маъно, қолаверса, мазмун адекватлигини таъминлаш воситасидир. Мисоллар келтирамиз: *Why, my dear, you must know, Mrs. Long says that Netherfield is taken **by** a young man of large fortune **from** the north of England; that he came down on Monday in a chaise and four to see the place, and was so much delighted with it, that he agreed **with** Mr. Morris immediately; that he is to take possession **before** Michaelmas, and some of his servants are to be in the house **by** the end of next week.* [“Pride and Prejudice” by Jane Austen, Chapter 1, P. 4].

Матнларда *by, from, with, before* предлоглари қўлланган, улар ҳамда улар иштирок этган матн ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинган:

– *Уни эшитдинг, азизим, – давом этди миссис Беннет. – Миссис Лонгнинг айтишича, Незерфилдни шимолий англиялик жуда ҳам бой бир йигит ижарага олганмиш. Душанба кuni у тўртта отга қўшилган каретада келиб помещьени кўрибди ва жой унга шунақа ёқиб кетибдики, ўша заҳотиёқ, мистер Моррис билан ижара ҳақида келишиб олибди. Ўша йигит Михайлово кунигача кўчиб келмоқчи эмиш, келаси ҳафтанинг охирларида эса хизматкорларидан кимдир келармиш [Жейн Остин, “Андиша ва ғурур”, 1-боб. 9-бет].*

Предлогли қурилмаларнинг матндаги ўзбек тилига хос муқобиллари қуйидагилар:

- 1) *is taken by* – ижарага олмоқ;
- 2) *from* the north of England – шимолий англиялик;
- 3) to agree *with* Mr. Morris – мистер Моррис билан келишмоқ;
- 4) to take *before* Michaelmas – Михайлово кунигача;
- 5) *by the end* of next week – келаси ҳафтанинг охирларида.

Матндаги уч предлог (**by, before**) келишик шакллари билан берилган:

is taken by – ижарага олмоқ; *to take before* Michaelmas – Михайлово кунигача; *by the end* of next week – келаси ҳафтанинг охирларида.

Эътибор қилинса, биринчи қурилмадаги *passive* нисбат ўзбек тилига аниқ нисбат билан таржима қилинган. Агар жумла *Незерфилд шимолий англиялик жуда ҳам бой бир йигит томонидан ижарага олинганмиш* тарзида сўзма-сўз таржима қилинса, ижарага олинувчининг роли ва аҳамияти ўзбек тили мантиқига мос бўлмаган ҳолда пасаяр эди. Шу боисдан предлогни келишикли қурилма иштирокидаги жумлага айлантириб таржима қилиш ҳикоянинг ўзбекона руҳини оширган. Шунингдек, ўзбек тилидаги чегара шакли - *гача* ҳам олдин кўмакчисидан ушбу вазиятда *before* предлоги

маъносини беришда қулай. *Михайлова кунигача* қурилмаси ифодалаган маъно *Михайлова кунидан олдин* бирикмасидан нозик жиҳати билан фарқланади. Кўмакчили қурилмада Михайлова кунига диққат келишикли қурилмага нисбатан маълум даражада кучаяр ва бу эса ҳикоячининг коммуникатив интенцияси ифодасига путур етказар эди. Шунингдек, *by the end of next week* қурилмасини келаси ҳафтанинг **охирлари билан** тарзида бериш сўзма-сўз таржима бўлиб, билан кўмакчисининг табиатига ёт қўлланиш вужудга келади.

Ўзбек тилига инглиз тилидаги *from* предлоги “мансублик” маъноси билан муқобил кўмакчига эга бўлмайди. Шу боисдан таржимада у ҳар доим – *лик* сўз ясовчисига мос келади:

from Tashkent– *тошкентлик*, *from village*–*қишлоқлик*

Бу ҳолатда инглиз тилидаги атоқли от ўзбек тилида турдош отга айланиши ҳам таржимада иштирок этаётган тил бирликларининг ўзига хос имкониятларидан биридир.

Бунга ўхшаш хусусиятлар қуйидаги предлоглар таржимасида ҳам кўзга яққол ташланади: *In a few days Mr. Bingley returned. Mr. Bennet's visit, and sat about ten minutes with him in his library. He had entertained hopes of being admitted to a sight of the young ladies, of whose beauty he had heard much; but he saw only the father. The ladies were somewhat more fortunate, for they had the advantage of ascertaining from an upper window that he wore a blue coat, and rode a black horse* [“Pride and Prejudice” by Jane Austen, Chapter 1].

Матнда иштирок этган қуйидаги тўртта предлог таржимасига эътибор қаратамиз: *in, with, for, upper*:

- *in a few days*, - *with him*, - *for they*, - *upper window*.

Бу предлогларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари қуйидагилар:

in – *ичида*, *with* – *билан*, *for* – *учун*, *upper* – *юқори*.

Бироқ матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда таржима қуйидагича амалга оширилган: *Бир неча кундан сўнг мистер Бингли қайтиб келиб, ўн дақиқача мистер Биннет билан унинг кутубхонасида ўтирди. Бинглибу оиланинг доврўқли гўзал қизларини учратаман деб ўйлаган эди, лекин унга фақат мистер Биннетни кўриш насиб этди, холос. Қизлар эса йигитдан омадлироқ чиқишди: улар юқоридаги деразадан Бинглининг отда келгани ва кўк сюртук кийиб олганини кўрган эдилар* [“Андиша ва ғурур” Жейн Остин, 3-боб. 15-бет].

In предлоги ўзбек тилидаги ичида кўмакчиси ва ўрин-пайт келишигига тўғри келса-да, гап мазмуни уни - *дан сўнг* кўмакчили қурилмасига таржима қилинишини тақозо этган. Кўринадикки, *in* предлоги *ичида* кўмакчисидан фарқли моҳиятга эга бўлиб, бу предлог ва кўмакчи муносабатидаги асимметриядан далолат беради. Ушбу матндаги предлог таржимасига дахлдор муҳим ҳолат шундаки, инглиз тилида ҳар доим предлог сифатида қараладиган *upper* бирлиги ўзбек тилида асосан мустақил лексема, баъзан от-кўмакчи сифатида қараладиган *юқори* лексеманинг мустақил маъносига таржима қилинган: *upper* – *юқоридаги*

Назаримизда, *upper* бирлиги ҳам ушбу матнда “дераза юқорисидан” эмас, балки “юқоридаги деразадан” маъноли қурилмани ҳосил қилиб, ўзининг мустақил лексема вазифасида эканлигини намоён этган.

Баъзан предлогларнинг инглиз тилидаги яхлит қурилма таркибида ифодалайдиган маъноси ўзбек тилидаги жумланинг бошидан охиригача “сочилиб” кетиши мумкин. Мисоллар: *When Jane and Elizabeth were alone, the former, who had been cautious in her praise of Mr. Bingley before, expressed to her sister just how very much she admired him. "He is just what a young man ought to be," said she, "sensible, good-humoured, lively; and I never saw such happy manners!—so much ease, with such perfect good breeding!"* [“Pride and Prejudice” by Jane Austen, Chapter 4]. Таржимаси: *Жейн ва Элизабет ёлғиз*

қолишигач, шу пайтгача мистер Бингли ҳақида ўз фикрини очиқ айтмаётган Жейн, йигит унга жуда ёққанини тан олиб деди:

- У йигит киши қандай бўлиши керак бўлса, худди шундай: ақлли, кўнгилчан, хушчақчақ. Бундай йигитни олдин учратмагандим: яхши тарбия кўргани шундоқ кўриниб турибди [Жейн Остин, “Андиша ва ғурур”, 4-боб. 20-бет].

Албатта, предлогларнинг ўзбек тилидаги муқобил кўмакчиларга таржимаси айнан бўладиган ҳолатлар ҳам талай: *When the ladies removed after dinner, Elizabeth ran up to her sister, and seeing her well guarded from cold, attended her into the drawing-room, where she was welcomed by her two friends with many professions of pleasure* [“Pride and Prejudice” by Jane Austen, Chapter 11].

Таржимаси:

Тушликдан сўнг ҳамма қўзгалгач, Элизабет Жейннинг хонасига кўтарилди ва уни яхшилаб кийинтириб, мехмонхонага тушиди. Қизни ҳамма хурсандчилик билан кутиб олди. [“Андиша ва ғурур” Жейн Остин, 11-боб. 61-бет].

He then sat down by her, and talked scarcely to anyone else. Elizabeth, at work in the opposite corner, saw it all with great delight [“Pride and Prejudice” by Jane Austen, Chapter 11].

Таржимаси:

Кейин Бинглининг ўзи қизнинг ёнига ўтириб, бутун кеча давомида **фақат** у билан гаплашиб ўтирди. Рўпарада иш тикиб ўтирган Элизабет уларнинг ўтиришини хурсандчилик **билан** кузатиб ўтирди [“Андиша ва ғурур” Жейн Остин, 11-боб. 62-бет].

